

ТОПИШМОҚЛАР



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

Узф
У—16

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

КОМИЛ ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ, МАРАТ НУРМУҲАМЕДОВ,
МАТЕҚУБ ҚУШЖОНОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ,
ШОНАЗАР ШОАБДУРАҲМОНОВ, ТУРА МИРЗАЕВ,
МУҲАММАД АЛИ, СОЛИҲ ҚОСИМОВ,
БАҲОДИР САРИМСОҚОВ

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи
ЗУБАЙДА ҲУСАИНОВА

Н $\frac{70803-4}{М 352(04)-81}$ 169—81 4803010000

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й.

АНЪАНАВИЙ ТОПИШМОҚЛАР





ОСМОН, ЕР, СУВ ҲАҚИДА

1. Қўк кўйлаққа қўл етмас.
2. Қўк косани тўнтардим.
3. Қўк косанинг бурни йўқ.

(Осмон)

4. Икки кенг,
Ораси тенг.

(Осмон, ер)

5. Қўк сандиғим очилди,
Ичидан зар сочилди.

6. Оқ сандиқ очилди,
Оламга нур сочилди.

(Осмон, қуёш)

7. Узоқ тоғда ўт ёнар.

8. Сувда ётар сув ичмас,
Юрганини одам билмас.

9. Жилт¹ этди,
Жилғаға тушди.
10. Пасак қизарди,
Ичидан мол чиқди.
(Қуёш)
11. Икки йўрға кеча кундуз
юради чанги йўқ.
12. Икки йўрға йироқда,
Бири кунда, бири тунда.
- а. Бири қувлар
Бири қочар.
13. Олтин келганда кумуш кетар,
Кумуш келганда олтин кетар.
(Қуёш, ой)
14. Бир парча патир,
Оламга татир.
- а. Кеча томда бир патир кўрдим,
Эрта қарасам йўқ.
15. Яримта патир,
Оламга татир.
- а. Ёрида¹ ёрти нон.
- б. Юқорига яримта нон қўйдим,
- в. Юқорига ярим нон қўйдим,
Азонда қарасам йўқ.
16. Бир коса сут оламга етади.
17. Бир оёқ қатиқ,
Оламга татиқ.

¹ Ялт.

² Юқорида.

- a. Бир оёқ қатиқ,
Ҳаммага ош-қатиқ.
18. Том устида бир анор,
Ҳаддинг бўлса ушлаб ол.
19. Узатсам қўлим етмайди,
Барчага бирдай.
20. Керагада корсон қуйруқ,
Кеса берса адо бўлмайди.

(Ой)

21. Онаси битта,
Боласи мингта.
22. Чинни, чинни, чинни қиз,
Чин тепага чиқди қиз,
Болаларин ияртиб,
Томошага чиқди қиз.

(Ой ва юлдузлар)

23. Кўк кўйлакка гўза ёйдим.
- a. Кўк кўйлакка гўза ёйдим,
Эрталаб қарасам йўқ.
24. Кечаси ёнғоқ ёйдим,
Эртаси қарасам йўқ.
25. Кечаси учакка жўхори сепдим,
Азонда қарасам йитибди.
26. Томнинг устига тарик ёйдим,
Эрта қарасам йўқ.
- a. Бир коса сўк,
Эртасига йўқ.
- б. Тақиям тўла сўк,
Эрта қарасам йўқ.

27. Милдир-милдир мунчоқ,
Эрта турсам бири йўқ.

28. Оға-ини минг ботир,
Кўм-кўк гиламда ётир.

29. Қора уйда минг чироқ,
Уйни ёритмас.

(Осмоң, юлдузлар)

30. Кичкинадир ўзи,
Йилтир-йилтир кўзи.

31. Жаанада¹ жилвир-жилвир,
Равшани кундир.

(Юлдуз)

32. Бир отаси, бир онаси,
Неча юз минг боласи.

(Қуёш, ой, юлдузлар)

33. Зил гилам, зил-зил гилам,
Кўтарай десам, оғир гилам.

а. Зил гилам, зил гилам,
Бор нарсадан оғир гилам.

34. Зар гилам, зар-зар гилам,
Кўтарай десам, оғир гилам.

а. Зар гилам, зарбоф гилам.
Кўтарай десам, оғир гилам.

35. Зар гилам, заргар гилам,
Кўтарай десам, оғир гилам,

36. Сер гилам, серча гилам,
Қоқай десам оғир гилам.

¹ Енада.

37. Катта гилам,
Қоқай десам, оғир гилам.
- а. Қоғир-қоғир, қоғир гилам,
Қоқай десам, оғир гилам,
Сотай десам тавур гилам.
38. Бир палосим бор,
Ҳеч йиғолмайман.
39. Бир нарса бор жони йўқ.
Икки юзида қони йўқ.
40. Ҳаммани тўйдираман,
Ўзим емайман.
41. Едириб, едириб, ўзи ер
(Ер)
42. Ёйилма — тузак.
(Адир ер)
43. Қишда яхламайди
Ёзда яхлайди.
(Шўр ер)
44. Эсонбой акамнинг киссасини
Эл йиғилиб тиколмас.
(Ер ёриғи)
45. Ойим кўрпа берди, кўтармадим,
Дадам пул берди санамадим.
- а. Онам берган гиламни
Қоқиб ола олмадим,
Отам берган тангани
Санаб ола олмадим.
46. Оғир гиламни қоқолмадим,
Майда тошни теролмадим.

- а. Оғир гилам қоқиб бўлмас,
Увнуқ тошни тўкиб бўлмас.
47. Қўтарса, қўтарилмайди,
Санаса, ҳисобига етиб бўлмайди.
(Ер ва юлдузлар)
48. Ости тоғора,
Усти тоғора.
Уртасида бир лола.
(Ер, осмон, ой)
49. Дор дорбоз,
Гум гумбаз,
Қирқ чечак,
Бир гули лола.
*(Қуёш, осмон,
юлдузлар, ой)*
50. Ости гумбаз,
Усти гумбаз,
Бир шапалоқ,
Қирқ қумалоқ,
- а) Теги тоғора,
Усти ноғора,
Юз минг чечак,
Бир гули лола.
- б). Усти ноғора,
Ости ноғора,
Юз минг гул
Икки даста гул.
*(Ер, осмон,
Ой, юлдузлар)*
51. Тоғдан келар тошдай,
Ариллаган отдай.

- а. Тоғдан келар тошлар каби,
Эгарланган отлар каби.
52. Кетаверади, кетаверади,
Орқасига қарамайди.
- а. Бориб-бориб орқасига қарамайди.
53. Кетар, кетар изи йўқ,
Таянмоққа тизи йўқ.
54. Кета беради.
Кела беради,
Қоча беради,
Қува беради.
55. Оққина тошим,
Отган сайин илгари кетади.
56. Уйиб олдим,
Изи йўқ.
57. Қилич-урдим,
Урни йўқ.
58. Узи бор,
Соясин йўқ.
59. Узун терак,
Соясин йўқ.
60. Бор-бор отим, бор отим,
Борганинча бор отим,
Ажриқ кўрсанг тишлама,
Айғир кўрсанг кишнама.
- а. Бир отим бор йўрға,
Одам кўрса кишнамас,
Ажриқ кўрса тишламас.
61. Тўхта десам, тўхтамайди,
Хашак берсам, ўтламайди.

62. Оқиб келар шалдираб,
Ойнадайини ялтираб.
63. Шилдир-шилдир кишаним,
Шилдирама кишаним,
Қулоғимда қулфи бор,
Қудратли кишаним.
64. Узун-узун из кетди,
Узун бўйли қиз кетди,
Тошга тегди тарқ этди,
Сирғалари ярқ этди.
- а. Қасаваси қалтираб,
Юзгинаси ялтираб,
Узун-узун уз кетди,
Узун бўйли қиз кетди.
65. Қўпирим¹ динг-динг этади,
Остидан беклар ўтади.

(Сув)

66. Отаси эгри,
Боласи чопқин йўрға.

- а. Онаси эгри-бугри,
Боласи отдан йўрға.

(Ариқ, сув)

67. Отаси эгри-бугри,
Энаси силлиқ жувон,
Уғли қўшиқчи,
Қизи ўйинчи.

(Ариқ, сув,
бақа, балиқ)

68. Қора қушим қақиллар,
Қанотлари шақиллар.

(Шаршара)

¹ Қўприк маъносида.

69. Қозонда эмас, қайнайди,
Қишин-ёзин тинмайди.

70. Жонон коса кўзи ўйнар,
Сочлари жилва-жилва.

(Булоқ)

ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ, ИИЛ ФАСЛИ ВА
МАВСУМ ҲАҚИДА

71. Кўзга кўринмас,
Кўлга тутилмас.
(Ҳаво)
72. Оёғи йўқ, қочади,
Қаноти йўқ, учади.
73. Осмонда учар,
Қаноти йўқ.
74. Узундан узоқ,
Ҳавога тузоқ.
75. Узун-узун ҳамён,
Узундан-узоқ ҳамён.
76. Шилдир-шилдир жуганим,
Сулув қашқа дўноним,
Аёзли кун юрмаган,
Оёғи ерга тегмаган.
- а. Аёзли кунда турмайди,
Оёғи ерга тегмайди.
77. Бешадан чиққан беш бия,
Бешови ҳам қулунли,

Қулунлари қул ола,
Қуйруқлари газ ола.

(Булут)

78. Қора биям қалт этди,
Қовурғаси ялт этди.

(Булут, яшин)

79. Шип этди,
Шивирғон кетди.

80. Узун-узун уз кетди,
Узун бўйли қиз кетди.
Тоққа бориб тақ этди,
Сирғаларі ярқ этди.

81. Шундан урдим қилични,
Бухор бориб, зангар ошди.

(Яшин)

82. Еруғи бор,
Довруғи бор,
Узи йўқ,
Овози бор.

*(Яшин,
момақалдироқ)*

83-84¹. Ғув-ғув этиб келадир,
Орқасидан қора қуш
Учиб сув юборадир, нима?

*(Момақалдироқ,
булут, ёмғир)*

85. Мени сўрайдилар,
Қўринсам қочадилар.

¹ Нашрга тайёрлаш вақтида баъзи топилмоқлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги сабабли қисқартирилди ва кейинги топилмоққа иккита тартиб сони қўйилди. *(Редакция)*.

86. Новча йнгит том тешар.

87. Шатир-шутир этади,
Ерни чўқиб кетади.

88. Узун-узун ўз келди,
Узун бўйли қиз келди.
Қоши қалтираб келди,
Кўзи ялтираб келди.

(*Емғир*)

89. Бири сенади,
Бири ичади,
Бири ўсади.

(*Емғир, ер,
ўсимлик*)

90. Ажаб бир гумбазлик уй кўрдим,
На эшиги бор, на тешиги.

91. Узи битта,
Кўзи мишга.

(*Емғир
кўпиги*)

92. Саман отим сой ёқалаб келади.

(*Сел*)

93. Қора туям қочяпти,
Қумалогин сочяпти.

(*Булуғ, дўл*)

94. Томдан тухум иргитдим.

95. Томга чиқиб тош иргитдим.

96. Гилам устида оқ бодроқ.

97. Оппоқ, оппоқ, оппоғим,
Оппоққина бодроғим.
98. Қоқрон ерда қўзи ўйнайди,
Тоқрон ерда този ўйнайди.

(Дўл)

99. Оппоққина дастурхон,
Ер юзини қоплаган.
100. Оқ товуқ,
Катаги совуқ.
101. Оққина товуқ хирмон сочар.
102. Сутдан тиниқ,
Пахтадан оқ.
- 103-104. Оқ урчуғим айланчиқ,
Бухоронинг йўли очиқ.

(Қор)

105. Оқ сигир туриб кетди,
Қора сигир ётиб қолди.
- (Қор, ер)
106. Учиб келар ғоз каби,
Урин олар муз каби.
Ғижирлар сахтиён каби,
Аччиқ бўлар, туз каби.
- (Қор, аёз)

107. Бултур кетган бўз отим
Бу йил келармикан-да,
Оёғида қирқ кишан
Қишнаб келармикан-да,
Ажриқ, қамиш кўрганда,
Тишлаб келармикан-да.

108. У йил келган бўз отим,
Бу йил келади бўз отим,
Оёғида қирқ бир кишан,
Кишнаб келади, бўз отим.

109. Бир отим бор бўз,
Қора кўрса, кишнаб келар,
Ажриқ кўрса, тишлаб келар.

(Совуқ, қиш)

110. Қўлсиз, оёқсиз гул солади.

(Совуқ, дераза қирови)

111. Бостирдим икки товуқ,
Бирини иссиқ, бирини совуқ.

112. Бир бўри тўққиз қулонни еб турур,
Терисин офтобга ёймай кийиб турур.

(Қиш, ёз)

113. Узоқдан қарасам, ялтир-ялтир,
Ёнига борсам, қулфи калит.

а. Узоқдан қарасам, жилдир-жилдир,
Олдига борсам, қулфи занжир.

б. Узоқдан қарасам, ялт этди,
Қошига борсам, ўзин йўқотди.

114. Утда ёнмайди,
Сувга ботмайди.

а. Сувга ташласам чўкмайди,
Олов қўйсам ёнмайди.

115. Ариқдан ойна олдим.

116. Милтиқ отдим,
Зарафшон кетди.

(Муз)

117. Оқсоқ жўжа ер қазир.
118. Ҳаккам чўлоқ ер тешар.
119. Ликинг чўлоқ ер тешар.
- а. Ланги чўлоқ ер кавлайди.
- б. Илма чўлоқ сур қазир.
120. Жингила сичқон ер қазир.
121. Тумшуқсиз чумчуқ муз тешар.
122. Чўнтоқ тешам ер ковлайди.
123. Чўлоқ отасига гўр қазийди.
- а. Динг-динг чўлоқ, динг чўлоқ,
Отасига гўр қазир.
124. Ўтмас пичоқ ер кавлар.
125. Ўз-ўзига гўр қазийди.
- а. Ўзининг гўрини ўзи кавлар.
126. Хуррум кадичак,
Марварид мунчоқ.

(Томчи)

127. Чиқ-чиқ этди,
Уйдан чиқ, деди.

(Чакка ўтиши)

128. Қўлим билан ушлай олмайман,
Чўнтагимга сола олмайман.

129. Бир коса сут,
Оламга дуд.

(Туман)

130. Қишда келар,
Езда кетар.
131. Езда яхлайди,
Қишда эрийди.
(Буғ)
132. Игна учи ялтироқ.
(Шудринг)
133. Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.
134. Исми бор,
Жисми йўқ.
135. Сўрамай-нетмай эшик очар.
136. Келар-кетар изи йўқ,
Қарагали кўзи йўқ.
137. Оёғи йўқ, қўли йўқ,
Йўлда туриб йўл бошлар.
138. Қаноти йўқ, учади,
Оёғи йўқ, қочади.
139. Қўлда турмас,
Кўзга кўринмас.
140. У ёққа ўтдим, билдингми,
Бу ёққа ўтдим, билдингми.
Оқ қуврайнинг бошини,
Чертиб ўтдим, билдингми.
- а. Бу ёққа ўтар лоп-лоп,
У ёққа ўтар лоп-лоп.
Қозончасини қоплаб,
Керки, чўтини соплаб.

(Шамол)

141. Қамиш боши қалтироқ,
Жилға тўби жалтироқ,
(Шамол, сув)

142. У ёғи алан, бу ёғи алан,
Ўртаси ола тўполон.
(Чанг)

143. Адрасман тубида
Ола сичқон ўйнайди.

144. Жумбоққинам жутулди,
Тоққа қараб қутулди.

145. Сувсиз чўлда този ўйнар.
(Қуюн)

146-147. Тебранади, жони йўқ.
(Зилзила)

148. Бундан отган қиличим,
Зангар бориб очилди.

а. Шундан урдим қилични,
Кесиб Бухорога етди.

(Тонг ёриши)

149. Ёпилса, очилмайди,
Очилса, ёпилмайди,
Нухаси топилмайди.

150. Ярми қора, ярми оқ.

(Тун, кун)

151. Бир палакда ўн икки хамак.

152. Бир лочин ўн икки тухум туғди.

153. Бир онаси бор,
Ўн икки боласи бор.
(Йил, ўн икки ой)
154. Бир япроқда ўттиз келин соч тарайди.
(Ой, ўттиз кун)
155. Зарга сотилмас.
Зўрга топилмас.
- 156 Олтиндир,
Олтинга сотилмас.
(Вақт).
157. Сен кечмасанг,
У қечмас.
156. Олтиндир,
Бу толнинг ўн икки шохи бор,
Ҳар шохида тўрттадан уя бор,
Ҳар уяда еттигадан тухум бор,
Ҳар тухумнинг ярми қорадир, кўрсанг,
Ярми оппоқдир, топган бўлсанг.
*(Йил, ўн икки ой,
ҳафта, кун, кеча, кундуз)*
159. Бир дарахтда ўн икки шоха,
Ўн икки шохада ўттиз япроқ,
Япроғининг бир ёғи қора, бир ёғи оқ.
- а. Бир туп катта терак,
Туби бир, шохи ўн икки,
Япроғи уч юз олтмиш,
Япроғининг бир томони оқ,
Иккинчи томони қора.
*(Йил, ўн икки ой,
кунлар, кеча, кундуз)*

160. Бир палак,
Бир палакда
Ўн икки ҳандалак,
Шу ҳандалакнинг ўн бирини еб,
Биттасини ея олмадик.

а. Ўн икки палак,
Ўн бирини едик,
Бириси тошхамак.

б. Бир палак,
Ўн икки ҳандалак,
Ўн бири тучук,
Биттаси аччиқ.

в. Бир палакда ўн икки ҳандалак,
Ўн бирини есанг даво,
Бирини есанг бало.

г. Том устида бир палак,
Унда ўн икки ҳандалак,
Ўн бирини еса бўлар,
Бирини емай бўлар ҳалак.

*(Йил, ўн икки ой,
бир ой рўза)*

161. Отлари ҳар хил,
Ёшлари бир хил.

*(Ҳафтанинг
кунлари)*

162. Ҳежадан ҳеча кетди,
Билмадим неча кетди.
Ўн икки товуқдан
Уч юз олтмиш жўжа кетди.

(Ойлар ва кунлар)

163. Учовлон тўққизни урдими?

164. Тўққиз жондорни уч жондор еган.

165. Тўққиз ойга уч ой баробар келади.
(Тўққиз ой ишлайсиз,
уч ой ейсиз — қиш)
166. Кўмса, кўмилмайди.
167. Чопса, чопилмас,
Кесса, кесилмас.
- а. Босса, босилмайди,
Кўмса, кўмилмайди.
- б. Тенса, тебранмас,
Чопса, чопилмас.
- в. Йўнса йўнилмайди,
Чопса, чопилмайди.
168. Чопса, чопилмас,
Бўлса, бўлинмас,
Кесса, кесилмас,
Кўмса, кўмилмас.
- а. Кетсам, кетар,
Келсам, келар.
- б. Юрсам, юради,
Турсам, туради.
169. Чопса, чанги йўқ,
Йўнса, қони йўқ.
170. Энгашсам энгашади,
Турсам туради.
171. Қўл солдим, тутолмадим.
172. Сувга тушса, сув бўлмайди,
Лойга тушса, лой бўлмайди.
173. Тогда тана кўрдим,
Айрилмас бало кўрдим.

174. Эски-эски чопоним,
Эсимдан чиқмас чопоним,
Жанда-жанда чопоним,
Ёнимдан кетмас чопоним.

а. Жанда чопоним,
Ёнимдан қолмас.

(Соя)

**ОДАМ, УНИНГ АЪЗОЛАРИ ВА ХИСЛАТЛАРИ
ҲАҚИДА**

175. Аввал бошдан ишим бор,
Усталарда кумушим бор,
Очилмаган сандиқда
Кўзи боғли қушим бор.

*(Она,
туғилмаган бола)*

176. Эл ичидан элчи келди, оти йўқ,
Унга бир от бердим жони йўқ.
Икки қўй вазифа бердим —
Суяги билан қони йўқ.

*(Бола, исм қўйиши,
она сийнаси)*

177. Чақа-чақа чақалоқ,
Ичида бор бақалоқ.

178. Эшикдамисан мержон,
Уйдამисан мержон,
Оёқ қўлинг боғловли,
Азобдамисан мержон.

(Бола, бешик)

179. Том бошида япроғи,
Шовдирайди меваси,
Соясида ҳамроҳи.

(Бешик, бола, она)

180. Тақир, тақир, тақирвон,
Ичида бор меҳрибон,
Оғзида бор озиғи,
Тагида бор қозиғи.

*(Бола, бешик,
она кўкраги, сумак)*

181. Тақир-тақир тақирвон,
Уни топинг, дилбарим.
Ичидаги меҳрибон,
Уни топинг, дилбарим,
Оғзидаги озиғи,
Уни топинг, дилбарим.
Тагидаги қозиғи,
Уни топинг, дилбарим,
Қозиқ ости хурмача,
Уни топинг, дилбарим?
(Тақир-тақир тақирвон,
Бешик деган эмасми,
Ичидаги меҳрибон,
Бола деган эмасми,
Оғзидаги озиғи,
Она сути эмасми,
Тагидаги қозиғи,
Сумак деган эмасми,
Қозиқ ости хурмача —
Тувак деган эмасми?)

182. Эрта билан тўрт оёқлаб юради,
Тушда икки оёқлаб юради,
Кечқурун уч оёқлаб юради.

183. Тўртида тариқдай,
Ўттизида айиқдай,
Тўқсонда товукдай.

*(Одам — болалиги,
йигитлиги, кексалиги)*

184. Қатордаги қора нор,
Етакдаги жир моя.

(Ота, она)

185. Қатордағи қора нор,
Жетакдағи жир моя,
Қарагай найза булоқсиз,
Боглон кўзи суяксиз.

(*Ғта, она,
соч, кўкрак*)

186. Узи битта,
Қалласи иккита,
Думи битта,
Оёғи олтита.

(*От минган
одам*)

187. Уйнинг тўрига югуриб
Ўтар қизил ошиқ.

188. Қизил чийнинг остида
Қизил кийган ўтирар.

(*Келин*)

189. Бир тўбада етти тешик.

(*Бош, оғиз,
бурун, кўз ва қулоқ*)

190. Думалоқ челга майда тол экдим.

191. Тоғ устида ўрмон бор.

(*Соч*)

192. Букдим, букдим,
Ариқдан у ёққа ташладим.

193. Ечдим, ўрдим,
Тоғ орқасига ташладим.

194. Қора тол булоқсиз.

195. Қайрағочнинг бутоғи,
У нимади, калгинам?
196. Тоғда таёқ серкиллар.
197. Қатор, қатор қора нор,
У не бўлди болқантўз,
Уй ортида қўш терак,
У не бўлди болқантўз.
198. Бугдой ўрдим боғсиз қолди,
Териб ололмай сонсиз қолди.
199. Жарга илон ёпишган.

(Соч ўрими)

200. Қора толнинг шохи йўқ,
Икки қўйнинг суяги йўқ.
201. Қарағай найза бутоқсиз,
Боғланган қўзи суяксиз.
- (Соч, кўкрак)*

202. Уй устида сари ёй.

(Қош)

203. Том устида қўш чироқ.
204. Чапғарақда қўш чироқ.
205. Кечаси ёпиқ,
Кундузи очик.
206. Кундузи ёнар,
Кечаси сўнар.
207. Қушдан илдам учар,
Қора ернинг бағрин тешар.
208. Қичкинакай митрим,
Ер тубига етирим.

209. Бир ола чилбирим бор,
У тогдан бу тоққа етади.

а. Бир ола чизимим бор.
Бу тоққа ҳам етади,
У тоққа ҳам етади.

210. Охурда ола бузоқ ўйнайди.

211. Қўш инда, қўш сичқон ўйнайди.

212. Ола-ола, олача,
Устида қора сичқон ўйнайди.

213. Ола кабутар,
Топилмас гавҳар.

214. Икки оғайни бир-бирини кўрмайди.

215. Қаричдан яқин,
Осмондан узоқ.

(Кўз)

216. Атрофи чакалакзор,
Ўртаси ёруғ юлдуз.

217. Тевараги туклик,
Ўртаси лук-лук.

218-219. Сандиқчамни очдим-ёпдим,
Сачоқлари ташқарида қолди.

220. Дарёнинг нар ёғида бир тўп йилқи,
Бер ёғида бир тўп йилқи,
Тепишар экан-да, қопишар экан.

221. Бир қудуқнинг бошида қирқ қиз,
Ҳам қопишар, ҳам тепишар.

222. Ойнам усти қопқоқли,
Атрофлари чачақли.

(Кўз билан
киприк)

223. Кундузи таёқлашар,
Кечаси қучоқлашар.

224-225. Ул овулнинг йилқиси,
Бул овулнинг йилқиси,
Тепишар-да, қоқишар.

(Киприклар)

226. Устида икки дарча,
Ўртасида бир кунда.

(Кўз, бурун)

227. Текис жойда қўш тўла.

228. Қўш най,
Ичида лой.

229. Узун чуқур,
Чўзилиб ётир.

(Бурун)

230. Челак,
Челак устида мўри.

(Оғиз, бурун)

231. Тоғдан қизил кўйлакли югуриб тушди.

232. Қирли тоғдан қизил кўйлакли қиз юмалаб
тушди.

233-239. Жин кўчадан қизил кўйлакли қиз кела-
ётир.

(Бурун қони)

240. Бир тешикда ҳамма олам.

241. Жар ёқасида ёрти чайла.

а. Жар тагида ёрти¹ капа.

¹ Қўлёзмада: *жарти*.

242. Жар бошида ерти супра.
243. Ена ерда япалоқ арча.
244. Ена ерда тойнинг изи.
245. Айлана булоқ,
Ичида сариғ ёқ.
246. Қўш гилдирак,
Ҳар кимга керак.
247. У ёққа қарасангиз кўрмайсиз,
Бу ёққа қарасангиз кўрмайсиз,
Бошингизга қарасангиз кўрмайсиз.
Соянгизга қарасангиз кўринади.
- (Қулоқ)
248. Эшитади, кўрмайди,
Кўради, эшитмайди.
- (Қулоқ, кўз)
249. Ғазнадир тўлмас,
Бир кун бўш қолмас,
Бўш қолса турмас,
Усиз жон бўлмас,
- а. Бир ғазнам бор тўлмайди,
Бир кун канда бўлмайди.
250. Тирикка керак.
- (Оғиз)
251. Юриб, оқ товугимни йўқотдим.
252. Оқ кучугим аравадан сакради.
253. Бир ўзи,
Минг кўзи.

- а. Пинагина ўзи бор,
Минг бир ола кўзи бор.
254. Жуммоғимни жуттирдим,
Бора-бора уттирдим.
(Тупук)
255. Ура,
Ура бошида шўра.
- а. Ура,
Теварағи шўра.
256. Бедапоя,
Ўпқин хона.
(Оғиз,
мўйлов,
соқол)
257. Жар бошида бир туп шувоқ.
258. Бир боғ похол бели боғлиқ.
(Соқол)
259. Челакча
Челакча ичида балиқча.
260. Ура,
Ура устида қўш тўла.
(Оғиз, бурун)
261. Темир қўрғон ичида,
Қизил тойчоқ ўйнайди.
262. Ҳамма вақт оғзимда,
Ҳеч юта олмайман.
263. Уй ичида қизил гўшт.

264. Қизил бузоғимни оғилдан ҳайдасам, чиқ-
майди.

(Тил)

265. Тег десам, тегмайди,
Тегма десам, тегади.

а. Кел-кел десам, келмайди,
Келма десам, келади.

(Лаб)

266. Оти йўқ,
Оламда кўп.

(Юқори лабнинг
чуқури)

267. Биз-биз эдик, биз эдик,
Ўттиз икки қиз эдик,
Икки сафга тизилдик,
Бирин-кетин узилдик.

268. Шов тегирмоннинг тоши,
Олтин эгарнинг қоши,
Шуни топган йигитнинг,
Юз йигирма икки ёши.

(Тиш)

269. Кичкина охурча,
Ичи тўла михча.

270. Сандиқчада михча.

271. Сандиқ тўла оқ садаф.

а. Қоронғи уйда ўттизта садаф.

272. Оғил тўла оқ эшак.

а. Оғил тўла оқ эшак,
Устида кўрпа-тўшак.

6. Оғил тўла оқ эшак,
Кўган тўла кўк эшак.

273. Бир сурув эшагим бор,
Бари бир охурдан сув ичар.

274. Кешта тўла оқ товуқ.

275. Бир уйим бор тўйнуксиз.
Ичи тўла юлдуз.

276. Бир ёриқда кўп каллак
Қистирувли турибди.

(Оғиз, тиш)

277. Оғилдан чиққан оқ эшак,
Қайтиб жойига келмас.

278. Кештадан тушган оқ товуқ,
Қайтиб кештага қўнмас.

(Тушган тиш)

279. Жар ёқалаб тош қўйдим,
Жийрончани бўш қўйдим.

280. Қатор-қатор фишт қўйдим,
Жийрон отни бўш қўйдим.

281. Қаторлата тош қўйдим,
Қизил хўкизни бўш қўйдим.

282. У ёғи тош, бу ёғи тош,
Ўртасида белтанг бош.

283. У ёғи арра, бу ёғи арра,
Ўртасида гўшти барра.

(Тиш, тил)

284. Ўттиз бўри бир жойга макон қўйди,
Ўнта хизматкор, иккита қоровул қўйди.

(Тиш, бармоқлар, икки кўз)

285. Шундан бордим тўда қамиш,
Унинг адоғида бўлак қамиш,
Унинг адоғида икки шамчироқ,
Унинг адоғида икки булоқ,
Унинг адоғида тўймас қудуқ.

286. Тўқай қамиш,
Тўқай қамиш тагида қиё қамиш,
Қиё қамиш тагида ялтировуқ,
Ялтировуқ тагида пирилловуқ,
Пирилловуқ тагида тақилдоқ.

*(Соч, қош, кўз,
бурун, оғиз)*

287. Ура,
Ўранинг юқорироғи шўра.
Шўранинг юқорироғи булоқ,
Булоқнинг юқорироғи чироқ,
Чироқнинг юқорироғи қалам,
Қаламнинг юқорироғи чангал,

*(Оғиз, мўйлов, бурун,
кўз, қош, соч)*

288. Ҳовузча,
Ҳовузча устида булоқча,
Булоқча устида чироқча,
Чироқча устида қаламча,
Қаламча устида айвонча,
Айвонча устида чакалакзор.

*(Оғиз, бурун,
кўз, қош,
пешона, соч)*

289. Чанғароқда қўш чироқ,
У не бўлди, болқантўз?
Уй устида сари ёй,
У не бўлди, болқантўз?
Зарна ерда қўш тўла,
У не бўлди, болқантўз?
Ҳовузи бор, суви йўқ,
У не бўлди, болқантўз?

Қатор-қатор қора нор,
У не бўлди, болқантўз?
Уй ортида қўш терак,
У не бўлди, болқантўз?
(Чанғароқда қўш чироқ,
Қўз дегани эмасми?
Уй устида сари ёй,
Қош дегани эмасми?
Зарна ерда қўш тўла,
Бурун дегани эмасми?
Ховузи бор, суви йўқ,
Оғиз дегани эмасми?
Қатор-қатор қора нор,
Соч дегани эмасми?
Уй ортида қўш терак,
Соч ўрими эмасми?)

290. Уй ортида жалоқ,
Уни топмаган шалоқ.

(Елка чуқури)

291. Беш отим,
Бешови ҳам қашқа отим.

292. Беш оғайни ёш эди,
Ичида бири бош эди.

- а. Беш оғайни ёш эди,
Бири-биридан кичик.

293. Катта-кичик беш ўртоқ,
Уюшса бўлар тўқмоқ.

294. Бири катта, бири кичик,
Туғилгандир беш кучук.

295. Бир жумбоғим беш қора.

(Бармоқлар)

296. Бир отадан беш ўғил.

- а. Икки онага бештадан бола,
Ҳар бирининг оти бор.

297. Бир супада беш бола.

- а. Бир супача,
Беш бекача.

298. Косов,
Косов боши бешов.

- а. Қосовники бешов.

(Қўл, бармоқлар)

299. Косов,
Косов бошида бешов,
Бешов бошида беш ойна.

300. Беш кампир,
Беш кампирнинг орқасида беш муз ёпи-
шиб турибди.

(Қўл, бармоқлар, тирноқ)

301. Қув ёғоч-а, қув ёғоч,
Қув ёғочда беш ёғоч,
Беш ёғочга қор ёққан,
Қор устига қон томган.

*(Қўл, бармоқлар,
тирноқ, хина)*

302. Унта оға-ини бошидан
Унта ой тушиб кетди.

*(Бармоқлар,
тирноқ олиш)*

303. Бешта ботир,
Орқаси ялтир.

(Тирноқ))

304. Чилдир чумоқ,
Кичкина бубак.

(Синчалоқ бармоқ)

305. Бир ўчоққа беш косов.

*(Оғиз,
беш бармоқ)*

306. Бир уяда икки каптар.

307. Барра гўшти бесуяк.

308. Охуна қўзи сўяксиз.

309. Бир палакда икки ҳандалак,
Еса ҳам адо бўлмайди,
Емаса ҳам адо бўлмайди,

(Аёл сийнаси)

310. Ерга қўйилмайди,
Косага қўйилмайди,
Дунёда ҳамма одам
Ичмай қўймайди.

а. Қозонда пишмас,
Тобоққа тушмас,
Татимаган бўлмас.

(Она суги)

311. Ўзимда бор,
Эсимда йўқ.

312. Тақрон ерда тойнинг изи.

а. Так тепада той изи.

б. Жонамай ерда той изи.

313. Ёна ерда юмалоқ арча.

314. Ялпоқ тошда ёлғиз ирғай.

(Киндик)

315. Узун йўлак,
Ичинда чўрак.

(Ичак)

316. Икки оғим бор,
Бир-биридан чопоғон.

317. Турсанг турар,
Ётсанг ётар.

(Оёқ)

318. Уроқда йўқ,
Мошоқда йўқ,
Ҳирмонда ҳозир.

319. Тайёр ошга баковул.

(Эшон)

320. Отам берган оби қилич,
Минг йилда ҳам чиримас.

321. Отам берган зар қамчи,
Минг йилгача чиримас.

322. Енгим тўла сари олтин,
Ерга тушса, чиримас.

а. Отамдан бир мерос олдим,
Ерга кўсам чиримас.

323. Енгимдаги яшил тош,
Ерга тушса, йўқолмас.

324. Яратганга ёпишган.

а. Ҳамма нарсага ёпишган.

6. Сенга ҳам ёпишган,
Менга ҳам ёпишган,
Нарсага ҳам ёпишган,
Дунёга ҳам ёпишган.

325. Сувга ботмас,
Ерда чиримас.

(Исм)

326. Шу кўчанинг бошида,
Тилла эгар қошида.
Буни топган кишилар,
Юз йигирма ёшида.

327. Газлаб олинмас, пудлаб сотилмас,
Ҳар кимда бирдан ортиқ бўлмас,
Ўзиникини бировга тортиқ қилмас,
Исми бўлса ҳам, жисми бўлмас,
Кўзга кўринмас, қўлга тutilмас,
Фойдадан ҳоли эмас, йўқдан топилмас,
Шолининг похоли эмас,
Эчкининг соқоли эмас.

(Ақл)

328. Бир нафасда оламни кезар.

329. Югургандан ўтади,
Бир вақтда етади,
Уқ эмас, отилади,
Қуш эмас, учади.

330. Уқ эмас,
Уқдан ўзар.

331-332. Ўзи кенг,
Денгиздан чуқур.

(Фикр)

333. Узоқнинг у ёғинда,
Яқиннинг бу ёғинда.

Кўринмас кўзга,
Тинч бермас бизга.

(Хаёл)

334. Осмондан буюк.

(Мақсад)

335. Утда ёнмас,
Сувга ботмас,
Ерда чиримас.

(Тўғрилиқ)

336. Бир тўкилса,
Қайта тўлмас.

(Обрў, ному)

337. Ўзи фарз, бибисмилло.

(Салом бериш)

338. Асалдан ширин,
Заҳардан аччиқ.

339. Бировни суйдирар,
Бировни куйдирар.

340. Оғзим очдим, учди кетди,
Самарқанду Бухор бориб етди.

341. Оғзимдан тушиб қолди,
Ҳар томонга тарқалди.

342. Оғиздан чиққанча меники,
Оғиздан чиққани элники.

(Сўз, гап)

343. Ут эмас, куйдирар,
Пичоқ эмас, суйдирар.

344. Қим суялди,
Уша уялди.
(Елфон сўз)
345. Бозорда сотилмайди,
Тарозида тортилмайди.
а. Бозорда топилмайди,
Чорсида сотилмайди.
б. Бозорда топилмайди,
Тарозида сотилмайди,
Узи болдан ширин,
Еса бўлмайди.
346. Қичкина — митти,
Тепди, йиқитди.
а. Қичкина — митти,
Хон, хўжани йиқитди.
347. Жар йиқилди,
Қум тиқилди.
а. Бир шаппати уриб йиқитдим,
348. Тепдим,
Тўрга ташладим.
а. Туйдим,
Тубга ташладим.
349. Бир отим бор нос,
От, туя кўтармас,
(Уйқу)
350. Саман от миңдим, сой кечдим,
Соясини кўрмадим.
Қизил баҳмалдан тўн бичдим,
Қийғини кўрмадим.

(Туш)

351. 352. Бир бұри қўйнинг қонини чиқармай еб
ётир.

(Азроил)

353. Ер тагида ҳўл тўнгат.

(Майит)¹

354. Жуммоқ қуйдим, жубин топ,
Жумой бобой уйин топ,
Тағи қуйдим, тоғи топ,
Тогой бобой уйин топ.

(Қабр, мазор)

ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ ҲАҚИДА

355. Шилдир-шилдир сув кечар,
Сув бетини кўрмаган,
Изиллаган аёзда
Аёз бетин кўрмаган.

а. Шилдир-шилдир сув кечар,
Оёғи сувга тегмас.

(Туғилмаган қулун)

356. Сувдай чопади,
Манзилга етади.

357. Тўрт оёқли,
Темир туёқли.

(От)

358. Эломон акамнинг икки ўғли
Элакийиб келаётир,
Тўлаган бойнинг тўрт ўғли
Тўбалашиб келаётир.

*(Отнинг икки қулоғи,
тўрт оёғи)*

359. Тўрт ой, йигирма тўрт юлдуз.

360. Бандини банд этдилар,
Пайвандини панд этдилар,
Йигирма тўрт юлдузни
Тўрт ойга банд этдилар.

а. Андижон анд айлади,
Шакардан қанд айлади,
Йигирма тўрт бегижон,
Тўрт ўғрини банд айлади.

*(Отнинг тақаси,
михи)*

361. Сувга тушса мингта,
Сувдан чиқса битта.

362. Туби бир,
Шохаси минг.

*(Отнинг
думи)*

363. Бир отим бор овушгина,
Пиёдага ковушгина.

364. Қулоғи узун,
Думи калта,
Доим устида
Юрар халта.

365. Қуён эмас,
Узун қулоқ.
От эмас,
Тўртта туёқ.

366. Кучи ҳалол,
Ўзи ҳаром.

367. Катта такам бесоқол.

368. Тапир-тупир тўртовлон,
Ҳанграгани бировлон.

(Эшак)

369. Оёғи попик,
Оғзи кўпик.
370. Ұзи оқмоқ,
Оёғи поқмоқ.
371. Ҳовузи қулқулум,
Узун оёғу калта дум.
- а. Ҳовуз қулдурум,
Поча дарозу калта дум.
372. Қул,
Қулга бориб чўк.
373. Узун-узун қизгина,
Узун бўйли қизгина.
374. Бу ёққа ўтди лоп-лоп,
У ёққа ўтди лоп-лоп,
«Шўра» деди қўймади
Ютаверди соплаб.

(Туя)

375. Бир гуппи,
Тўрт таппи,
Икки ёруғ юлдуз,
Бир қамчи.
376. Тўрт лоп-лоп,
Икки динг-динг,
Бир шип-шип,
Бир ҳам-ҳам.
- а. Бир лоп-лоп
Икки лоп-лоп,
Уч лоп-лоп,
Тўрт лоп-лоп
Эгри соплап,
Бир дингил,
Бир шингил.
377. Опон-опон,
Эски чопон,

Еруғ юлдуз,
Эгри қўбиз.

а. Опон-опон,
Эски чопон,
Эгри қўбиз,
Еруғ юлдуз,
Тўрт лоп-лоп,
Бир шип-шип.

б. Бупан-бупан,
Эски чопон,
Енги ямоқ
Дарди томоқ.

*(Туя, оёғи,
ўркачи, кўзи,
думи)*

378. Узи катта,
Думи калта.

а. Узи катта,
Сочбоғи калта.

*(Туя,
думи)*

379. Момом кетиб бораётир,
Кулчаси қолиб бораётир.

380. Кетаверади, кетаверади,
Товоқдай ерни ўйиб кетади.

381. Кетаверади, кетаверади,
Чаватидай жой олади.

а. Кетаверади, кетаверади,
Дўппидай жойни олади.

382. Кўприк остида тўрт кулча,

(Туя оёғининг изи)

383. Эрта кетар лайлихон,
Кечда келар лайлихон,
Турли-турли боғчалардан,
Йигиб келар лайлихон.

384. Жумбоқ қуйдим жубин топ,
Жумалоқ қуйдим отин топ,
Тагин қуйдим, тагин топ,
Энди қуйдим, энди топ,
Эминбойнинг отин топ.

385. Боради, боради,
Бўйрадай ерни олиб ётади.

(Сигир)

386. Икки тортар,
Бир йиртар.

(Ҳўкиз, омос)

387. Ямоғи бору
Йиртиғи йўқ.

а. Ямоғи бор,
Тикиши йўқ.

б. Ола-була,
Тикиши йўқ.

388. Қайчиламай — қийган,
Игналамай — тиккан.

(Сигирнинг оласи)

389. Эл ётса-да,
Эломон оғам ётмас.

390. Эгри толга қор ёғмас.

(Молнинг шохи)

391. Икки тандирга бир косов.

- а. Икки ўчоққа бир косов.
 - б. Икки охурга бир косов.
 - в. Уч тандирга бир косов.
392. Икки қозонга бир чўмич,
393. Икки қозонга бир дастрўмол.
(Сигир тили)
394. Кўпирик тагида тўртта қурт.
395. Кўпирик тагида тўртта қозиқ.
- а. Омбор тагида тўрт қозиқ.
396. Кўпирик тагида тўрт найча.
- а. Кўпирик тагида тўрт ғаров.
397. Кўпирик тагида тўртта тутак.
398. Кўпирик тагида тўрт ирча.
399. Кўпирик тагида тўртта тухум.
400. Тўшак ости тўрт бўғирсоқ.
401. Тўрт қозиқ,
Ҳаммага озиқ.
402. Тўрт пўштли сандиғим,
Тўнкарса тўкилмас.
(Сигир елини)
403. Тўрт мерган
Бир қудуққа тош отар.
- а. Тўрт мўлтонни
Бир қудуққа тош отар.

б. Тўрт қаландар
Бир қудуққа туфлайди.

в. Тўрт кал бир ўрага сиғади.
(*Сигир соғиш*)

404. Тўрт чучук дона,
Саккиз аччиқ дона.

(*Сигир,
ит елини*)

405. Икки дурдона,
Тўртта мардона,
Саккизта сардона.

а. Икки қора гардин
Тўрт магардин,
Саккиз сагардин.

406. Саккиз сатрон,
Тўрт маржон,
Икки аноржон.

(*Ит, сигир, эчки
елини*)

407. Томга таёқ суёвли.

(*Мол думи*)

408. Қасагани қасаган,
Хасдан буйрак ясаган.

(*Мол тезаги*)

409. Қичкинтайгина бўйи бор,
Айлантирган тўни бор.

410. Пастаккина бўйли,
Иссиққина пўстинли.

а. Кич-кичкина бўйи бор,
Сандал каби думи бор.

411. Киши кўрса кишнамас,
Ердан чўп тишламас.

(Қўй)

412. Буюк тоғнинг бошида
Букри қўчқор ўйнайди.

(Олқор)

413. Соқоли бор,
Мўйлови йўқ.

а. Соқоли бор,
Ақли йўқ.

б. Туғилгандаёқ соқоли билан туғилади.

414. Шохи катта,
Думи калта.

415. Беҳ, беҳ десам келмайди,
Кепак берсам емайди.

(Эчки)

416. Чорва ичида шайтон,
Соқоли узун султон.

(Така)

417-418. Ҳамма ётса ҳам
Ҳасан-Аваз ётмайди.

(Эчки шохи)

419. Қант қантдан келаман,
Қанти¹ работдан келаман,
Этак-бошин туриниб,
Қонга текизмай келаман.

¹ Кент.

а. Газ-газ қайдан келдинг,
Қонли булоқдан келдим.

Қанотинг қон бўлмадими,
Худайнинг амри билан келдим.

(Чарви)

420. Том устида сандиқ,
Томошадан қолдик.

а. Йўл устида бир сандиқ,
Қизиғидан биз қолдик.

421. Олис ердан чанг чиқар.

422. Тоқрон ерда този ўйнар.

(Кўпқари)

423. Эрта кетар лайлатир,
Оқшом келар лайлатир,
Турли-турли ипакдан
Туйиб келар лайлатир.

а. Зув боради лайлихон,
Зув келади лайлихон,
Турли-турли ипакдан,
Туйма эшар лайлихон.

(Кўй,

эчки ва қумалоғи)

424. Ҳеч ерининг касали йўқ,
Бирдай ҳанграйди.

425. Ерда юради,
Осмонни кўрмайди.

(Чўчқа)

426. Кундузи юриб-юриб келади,
Кечаси галвирдай жойни олиб ётади.

- а. Кетаверади, кетаверади,
Саватдек ерни олади.
427. Сояда ётар,
Минг қўй боқар.
428. Эл ётса ҳам,
Шалпангқулоқ ётмайди.
429. Кечаликка ҳов-ҳов этар,
Кундузига вов-вов этар.
430. Вов-вов дейди, бақиради,
Туғишганин чақиради.
431. Бўсағада маймунлайди,
Чий тубида чийиллайди.

(Ит)

432. Учоқ мўйнида турган,
Икки кўзини юмган.
433. Қичкинагина қумғон,
Ўтириб кўзин юмғон.
- а. Қора қумғон,
Кўзини юмғон.

434. Мўйлови бор,
Соқоли йўқ.

(Мушук)

435. Уйдаи жойни олар,
Сичқондан қўрқар.
436. Туя десам, каттакон,
Усти кенг, бир макон.
437. Иш-иш эшагим, иш-иш,
Қулоқлари тиртиш.

(Фил)

438. Ола-була тўни бор,
Қуйруғида холи бор.
439. Йўл-йўл тўни бор,
Одам қўрқар турқи бор.
440. Матал, матал маттики,
Тирноқлари ўн икки,
Қилдан ола тўни бор,
Қуйруғида холи бор.
441. Жумбоқ айтдим йўл-йўл,
Томизиғи тол-тол.
Тўқсон элдан юракли
Буни топ-чи, чироғим.
442. Ман-ман, маники,
Ҳар тирноғи ўн икки,
Қилдан ола тўни бор
Қуйруғида холи бор.
Уни топган йигитнинг
Ақлининг кони бор.
- (Йўлбарс)
443. Келганда тўрт оёқ,
Кетганда икки оёқ.
- (Айиқ)
444. Далама-дала қидиради,
Қўй билан эчки оҳ уради.
445. Гўнг тепада ўт ёнар.
446. Ушугим ушшали,
Қулоқлари бушшали.
Тоғдан келса кўрасиз,
Қўрқа-қўрқа ўласиз.
- 447-448. Матал, матал малики,
Тирноқлари ўн икки,
Ҳувидай-ҳувидай,

Оғизлари кувидай,
Тоғдан ошар моли бор,
Қуйруғида холи бор.

(Бўри)

449. Қашқир минган,
Эшак ўнгарган,
Эчки ҳайдаган,
Туя етаклаган.

450. Кечаси овида.
Кундузи уйида.

(Тулки)

451. Масала, масала маники,
Бармоқлари ўн икки,
Ҳали келса кўрасиз.
Кула-кула ўласиз.

452. Бир маталим бор бошдан,
Оёғи темир, тошдан,
Ҳали келса кўрарсиз,
Кула-кула ўларсиз.

(Маймун)

453. Шохлари бор қўчқордек,
Бўйи мисли дарахтдек,

(Кийик)

454. Қўккина-гина куррачам,
Жар ёқалаб қочади.

455. Узун қулоқ,
Қалта дум.

456. Кечаси ухлайди.
Кундузи йўрғалайди.

457. Ўзи йўртиқ,
Лаби тиртиқ.

458. Сої ичида сари эчки,

459. Ушигим хуттатак,
Қулоқлари буттатак.

460. Нарги бетни кўрдингми,
Берги бетни кўрдингми,
Унг бетида холи бор,
Қурбонбекни кўрдингми.

(Қуён)

461. Кўрсангиз айни мйшиқ,¹
Жуни, териси пишиқ.
Тоғда юриб яшайди,
Қулоғи зор тингшайди.

Овчилар излаб келса,
Дарров қўлга ташлайди.

(Сувсар)

462. Жар бўйида жар қилич,

(Жайра)

463. Ер тагида игначи ота.

а. Ер тагида игначи боққол.

б. Ер тагида Абдурахмон игначи.

464. Ер тагида кубба игна.

465. Ер тагида вой-вой санчалак.

466. Ер тагида маян қашқа.

(Тирратикон)

¹ Мушук.

467. Ердан чиқади қозик,
Иси жуда сассиқ.
(Юмронқозик)
468. Қайда ғанақ билади,
Сарраклайди, кўмади.
(Қаламуш)
469. Токчама-токча,
Мирзамамат бачча.
470. Токчама-токча,
Хўжа хон, бачча.
471. Токчама-токча,
Ичи тўла муллабачча.
472. Токчама-токча
Азамат хўжа.
473. Токчама-токча,
Чўнтак бачча.
474. Токчама-токча,
Шундан Самарқандча.
475. Қочди,
Қўрғонга кирди.
476. Пастгина деволча,
Мастгина куррача.
477. Ер тагида езнам оти кишнайди.
478. Езнам уйидан югуриб чиқди кўк қашқа,
Ёви йўқдир малла мушукдан бошқа.
479. Жонсиз ерга жонли киради.
480. Бир отим бор:
Қуйруғи узун,
Тез юрар.

481. Ұзи саёқ,
Думи таёқ.
482. Бир кул ранг бузоғим бор,
Уйдагилар ундан безор,
Бозорга олиб борсам,
Топилмайди харидор.
483. Кул-кул, товуғим,
Кулиб бергин, товуғим,
Сабзи катак ичида
Ұйнаб бергин, товуғим.
484. Бўртим, бўртим, бўртимбой,
Қоронғида юртим бой,
Қора кўрса қочди бой,
Жирандага тушди бой.
485. Худдибой чўлоқ гўр қазир,
Гўр қазиса ҳам йўл қазир.
486. Букри момом бук этди
Югуриб юкка кетди.
487. Бахир момо букка кирди,
Югуриб бориб жукка кирди.
488. Маталим маттигина,
Қулоқлари даттигина.
489. Куррача, мастча,
Охурча пастча.
490. Югур, югур, югуроб,
Ер тагини қидироб,
Бойнинг ўғли Шомурод,
Милтиқ олиб югуроб.
491. Ер ости дукурдук,
Милтиқ олиб югурдук.

(Сичқон)

492. Тирик келиб ўликдан ош сўради,
Ўлик туриб тирикни бўғиб олди.

(Сичқон, қопқон)

493. Кундузи кўринмас,
Тунда кўринар.

(Кўршапалак)

494. Қанотли, сут беради,
Оёқли дон беради.

(Кўршапалак, тошбақа)

495. Сувда туғди,
Ерда ўлди.

496. Қаноти бор учмайди,
Қуруқликда юрмайди.

497. Ўзи сувнинг тагида,
Кўзи сувнинг юзида.

498. Юрса изи йўқ,
Соясн ҳам қони йўқ.

499. Қишда бир жойда,
Ёзда минг жойда.

500. Сув тагида олтин болдоқ.

501. Пичоқ урса қон чиқмас.

502. Қамиш таги қалтирар.

503. Жони бор жондан,
Сув ичар кўлдан,
Кўзлари нурдан,
Териси пулдан.

504. Усти пулча,
Ичи қилтириқча.

505. Боши бору сочи йўқ,
Кўзи бору қоши йўқ.
Таңгаси бор, пули йўқ,
Қаноти бор, учуви йўқ.

506. Лосинда, лосинда,
Дарёлар ёқасинда,
Бир қуш кўрдим
Қаноти орқасинда.

507. Масала,
Бошини кесмай есала.¹

508. Шунинг билан десалар,
Бошини кесмай есалар.

(Балиқ)

509. Сассиқ кўлда ит ҳурар,

а. Узоқ сойда ит ҳурар.

510. Ҳовуз ёнида Султонбойвачча ўтиради.

511. Сув бўйида поччам оти кишнайди.

512. Уй олдида йўртиллоқ,
Кўзгинаси йилтироқ.

513. Бўсағада буркиллар.

514. Қия-қия ерларда,
Қийма султон ўтирар,
Тирноқлари кумушдан.
Ҳофиз жувон ўтирар.

515. Ана боради лўк-лўк,
Мана боради лўк-лўк,
Бўйни калта кўзи кўк,
Топмаганнинг кўзи кўк.

¹ Есалар.

516. Үзи ҳаром,
Шўрваси ҳалол.
517. Үзи ола, кўзи кўк.
518. Үзи ола, бўйни кўк,
Ана унинг туриши.
Ғамза билан юриши.

(Бақа)

519. Ости тош, усти тош,
Ўртасида чандир бош.
- а. Ости тош, усти тош,
Тўрт оёқли, бир бош.
520. Ости тахта, усти тахта,
Ўртасида дингил қоқвош.
521. Тоғу тошларда тоштовоқ,
Ичи тўла гўшту ёғ.
- а. Усти товоқ, ости товоқ,
Тоқ, тоқ, тоқ этар.
522. Икки тобоқ,
Орасида қашқилдоқ.
523. Эмаклаган тошни кўрдим,
Тошдан чиққан бошни кўрдим.
524. Боссанг вақиллайди,
Тепсанг тақиллайди.
525. Жанзақ бобо туяси,
Жар ёқалаб ўтлайди.
- а. Жар ёқасида Ҳамро бобомнинг туяси
ўтлаб юрибди.
526. Ер устида ўрмалар,
Чопай деса чополмас,

527. Беланг, беланг, беланг от,
Бели қалин — югон от,
Тоғу тошдан юмалаб,
Тура келар тұриғ от.

(Тошбақа)

528. Ер тагида хўл гаврон.

а. Ер тагида ола гаврон.

529. Ер тагида ёғли қамчи.

530. Ер тагида мойли қайиш.

а. Ер остида сариқ қайиш.

б. Ер остида хом қайиш.

531. Йўл устида узун арғамчи.

532. Қўприк остида ёғли ҳасиб.

533. Ер тагида сакча гўшт.

534. Ер устида узун арғамчи.

535. Ер тагида олтин бош.

536. Ер тагида олтин бош,
Кўринмайди қалам қош.

537. Ер тагида езнам оти кишнайди,
Борай десам бўрбойимдан тишлайди.

538. Ерга ётган шахмонни
Олиб отиб бўлами.

539. Узун ичак,
Учи тугунчак.

540. Танаси чипор,
Урмондан чиқар.

541. Оғзин очар,
Заҳар сочар,
Кўрган қочар.
542. Ола қамчи уради,
Чумчуқларни сувради.
543. Кўзи бор, тўлғонади,
Одам кўрса қўрқитади.
544. Ҳар жойда эгри кетади,
Ўз инига тўғри кетади.
545. Узун-узун из кетди,
Узун бўйли қиз кетди.
Қошгинаси қалтираб,
Кўзгинаси ялтираб,
Узун бўйли қиз кетди.
- а. Узун-узун из қолган,
Зар кокилли қиз борган.
Боши қалтироқ,
Кўзи ғилайроқ.

(Илон)

546. Офтоброқ ернинг қори йўқ,
Сусмарай қушнинг пари йўқ.
547. Қорагина попиш,
Деволга ёпиш.

(Қалтакесак)

548. Оёғи йўқ, кўзи йўқ, юради.
549. Ер тагида қизил химич¹.

(Чуволчанг)

550. Қилтинг, қилтинг кулоли,
Қилтинглашар кулоли.
Яшил чўпкан устида,
Яланглашар кулоли.

(Зулук)

¹ Хивич.

ПАРРАНДА ВА ҚУШЛАР ҲАҚИДА

551. Эрта туради,
Жар чақиради.
552. Боши тароқ,
Думи ўроқ.
553. Бир қўшним бор аввал бошдан,
Соқоли унинг қизил гўшдан,
Саҳар туриб шовқин солар,
Хабари йўқ ҳеч бир ишдан.
554. Кич-кичкина муллалар,
Саҳар туриб аллалар.
555. Овозаси азонда,
Мазалиги қозонда.
556. Саҳар азон айтар сўфи,
Бошига кийиб қизил дўппи.
557. Азон айтар,
Намоз ўқимас.
- (Хўроз)
558. Саҳархез сўфи,
Туйнукда бибиотин.

559. Имомжон акам саҳар туриб шовқин солар,
Имомжон акам хотинлари,
Соҳибжамол отлари.
Унинг туққан боласини еб бўладими,
еб бўлмайдими.

(Хўроз, товуқ)

560. Гала-галани кўрдим,
Кўчада гадойни кўрдим.

561. Гала-галани кўрдим,
Туғадиган жониворни кўрдим.

(Товуқ)

562. Жонлидан жонсиз дўрайди,
Жонсиздан жонли дўрайди.

- а. Тирикдан ўлик туғилади,
Ўликдан тирик туғилади.

563. Оқ бўлди, ола бўлди,
Ичидан чиқди, қора бўлди.

(Товуқ, тухум, жўжа)

564. Жонсиз дема, жонли ўзи,
Ундан чиқса митти кўзи,
Пати момиқ чип-чип этар.

(Тухум, жўжа)

565. Сувга киради лик-лик,
Сувдан чиқади лик-лик,
Ҳамиша лик-лик,
Томоша лик-лик.

(Урдак)

566. Қасби доим тақир-туқир,
Қайда илон кўрса чўқир.

567. Ҳиндистондан келган лўк,
Бўйни ола, кўзи кўк.
568. Олисдан келар ҳўлк-ҳўлк,
Бўйи узун, оёғи чўзиқ, кўзи кўк.
569. Томда турган пишагим,
Бўйни узун эшагим.
570. Узун-узун едган қуш,
Инда ётган илонни
Пол кўрганда билган қуш,
Полда ётган илонга
Бўйини қулоч узатган,
Тумшуғи билан путини
Қайси авлиё қизартган.

(Лайлак)

571. Узун-узун, узун сой,
Учига етган бормикан,
Ола товуқ мақиён,
Моягин топган бормикан?
572. Узун бовли куваним,
Шамол олиб боради,
Билдир-билдир кўзима,
Изи қолиб боради.
- 573-574. Ой остидан ўтган йигит,
Олтин сурнай тортган йигит,
Ер устидан ўтган йигит,
Етти сурнай тортган йигит.

(Турна)

575. Бараки-бараки,
Бармоқлари ўн икки,
Сурма қора тўни бор,
Қуйруғида думи бор.

(Товус)

576. Қирдан туриб тухум ирғитдим.

(Бургут)

577. Бир қушим бор фаранги,
Чорбоғда чалар чангди.

(Саъва)

578. Орқадан келар лўк-лўк,
Бўйни калта, кўзи кўк.

579. Бойнинг ўғли кўкка қараб йиғлайди.

(Бойўғли)

580. Ликинг-ликинг йўрғаси,
Оғзида бахмал тўрваси.

581. Юқоридан келади зебогина товши бор
Оёғида пахмоққина ковши бор.

582. Бухородан келган миноли,
Оғзи-боши хиноли.

583. Саройда сари отим
Себи билан кишнайди.
Тўқайда тўриқ отим,
Тўпи билан кишнайди.

(Каклик)

584. Қизил юлгушнинг тағида
Қизларгул онам ётибди.

(Қирғовул)

585. Сурп кўйлақлик,
Селон камзуллик.

586. Ликинг-ликинг йўрғаси бор,
Кумуш чоқли сирғаси бор.

(Олашақшақ)

587. Атлас кўйлак қаноти,
Хуш хабарчи одати.

588. Оқлиги сутдай,
Кўклиги нилдай,
Утириши бекдай.

589. Ёзда келади,
Қишда кетади.

(Зағизғон)

590. Жар бошида яшил пахта.

(Кўк каптар)

591. Гул устида олифта ашулачи.

592. Гул тагида олифта.

593. Гул шоҳида Ҳасан матча.

594. Бир қушим бор фаранги,
Боғларда чалади чанги,
Уни топмаган одам,
Кўкнори ҳам банги.

(Буябул)

595. Зув-зув барағай,
Томдан қарағай,
Чўп, лой чўқиғай,
Сават тўқиғай.

(Қалдирғоч)

596. Кичкина жувонмарг,
Том бошидан ўтин ташлайди.

597. Чанғароқда чирқиллайди.

(Чумчук)

598. Қизил қия ичида
Қийма жувон ўтирар,
Даканасин дол қўйиб
Далва жувон ўтирар.
(Бедана).
599. Қозиқда қор турмас,
600. Қозиқ бошида қор турмас,
Ёнтоқ бошида жой бўлмас.
601. Оқ ўтов,
Оғзи бутов.
602. Менинг бир ўтовим бор,
Ойнаси, эшиги йўқ.
603. Ой далада оқ ўтов,
Оғзи, бурни йўқ ўтов.
604. Оқ сандиқ,
Оғзи йўқ сандиқ.
605. Оқ уйча,
Эшиги очилгунча.
606. Оқ идишча,
Бир тешилгунча.
607. Эшиги йўқ,
Оқ чумбоқ.
608. Ўтга тушса муз бўлар.
609. У нимадир ўтга тушса, муз бўлар,
Ўзга музлар ўтга тушса, сув бўлар.
610. Пиширса ош бўлур,
Пиширмаса қуш бўлур.
611. Бир косада икки хил овқат.

612. Эй биродар, буни топинг зинҳор,
Бир идишда икки турли сув бор.
У на сувдир ўтга қўйса, муз бўлар,
Ўзга музлар ўтга қўйса, сув бўлар.

613. Бир уйда икки ўртоқ,
Бири сариқ, бири оқ.

614. Биргина уйча,
Тешиги ҳам,
Эшиги ҳам йўқ.

615. Ўзи думалоқ,
Қор каби оқ.

616. Муштдайгина ер юткур,
(Тухум)

617. Жар бошида уярма.

618. Чий тагида чини коса.

619. Болорда бешик бор.
(Қуш уяси)

ҲАШАРОТЛАР ҲАҚИДА

620. Кичкина митти,
Шохини тираб сув ичди.
621. Зув-зув борар,
Зув-зув келар,
Достон ўқир,
Ғалвир тўқир.
- а. Зув борағай,
Зув келағай,
Олтин адағай,
Кумуш қадағай.
622. Зув боради Зулайҳо,
Зув келади Зулайҳо,
Турли-турли ипакдан
Тугмалайди Зулайҳо.
623. Зув-зув, зувон қуш,
Ўзлари безавон қуш,
Ҳай-ҳай, унинг юриши,
Ғамза билан туриши.
624. Ғим-ғим боради.
Ғим-ғим келади.
625. Учиб юрган қарғанинг
Инин бузиб бўлами?
(Ари)

626. Тутдан бизга кўйлак тўқир.
627. Тутдан ўзгаси кўринмас кўзига,
Кийган кўйлаги кўринмас ўзига.
628. Кўк еб, олтин ўрайди.
629. Олтин ялаб учади,
Нуқул ипак қучади.
630. Оқ қуш, оппоқ қуш,
Ер юзида сув ичмас қуш.
631. Дарахт шохида саксон тухум.

(Ипак қурти)

632. Бир қушим бор, суяги йўқ.
633. Жони бору суяги йўқ.
634. Қаноти бор,
Қони йўқ.
Тухум қўяр,
Сони йўқ.
635. Топ-топ лагалак,
Тобони йўқ лагалак,
Сувдан ўтган лагалак,
Суяги йўқ лагалак.
636. Овҳу лайлак, увҳу лайлак,
Сувдан ўтар, суяксиз лайлак.

(Капалак)

637. Ўзи йўқдек,
Товуши ўқдек.
638. Утириши ўймоқдай,
Бақририши тойлоқдай.
639. Утириши тулкидай,
Ўт ейиши йилқидай.

640. Арангдай-парангдай,
Икки кўзи запарангдай¹.
641. Қуш қанотлик,
Хўкиз бўйинлик.
642. Этагимнинг эри бор,
Етти таноб ери бор,
Етти таноб ерида,
Думи калта бўри бор.
643. Хўкиз шохли,
Буқа бўйинли,
Қийғир қанотли,
Эшак сағирли,
Туя оёқли.
644. От жағли,
Қўй кўзли,
Қуён оғизли,
Аждаҳор аждодли,
Қарчиғай қанотли,
Милтиқ сийрақли.
645. Юқоридан келади лўк,
Икки кўзи кўк.
Изарласа изи йўқ,
Тизарласа тизи йўқ.

(Чигиртка)

646. Қора ўзи, қарға эмас,
Шохлари бор, хўкиз эмас,
Олти оёқ, туёқсиз,
Учади, чигиллайди,
Утириб ер ковлайди.
647. Ис билади, ит эмас,
Ип казлайди, тулки эмас,
Қаноти бор учади,
Ўзи қуш эмас.

¹ Заъфарон.

648. Олти оёқли алп эмас,
Узи қора, дев эмас.
Ит эмас, итолғи эмас,
Учиб ҳеч ерга бормас.

649. Узи қора, қанотли,
Шохлари бор, тирноқли.

650. Қичкина лўли,
Кейинига етмайди тўни.

(Қўнғиз)

651. Пичигина мумдаст,
От, туя кўтаролмас.

652. Узи бир отим носча,
Уни туя кўтармасча.

653. Бир отим бор ажабгина,
Думлари бор гажаккина,
Ҳали келса кўрарсиз,
Қўрқа-қўрқа ўларсиз.

654. Узлари ажабгина,
Қуйруқлари гажаккина,
Ҳали ўпса кўрасан,
Йиғлай-йиғлай ўласан.

655. Маталим маттигина,
Кўзлари даттигина.

(Чаён)

656. Бели-бели беланг от,
Бели нозик куранг от.
Тоққа минса тоймас от,
Улат текса ўлмас от.

а. Бели-бели беланг от.

Бели қиздай, куранг от.
Тоғи тошдан тоймаган,

Ҳалов туя ўлмаган,
Бели ингичка куранг от.

6. Буранг-буранг, буранг от,
Бели қайқи куранг от,
Тоғи-тошдан қайрилмас,
Оёқлари тайрилмас.

657. Узи кичик, толмас от,
Очин-тўқин қолмас от.

658. Жиндай, жиндай, жиндай қиз,
Чин тепага чиқди қиз,
Болаларини ияртиб,
Ундан юқори чиқди қиз.

659. Тоғдан тоймас от,
Милтиқ тенгмас от.

660. Бувамнинг туяси
Жар ёқалаб юради.

661. У ёқдан, бу ёқдан
Қарвон ўтди, кўрдингми?

662. Узун тор кўча,
Ичи тўла лўлибачча.

663. Қаторма-қатор,
Занжирдек қатор.

664. Узун-узун улоғ,
Иўлларга тузоғ,
Қади-мади шоғ,
Бир шоддоз мунчоғ.

665. Жони бор, қони йўқ,
Ер остида сони йўқ.

666. Бели қилдай,
Боши хумдай.

667. Иўл устида гўжа қайнар.

668. Такрон ерда булоқ қайнар.

(Чумоли)

669. Мингта қўйим сиғади.
Бир боғ бедам сиғмайди.

(Чумоли уяси)

670. У ёққа боради,
Бу ёққа боради,
Бўз тўқийди.

671. Зим-зим боради,
Зим-зим келади,
Ғалвир тўқийди.

672. Тўр билан ўраб олган,
Пашшага занжир солган.

673. Тўр устида яшайди,
Пашшани ўраб ташлайди.

(Ургимчак)

674. Кичкина-митти,
Қўлимга олсам, қовурғаси сиғиб кетди.

а. Қўлимга олсам, жони чиқар

675. Узи йўқдай, ботирим,
Овози ўқдай, ботирим,
Шапалоқ юртга бориб,
Ўлиб қолган, ботирим.

676. Ўзлари қилдаккина,
Товушлари зилдаккина,
Шапалоқ юртга бориб,
Шаҳид ўлган, вой тўрам.

677. Чийдим, чийдим, чийдим қуш,
Чий бошига қўнди қуш,
Қирғини келди қирилди,
Маҳали келди тирилди.

678. Биз-биз эдик, биз эдик,
Бир талай бизилдик,
Маҳали келди тирилдик,
Қирғин келди қирилдик.

(Пашша — чивин)

679. Ис билади, ит эмас,
Ўзи кичик, бит эмас.
Одамни кўп талайди,
Қон ичиб, у тўймас.

680. Ўзи тўқ,
Қўланкаси йўқ.

(Кана)

681. Сои ичида саксонбой.

682. Қоронғи том ичида
Қора бузоқ диркиллар.

683. Қиш бўлса ухлайди,
Ёз бўлса дикиллаиди

684. Ўзи кичик қумдан,
Қон ичадир биздан.

685. Албар-жалбар йўртиб юрар,
Ушлай десам, ҳуркиб кетар.

686. Пичигина бўйи бор,
Такакидан тўни бор.

(Бурга)

687. Абдуллахон,
Беустихон.

688. Осмону ресмон,
Мулла Абдурахмон,
Беустихон.

689. Олтайни палтайни,
Япалоқ тошга суртайми.
690. Ҳай-ҳай, миттоно,
Ушлаб уни туттоно,
Икки тошга буконо.
691. Кичкинагина бўйи бор,
Одам ейдиган ўйи бор.
692. Мундайгина ментак,
Мени еган тентак.
693. Тўқай ичида тўнғиз.
694. Чел тагида қурбақа.
695. Ажриқли ерда эшак ухлайди.

(Бит)

ДАРАХТ ВА МЕВАЛАР ҲАҚИДА

696. Ёзда кийинади,
Қишда ечинади.

697. Узи битта,
Тили мингта.

(Дарахт)

698. Ҳасан ака тикка туради,
Болалари чапак чалади.

699. Болалари қарсак чалади,
Оналари ўйинга тушади.

(Терак, барглари)

700. Ёзда ҳам қишда,
Бир хил кийимда.

701. Ёзин-қишин баробар,
Кўм-кўк турар барглар,
Узи минг ёшга кирар.

(Арча)

702. Отаси уйда қолар,
Боласи бозор борар.

(Меваги дарахт)

703. Кичкина қозоннинг оши тоғли.

- а. Кичкина қозон,
Оши ширин.

704. Кичкина декча,
Ичи мазалиқча.

- а. Кичкина декча,
Ичи тўла ёғлиқча.

705. Кичкина қозон,
Жингила палов.

- а. Кичкина қозон,
Жикр палов.

706. Кичкина тандирча,
Ичи тўла кулча.

707. Қўшалоқ товоқ,
Ичи тўла ёқ.

708. Тўғолоқ қовоқ,
Ичи тўла ёқ.

709. У ёни тоғ,
Бу ёни тоғ,
Уртасида
Сариф ёғ.

710. Усти заҳар, ичи тош,
Тошнинг ичи асал.

711. Пўсти қалин, қовоқдай,
Бели боғли танобдай,
Меваси сариф ёғдай.

712. Бели боғли, чўтир чолдир,
Қўйнида бор бужур кампир.

713. Кичкина хотин шошақон,
Кичкина қозон тошоқон.

(Ёнғоқ)

714. Ости тахта, усти тахта,
Ўртасида яшил пахта.

715. У ёғи тоғ, бу ёғи тоғ,
Ўртасида кўк ён тоғ.

я. Икки тоғнинг орасида
Бир туп янтоқ.

716. Қўтир тош,
Ичинда ош.

(Бодом)

717. Ош ичида тош,
Тош ичида ош.

718. Узоқдан қарадим арақ-арақ,
Қошига бордим, зар халак.

(Ўрик)

719. У ёғи тош, бу ёғи тош,
Ўртасида пишган ош.

(Данак мағзи)

720. Пасту баланд кўп хотин,
Кўйлаклари оқ, гулгун.

(Ўрик гули)

721. Ўзи кўм-кўк,
Юзи қип-қизил,

(Олма)

722. Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси бор тотлигина.

723. Бодом каби япроғи,
Солланади бутоғи.

(Шафтоли)

724. Паст-паст бўйи бор,
Малла тўни бор.
725. Маллагина тўни бор,
Нордонгина таъми бор.
726. Дум-думалоқ бўйи бор,
Паловда обрўйи бор.

(Беҳи)

727. Бир қоп ун,
Ичида устун.
728. Қопча,
Қопча ичида унча,
Унча ичида устунча.
729. Ичи ундай,
Сирти қопдай.
730. Ичи ун-ун,
Таши гулгун.
- а. Таши гулгун,
Ичи ун-ун,
Унинг ичи устун.
731. Юзи гул-гул,
Ичи ун-ун,
Алача Маликажон.
732. Таши қизил анордай,
Ичи оқ — ундай,
Ўтириши гулдай.
733. Ичи ундай,
Сирти хиндай,
Ўтириши Фазилахондай.
- а. Ичи ундайин,
Таши қондайин,
Ўтириши Абдуллахондайин.

734. Осмондан тушди бир тугун,
Усти бахмал, ичи ун.

735. Игна тегмасдан қон,
Тегирмон бормасдан ун,
Теша тегмасдан устун.

(Жийда)

736. Қўм-қўк даласи,
Қизил-қизил донаси.

(Олча)

737. Отаси букри хўжа,
Онаси ёйма чалпак,
Боласи ширин-шакар.

а. Отаси эгри-бугри,
Энаси алпоқ-талпоқ,
Боласи ширин-шакар.

б. Оталари занги бува,
Оналари ёйма чалпак.
Болалари ширин-шакар.

в. Отаси узун хўжа,
Онаси ёйма хотин,
Боласи ширин-шакар.

738. Букур Қўчқор отаси,
Жашил жалпоқ энаси,
Ширин-шакар боласи.

739. Ота-онасидан боласи ширин.

(Ток, барги, узуми)

740. Узгани Узган кетади,
Эскиси мазор кетади,
Отаси уч ёшида,
Боласи бозор кетади.

- а. Қала қалага кетди,
Туя мазорга кетди,
Энаси уч ёшида,
Боласи бозорга кетди.
741. Қишда мазор,
Ёзда бозор...
742. Бир онадан юз бола,
Юзови ҳам бўз бола.
743. Чорпоя устида
Ширин-ширин шох соққа.
744. Бўғун-бўғун, бўғунчоқ,
Тугун-тугун, тугунчак,
Етмиш қизнинг онаси
Ҳали ҳам бўлса келинчак.
- (Ток, узум)
745. Қора ҳўкизим оғилга киришда
думини юлиб олиб қолдим.
- а. Қора бузоғим зинхонага киришда
думини юлиб олдим.
746. Қора эшак оғилга кириб кетаверди,
думидан тортиб қолдим.
- а. Эшагим қудуққа тушиб кетди,
Думидан ушласам, юлиниб кетди.
747. Бир товугим бор, катакка кириб
кетганда думини юлиб қолдим.
- (Қора майиз)
748. Кичкина декча,
Ичи тўла михча.
749. Кичкина сандиқча
Ичи тўла михча.

750. Сарикқина тўни бор,
Ичи тўла дони бор.
751. Қирқ хужрада қизил қизлар,
752. Эшиги, остонаси йўқ,
Хужрада меҳмон тўлиқ.
753. Бир хужра, бир хужранинг ичида
қирқ хужра,
қирқ хужранинг ичида муллавачча.
754. Кичкина гумбаз ичида
Қизлар айлабди макон,
Юзларига парда тутиғлиқ,
Ҳар бирининг бағри қон.

(Анор)

755. Гулсиз бўлар меваси,
Ширин-шакар донаси.
756. Ости сариқ, усти сариқ,
Ширин, тотли, ичи тарик.
757. Ости тери, усти тери,
Ичида тотли тарик.
758. Дарахт устида лангар.

(Анжир)

759. Қамчи даста,
Қамчи дастада маржон.
760. Тепдим сандиқ очилди,
Ерга бодом сочилди.

(Дўлана)

761. Ер тагида қизил қайиш.
762. Ер тагида сариқ илон.

(Тут дарахтининг
илдиши)

ЭКИН ВА УСИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

763. Чин қушим, чинди қушим,
Чин тепага қўнди қушим,
Оёғига ҳасса қўйиб,
Томошага чиқди қушим.

(Чигитнинг униб чиқиши)

764. Абдал бува ариқдир,
Оғзи, бурни мурриқдир.

765. Кичкина хурмача,
Оғизлари бурмача.

(Ғўза)

766. Чопсанг кулар,
Чопмасанг ўлар.

767. Оғзини очиб ерга қарайди,
Оғзидан оқ кўпик сочади.

768. Қордай оппоқ,
Юнгдай юмшоқ.

769. Илдизи ерда,
Юлдузи кўлда.

770. Ердан кўкариб чиқар,
Бағридан олтин оқар.

771. Халажим ҳажга чиқди,
Қулоғи пажга чиқди,
Бир юмurtқанинг ичидан,
Қирқ икки юмurtқа чиқди.

(Пахта)

772. Момиққина онаси,
Еғлиққина боласи.

(Пахта, чигит)

773. Ҳамма ёғи қилтиқ,
Ҳамма унга интиқ.

774. Соламан қизил,
Чиқараман оқ.

775. Ҳзи ариқ
Ранги сариқ,
Юзи қизил,
Боши қилтиқ.

776. Қизили қириб олинди,
Сариғи сойда қолди.

777. Сариғи учар,
Қизили қолар.

778. Қизилини ўзим едим,
Сариғини молга бердим.

779. Майдагина маржонни,
Қайноғаси тўбалар.

780. Дик-дик этар бути йўқ,
Ўтирай деса ўрни йўқ,
Ариғи бору суви йўқ.

(Бугдой)

781. Уйимда бир қиз,
Устида бигиз.

а. Кичкина қиз,
Қўлида бигиз.

б. Бизнинг уйда бир қиз,
Бошида бир тол қил ёлғиз.

782. Қич-кичкина тўни бор,
Учида қили бор.

783. Узи ёш,
Мўйлови узун.

(Шоли)

784. Ердан чиқар тараниб,
Заррин дастор ўраниб.

785. Бувун-бувун¹, бувунчоқ,
Тугун-тугун тугунчак,
Эшмурод бобом онаси,
Ҳали ҳам кўрсам келинчак,

786. Бўйи бир қарич,
Соқоли икки қарич.

787. Сарибой бобом ичкари,
Соқоллари ташқари.

788. Менинг оғам ичинда,
Соқоллари ташинда.

а. Узи ичкарида,
Соқоли ташқарида.

б. Боши ичида,
Соқоли ташида.

789. Бир уя устида минг ари.

790. Мингта алп оғадир,
Минг ўрага сиғадир.

¹ Бўгин.

791. Кўк кўйлакли хотин,
Сариғ бола кўтарган.
- а. Сариғ бола қучоқлар,
Кўйлагининг ранги кўк.
792. Кўк кийимни киймайман,
Уша ерда турмайман.
793. Бир қўтон қўйимни,
Бир чуқ билан ҳайдадим.
794. Янгам келар алпиллаб,
Эмчаклари шалпиллар.
- (Жўхори)
795. Қия-қия ерларда,
Қийма жувон ўтирар,
Даканасин дол қўйиб,
Толма жувон ўтирар.
796. Амаким эғнида кўк чопон,
Бошида оқ дастор.
797. Утиришлари эшондай,
Кўзлари моҳпарондай.
798. Чопиб чиқдим шотутга,
Қайрилиб салом бердим қулфи тўнли
йигитга.
799. Олабош қўйим осмонга қараб сув ичар.
- (Оқ жўхори)
800. Узун-узун кўчалар,
Ичи тўла баччалар.
801. Боши оқ,
Қоши қора.
- а. Уёлари кичкина,
Қошлари қоп-қора.

802. Бизникига меҳмон келди,
Ҳаммасининг қоши қора.

(Ловия)

803. Куннажак,
Бурни гажак.

804. Ҳзи бир тепачак,
Бурни гажак.

805. Ҳзи пишиқ,
Бурни қийшиқ.

806. Дик-дикирчак,
Бўйни эгилчак.

807. Малла мушук,
Бўйни қийшиқ.

808. Жумалай кетди,
Қашамшам.

(Нўхот)

809. Қора-қора қорамуқ.

810. Қора-қора қўғирмоч.

(Мош)

811. Олтин сочдим тожидор,
Бунга ҳамма харидор.

812. Бир туб чинор, бир туб чинорда
Қирқ бутуқ, қирқ бутуқда қирқ уя,
Қирқ уяда қирқ тухум.

813. Эрназар бобом энқаяди,
Қалласи қинқаяди,
Тевараги тўп-тўп,
Ҳртаси қип-қизил.

(Тариқ)

814. Саксон икки, сон-икки,
Тирноқлари минг икки,
Тирноғида холи бор,
Уни топган одамнинг
Минг бир-икки холи бор.

815. Кунга қараб толмайди,
Кундан кўзни олмайди.

(Кунгабоқар)

816. Бир қаричча бўйи бор,
Ола парча тўни бор.

(Зигир)

817. Бир танада
Минг дона.

(Кунжут)

818. Донг кўзачам, донгдор кўзачам,
Қирғоғи панжарали кўзачам,
Қулфи-калитли кўзачам.

а. Кўзачам, чин кўзачам,
Ҳангомадорлик кўзачам.
Кунгирадорлик кўзачам.

819. Терак учида хум,
Ичида қум.

820. Кичкина хурмача,
Оғизлари бурмача.

821. Кунг-кунг қувачам,
Кунгирадорли қувачам.

(Кўкнори)

822. Кичкина, кичкина келинчак,
Бошларида тугунчак,

823. Бойнинг қизи тоғда келинчак,
824. Зув-зув зумалаккина,
Утгиз икки тугмаликкина,
Шу матални топган киши,
Эсли-ақлликкина.
(Исирик)
825. Мадад акамнинг бошида бахмал
тақияси бор.
826. Қизларжоннинг бошида
Қизил бахмал тақия.
(Қизгалдоқ)
827. Эксанг, битар,
Иси ҳамма ёқни тутар,
828. Қўм-қўк туси,
Хушбўй иси.
(Райҳон)
829. Ариқ бўйида тўшак.
(Майса)
830. Узун терак,
Ичи кавак.
831. Зил терак,
Зилмон терак.
832. Соқоли бир қарич,
Узи минг қарич.
833. Дарё,
Уртасида бўйро.
834. Биз, биз эдик,
Минг қиз эдик.

Бизни ўрдилар,
Ипга тиздилар.

835. Уз элимда эл эдим,
Тулки тумоқ бек эдим,
Қийилдим қучоққа тушдим,
Ўттиз икки тузоққа тушдим.

а. Уз юртимда эл эдим,
Қатта саройда бек эдим,
Қирқилдим, қучоққа тушдим,
Ўтин бўлдим, ўчоққа тушдим.

836. Қатор-қатор турганлар,
Тулки тумоқ кийганлар.

(Қамиш)

837. Ер тагида қизил юлғун.

(Рўян)

838. Чир-чир қушлар,
Чирмашиқ қушлар,
Ўзининг жони йўқ,
Одам келса, тишлар,

839. Лип этади, кириб кетади,
Чиқазолмай эсинг кетади.

840. Йўл устида войвоаяк.

а. Йўл устида вой-вой чиноқ.

(Тикан)

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА САБЗАВОТЛАР ҲАҚИДА

841. Хўппа семиз,
Бир туки йўқ.
- а. Хўппа семиз,
Бир туки йўқ,
Териси қалин,
Жуни йўқ.
842. Дум-думалоқ,
Еғи йўқ.
Териси қалин,
Туки йўқ.
843. Эшиги йўқ, деразаси йўқ,
Ичи тўла халқ.
844. Қичкина тандирча
Ичи тўла кулча.
845. Энаси битта,
Боласи мингта.
846. Узоқдан ялдир-юлдур,
Енига келсам қулфи-калит.
847. Оқ ўтов,
Оғзи бутов.
848. Кўккина кўзим, қуванда туриб семиради.

849. У нимадир? Қонга ўхшаш, қони йўқ,
Ичидаги боласининг сони йўқ.
850. Мен-ажаб ҳайронман бир нарсага,
Қозикда бойловли турибди-ю,
Онаси боласининг қорнида.
851. Қудратингдан пайдо бўлди боласи,
Боласидан пайдо бўлди онаси,
Онасин ўлдир, боласин ерга кўм,
Тарбият қилсанг етилар боласи.
852. Жумбоқ қўйдим жубини топ,
Юмалоқ бийнинг отини топ,
Тағин қўйдим, тағи топ,
Толли¹ бийнинг отини топ.
853. Қони бор,
Жони йўқ.
- (Тарвуз)
854. Зар-зар тўни бор,
Зардан паноҳи бор,
Урди пичоқни,
Унинг не гуноҳи бор.
855. Бир уйнинг ичида уч кўрпача ёйиғлиқ
турибди.
Эшиги ҳам йўқ, тешиги ҳам йўқ.
Меҳмон келса очилади.
856. Хилла хилойим бор.
Жанда-кулоҳим бор.
Бошимга урдилар пичоқ,
Менинг не гуноҳим бор.
857. Энаси ичида,
Боласи ташида.
858. Боласи осиклиқ,
Онаси қорнида.

¹ Толли.

859. Бу кимдадир қудратининг донаси,
 Боласининг қорнида ётар онаси.
 Боласининг қорнини ёр, ерга кўм,
 Етилур қайта онадан боласи.
860. Бозордан бир нарса ол,
 Ҳам ўзинг е, ҳам товуғинг есин,
 Ҳам молинг есин.
861. Бухородан келган фил,
 Орқасидан тасма тил.
862. Фил,
 Орқа бошини тил,
 Ақлинг бўлса бил,
 Аҳмоқ бўлсанг кул.
863. Қорни тўқ,
 Сўйсанг қони йўқ.
864. Тўр қовоқ тўрлади,
 Бўғиздан шўрлади.
 (Қовун)
865. Маст туя,
 Паст туя,
 Бошига борсанг,
 Сув ичмас туя.
866. Оппоқ, семиз, мойи йўқ,
 Териси қалин, жуни йўқ.
867. Қўшнимнинг арқони деволдан ошиб тушди.
 (Ошқовоқ)
869. Пишмаганда мазали,
 Пишганда мазасиз.
870. Майда-майда узунчоқ,
 Таши кўк, ичиди зирачак,
 (Бодринг)

871. Қат-қат тўнли,
Қарич бўйли.
872. Кичкинтойгина бўйи бор,
Қават-қават тўни бор.
873. Қат-қат қулоқ,
Дум-думалоқ.

(Карам)

874. Ер тагида муштдай гўшт.
875. Ер тагида нимчаки тош.
876. Ер тагида олтин бош,
877. Ер тагида зар калапуш.
878. Ер остида қизил қалпоқ.
879. Ер тагида қизил бўғча.
880. Қалта бобом ичкарида,
Қулоқлари ташқарида.
881. Япалоқ ойим ер тагида,
Қулоқлари ер юзида.

(Шолғом)

882. Ер тагида сакча гўшт.
(Лавлаги)

883. Ер тагида олтин қозиқ.

а. Ер тагида олтин қозиқ,
У ҳаммага бўлар озиқ.

б. Ер тагида қатор қозиқ.

884. Узи бир қарич,
Соқоли беш қарич.

885. Сари бобом ичкари,
Соқоллари ташқари.
886. Қелин ойим ичкарида,
Соч попуғи ташқарида.
887. Қизил қиз ер остида,
Сочлари ер устида.
888. Бойнинг ўғли Бойсари,
Соқоллари сап-сари.
889. Дарчадан нари,
Рангги сари.
890. Ияги ерга қараган,
Соқоли осмонга қараган.
(Сабзи)
891. Паст-паст бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
892. Аваракдай бўйи бор,
Қат-қатгина тўни бор.
- а. Биргина бармоқ бўйи бор,
Қирқ қават тўни бор.
- б. Бир қарич бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
893. Бўйи бир қарич,
Соқоли ўн қарич.
- а. Ўзи бир қарич,
Соқоли икки қарич.
894. Ернинг тагида саллалик илон,
895. Ер тагида кокилли бачча,
896. Ер тагида сакча ёғ.

897. Ойим ўзи ичкари,
Кокиллари ташқари.
898. Ер тагида оқ сочли бой ётир.
а. Ер тагида оқ соч кампир.
899. Ер тагида пўстинли эшон.
900. Бир бобонинг қирқ кўйлаги бор.
Бир киши чиқарайин деса йиғлайди.
а. Қирқ кўйлаги бор.
Бир туймаси йўқ.
901. Урмасдан йиғлатар. -
902. Ер тагида кумуш кунда,
Шўрва қилсанг келар кунда.
903. Қат-қат менинг қобирғам,
Қатмас менинг қобирғам.
Етти ерга улашсам,
Етмас менинг қобирғам.
(Пиёз)
904. Ер тагида юмрон қозиқ.
(Турп)
905. Бир бармоқча бўйи бор,
Қизил бахмал тўни бор.
906. Қичкинагина бўйи бор,
Қирмизидан тўни бор.
907. Мунчагина бўйи бор,
Такакидан тўни бор.
908. Чўпдаккина бўйи бор,
Даройидан тўни бор.

909. Қизилгина кўзачак,
Ичи тўла зирачак.

910. Қонга ўхшаш, қони йўқ,
Боласининг сони йўқ.

911. Бизлар, бизлар биз эдик,
Бизлар бир талай қиз эдик,
Бизларни уздилар,
Бир ипга тиздилар.

912. Қоронғи томда битта момонинг
Бурни қонаб ўтирибди.

(Гармдори)

913. Ер устида муштдай қуйруқ.

(Замбуруғ — қўзиқорин)

ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР ҲАҚИДА

914. Бир қўйим бор,
Туриб семирар.
915. Оқ қўйим бор,
Сўйсам қони йўқ.
916. Юмалатсам жони йўқ,
Бўғизласам қони йўқ.
- а. Гуплатсам жони йўқ,
Юлиб олсам қони йўқ.

(Ҳамир)

917. Муштлаб-муштлаб урарлар,
Мунча гуноҳ қилибман.
Ўтга солиб ёқарлар,
Мунча оси бўлибман.
Мунча мени хорларлар,
Билмам нима қилибман.
Мунча мени севарлар,
Қандай ширин бўлибман.

(Ҳамир, нон)

918. Хом солдим,
Пишиқ олдим.

а. Хўл отдим,
Қуруқ чиқди.

б. Хўл кириб,
Қуруқ чиқар.

919. Совуқ кириб,
Иссиқ чиқар.

920-921. Оқ отдим,
Қизил олдим.

922. Қўтур туям кулга ағнар.

(Енган нон)

923. Еттиси бир ерга йиғилса,
Бешиси бир ерга йиғилади.

(Палов)

924. Қоронғи уйда қалмоқ чулдирайди.

925. Қоронғи уйда шивир-шивир.

(Шовла)

926. Қозон ичида оппоқ қор.

(Ширгуруч)

927. Кўприк устида бир тутам похол.

928. Қудуққа сочимни ёйдим.

929. Ип эшиб қудуққа ташладим.

930. Кесдим,
Қудуққа ташладим.

(Угра)

931. Бир кийгим бор,
Бир жойда туриб диркиллар.

932. Қора ҳаётда от ўлибди,
Унга ҳамма йиғилибди.

933. Есам тишимга киради,
Емасам тушимга киради.

(Гўшт)

934. Букдим,
Қудуққа ташладим.

а. Тугдим,
Тубчакка ташладим.

935. Бир қозондан қирқ туям сув ичар.

а. Бир новдан қирқ туя сув ичар.

936. Минг қўйим сувга тушди.

937. Қуда бувам қудуққа тушди,
Қулоқлари шалпиллаб тушди.

938. Маталим матти,
Қулоғи қатти,
Қозонга солсам,
Тикрайиб ётди.

(Чучвара)

939-940. Тақирон ерда този ўйнар
Адир ерда гуржи ўйнар.

(Қовурмоч, дўл)

941. Ош пиширдим тузи йўқ,

942. Жуммоқ қуйдим жубин топ,
Жумалай бойнинг отин топ,

Тағи қуйдим, тағи топ,
Тотли бийнинг отин топ.

(Сумалак)

943 Сув эмас, суюқ,
Қор эмас, оқ.

(Сут)

944-945. Олтмиш икки айбни оқ ёпар.

(Қатик)

946-947. Паловнинг остида,
Сувнинг устида.

(Зигир мой)

948. Узи оппоқ, қор эмас,
Нон бўлмайдн, ун эмас.

(Шакар)

949. Оқ гиштим бор ўтдан,
Жуммоқ қуйдим чўтдан.

(Қанд)

950. Жуммоқ қуйдим жуп-жупгина,
Томизиғи тол-толгина,
Талқон берсанг очаман.

(Пашмак)

951. Узи таом бўлмас,
Усиз там бўлмас.

(Туз)

952-953. Бир ўрдакка,
Бир чимдим.

(Чой)

954. Тор кўчага ўт тушди,
Бора боргунча куйиб тушди.

(Иссиқ чой ичиш)

955. Оқ кўйлаклик Мирзажон,
Уйга кирса титрар жон.

(Ароқ)

956. Чайналади, чайналади, ютилмайди.

(Сақич)

МЕҲНАТ ҚУРОЛЛАРИ ҲАҚИДА

957. Тўрда турган тўрт йигит,
Тўртови ҳам мард йигит.
958. Бизнинг уйда тўрт кампир,
Тўртови ҳам мард кампир.
959. Уй тўринда тўрт қул тевалашар.
960. Қоронғи уйда кўп полвон олишади.
961. Узун улучим,
Қисқа қиличим,
Дўмбира дутим,
Ноғора найим.

(Чўп савағич)

962. Бизникида битта киши,
Оғзида қирқта тиши.

(Жун тароғи)

963. Бир сўздим, бўй бўлди,
Бир сўздим, жам бўлди.

- 964-965. Оққина кучук ҳов-ҳов этди,
Қорни тўйиб ағнаб кетди.

966. Чарчамас кампир кўрдим, Ёлғиз оёқ,
Оғзига тишлаб олган чўпдан таёқ,
Юрган сари белбоғини қаватлайди,
Берибди унга гўзалликни аямаёқ.

967. Ғув-ғув этади,
Марғилон кетади.

968. Ғув-ғув этар,
Қорни тўйса юмалаб кетар.

969. Оққина кучук ҳов-ҳов этар,
Қорни тўйса юмалаб кетар.

(Урчуқ)

970. Оқ кучугим ошга тўйиб, думалаб кетди.

971. Сарибой акам сақтали,
Икки ~~оти~~ нўхтали.

(Чарх)

972. Бир ёрига қор ёғади,
Бир ёрига дўл ёғади.

973. У ёри тоғ, бу ёри тоғ,
Уртаси Ҳожи қичқироқ.

974. Икки қўчқор уришар,
Қумалоғи тушар.

975. Оққина ейди,
Кўккина чиқади.

976. Бир тўп олуча,
Тағитўла дўлибачча.

(Ҳалложи)

977. Осмондан осилган,
Ердан қазилган.

(Бўз тўқши дўкони)

978. Узун-узун уз кетди,
Узун буйли қиз кетди,
Қосоваси қарс этди,
Манглайи ерга тарс этди.

979. Узун-узун уламан,
Ундан узун уламан,
Сочи менинг қўлимда,
Товушқони сайрайди.

а. Узун-узун узама,
Учи менинг қўлимда.

(Ўрмак)

980. У ёққа ўтади қизгина,
Бу ёққа ўтади қизгина,
Қулоғига ҳалқа тақиб,
Шилдираб ўтади қизгина.

981. Лик-лик у ёққа ўтади,
Лик-лик бу ёққа ўтади,
Ҳамиша лик-лик,
Томоша лик-лик.

982. Ғоз қақиллаб ўтар,
Қаноти шарқиллаб ўтар.

983. Қора товуқ қақирлайди,
Қанотлари шақирлайди.

(Моки)

984. Урдим, гул этди,
Ер тагига кириб кетди.

985. Сен урмасанг, у урмас.

986. Бир марта осмонга кетар,
Андан сўнг йиқилиб ерга кирар.

987. Югуриб, чаққон ўтади,
Тагидагин ўлдириб кетади.

988. Узи жонсиз,
Ишга полвон.

(Кетмон)

989. Маталим матти,
Қулоғи қатти,
Қулоғига қаттиқ тепдим,
Ялпайиб ётди.

990. Лотибди,
Лойга ботибди.

(Бел)

991. Букури,
Бутун қирни битири.

(Уроқ)

992. Тушган ерини кесар.

(Теша)

993. Тушган ерини титар.

994. Биз бу ерда турамиз,
Хизмат бўлса қиламиз,
Икки соҳиб бошида,
Икки қатор бўп оламиз.

995. Ғит-ғит дейди, ишлайди,
Ерга кукун ташлайди.

996. Қора туя қалтирайди,
Қобирғаси ялтирайди.

997. Оғзи йўқ,
Тиши кўп.

(Арра)

998. Тушган ерини узар.

999. Қелиб оғзини очар,
Тишлаб олиб қочар.
(Омбир)

1000. Борадир, борадир,
Оёғини кўтариб ётадир.

1001. Бир ҳаммолга тўрт банд.
(Замбил)

1002. Оққина товуқ сомон сочар.
(Паншаха)

1003. Ер тагида ой юрар.

1004. Ер тагида ой юрар.
Ойни кўриб бой юрар.

а. Ер остида ой юрар,
Оқ соқолли бой юрар.

б. Ер остида ой юрар,
Қорни ялпоқ бой юрар.

1005. Ер остида бой боради,
Қулоғида лой боради.

1006. Ер тагида қуйруқ боради.

1007. Ер остида парча калапуш.

1008. Кетаверади, кетаверади,
Тоғдай жойни бузиб келади.

1009. Эгри хўжам, букри хўжам,
Тақияси темирдан хўжам.

(Омоч)

1010. Узи ернинг тагида,
Кучи ернинг устида,

Уттиз икки оғайни,
Бир-бирининг устида.

1011. Йигирма беш оғайни,
Бир-бирининг изида.
1012. Қатти-қатти ўзи бор,
Ўн икки, ўн беш кўзи бор.
1013. Эгилади, букилади,
Мевалари тўкилади.
1014. Ёзда юрар,
Қишда ётар.
- 1015-1016. Менинг кучугим ҳовуллаиди,
Қорни тўқ бўлса айланади.
(Сув чиқарадиган чигириқ).
1017. Бир қушим бор ажойиб,
Дон чўқийди еёлмайди.
Қанот қоқади, учолмайди.
1018. Бир эшагим бор ҳайги,
Қулоқлари бор данги,
Ўт емайди, сув ичмайди.
1019. Хув-хув ҳувон қуш,
Бели боғли нодон қуш.
1020. Е пир,
Гардани кир,
Боши икки,
Танаси бир.
1021. Ҳелисия-ҳелиси,
Катта уйнинг келиси.
1022. Қоронғи томнинг ичида,
Полвон акам икки оёқ билан тепади.
1023. Қанотини қоқади, учмайди,
Донини чўқийди, емайди.

1024. Обжувозда икки ўқ,
Бирини қўй-да, бирин сўқ.
(Жувоз)
1025. Қоронғи томнинг ичида
савр гулдирайди.
1026. Қоронғи томда қоплан гулдирайди.
1027. Қоронғи уйда қовоқ қалдирар.
1028. Қоронғи томнинг ичида бошимой,
бошимой, дейди.
1029. Қоронғи саройда бузоқ шиқирлаб
оғзидан кўпик сочади.
1030. Ер остида волтон гулдирайди.
1031. Тир-тир этади,
Оппоқ сочади.
1032. Ости лоп-лоп,
Усти лоп-лоп.
Темир қоплаб,
Болта соплаб.
1033. Чир-чир айланади,
Оппоқ чиқаради,
Топ-чи!
1034. Қат-қат менинг чўнтагим,
Қатлама менинг чўнтагим,
Етти ердан тўй келса,
Тўймас менинг чўнтагим.
1035. Кўп ейди, тез ейди,
Майда чайнайди,
Ўзи юта олмайди,
Ўзгаларни тўйдиради.
1036. Бир маталим бор бошдан,
Оёғи темир, тошдан.

Тез-тезгина келинлар,
Халфалар ўлди очдан.

а. Бир жумбоғим бор бошдан.
Жони темир, тошдан.
Зухра хола югураверинг,
Уста тош ўлди очдан.

1037. У нимадир, қув ёғочдан оғзи бор,
У нимадир, ўртасида мағзи бор.
У нимадир, елкасида оғзи бор,
У нимадир, сув остида қимирлар.

1038. Тебранади, ўртасида оғзи бор,
Тебранади, орасида мағзи бор.

1039. Бадир-будир бўз,
Ғадир-ғудир дўз,
Туянинг боласи кўшак,
Шуни билмаган эшак.

(Тегирмон)

1040. Томда туриб карнай чалдим,
Товуши Қўқонга кетди.

(Тегирмон дути)

**ТУРАР ЖОЙ, УИ, УНГА ТЕГИШЛИ
АСБОБЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР ҲАҚИДА**

1041. Опон-опонни кўрдим,
Эски чопонни кўрдим,
Қобирғаси қалашган,
Одам ютганни кўрдим.
1042. Олти қарич оғизлини кўрдим,
Тириклай одам ютганни кўрдим.
1043. Қобирғаси тарим-тарим,
Асли унинг жони йўқ,
Тарисини синдириб олсам,
Ерга томар қони йўқ.
1044. Эрта билан турдим,
Бети-қўлимни ювдим,
Орқаси тап-таранг,
Одам ютқични кўрдим.
1045. Оғзи бордир бир қари,
Эгасини бутун ютди они,
Суяклари бўлак-бўлак, йўқдир жони,
Терисини шилиб олсанг чиқмас қони.
1046. Ҳачча,
Ҳаччанинг устида бачча,
Баччанинг устида қалпоқ,
Қалпоқнинг устида телпак.

1048. Бир тепада олти қўчқорнинг
шохи алмашиб ётир,
Етти қўчқорнинг шохи ялмашиб ётир.
1049. Қўчқор шохи қўйган еридан қўзғолмас,
1050. Қўйса, ердан қўзғалмас.
(Қора уй)
1051. Ой қучоқ, ой қучоқ,
Йиғиб келсам, бир қучоқ.
а. Ейиб қўйсам, ой қулоч,
Йиғиб қўйсам, бир қулоч.
1052. Қирқ қўйимнинг қулоғи чиноқ.
а. Қўк қўйимнинг қулоғи чиноқ.
1053. Қирқ чиноқ қирқ қудуқдан сув ичар.
1054. Оғил тўла чиноқ қўй.
а. Уй тўла чиноқ эчки.
(Қора уйнинг увиғи)
1055. Бизнинг уйда қирқ қиз.
Ҳаммаси соч попуғли.
(Увиқ ва боғи)
1056. Жинди қиз, жинди қиз,
Жин тепага чиқди қиз,
Болаларини эргаштириб,
Ҳаранг-даранг бўлди қиз.
1057. Гум-гумбаз,
Қирқ чачоқ.
(Қора уйнинг
чанғароғи)
1058. Қўккина кўзим уй айланар,

1059. Кичкинагина қуёнчам жар айланиб
қочади.
1060. Бўйи узун опам,
Бети чўтир опам.
*(Қора уйнинг
белдови)*
1061. Бир тубада тўрт илон.
1062. Бир тўбанинг устида тўрт шибоқ.
(Қора уйнинг тўйнуқ боғи)
1063. Чин қушим, чинни қушим,
Чин тепага қўнди қушим,
Қанотини ёйди қушим,
Танобини тортди қушим.
1064. Хитой қуш қанотларини ёйиб,
оёғини букиб, тоғда ўлтирибди.
(Чодир)
1065. Бобом уйда,
Соқоли ташқарида.
- а. Узун бобом ичкари-я,
Соқоллари ташқари-я.
- б. Бобом уйда,
Боши далада.
1066. Амаким ичкарида,
Қулоқлари ташқарида
(Уйнинг тўсини — балори)
1067. Онаси еттита,
Боласи бир нечта.
1068. Онаси қорнида боласи кўндаланг ётибди,

1069. Отаси вой белим, дейди,
Боласи вой бошим, дейди.

(Тўсин, васса)

1070-1071. Кундузи ташқари,
Кечаси ичкари.

1072. Икки опамнинг бўйи тенг.

1073. Деволга қўнган қушим,
Баъзилари бир қанот,
Баъзилари қўш қанот.

1074. Ори торт, бери торт,
Қари қўйнинг этин торт.

(Эшик)

1075. Олти кўзли суякли,
Ҳамма уйга керакли.

1076. Ўзи битта,
Кўзи олтига.

(Дераза роми)

1077. Кечаси осмонга қарайди,
Кундузи ерга қарайди.

а. Кечаси юқори,
Кундузи қуйи.

1078. Кечаси туради,
Кундузи ётади.

1079. Кундузи кулфатда,
Кечаси меҳнатда.

1080. Шилдир, шилдир кишаним,
Шилдирама кишаним.

(Эшик занжири)

1081. Қоравой бувам эшик қўрар.
1082. Қора қулим уй қўрар.
1083. Қора хотин уй пойлар.
- а. Пакана хотин уй пойлар.
1084. Қўли йўқ,
Оёғи йўқ,
Уй пойлар.
1085. Қичкина кучук,
эгасидан бошқани киритмайди.
1086. Қичкинадир, минадир.
Унга одам ишонадир.
1087. Қичкина итча ҳурмайди,
Тишламайди, уйга қўймайди.
1088. Бир шаҳарни бир қора ҳакка
қўриқлайди.
- а. Қора ҳакка уй пойлар.
1089. Қорагина зағча,
Қанотидан осилган.
1090. Хум, хумча.
Эгаси келгунча.
1091. Жарда ёнтоқ осилган.
(Қулф)
1092. Катта хотин уй пойлайди,
Қичкина хотин йўқловга кетади.
1093. Акаси уй пойлайди,
Укаси ўйнаб юради.
1094. Акасини укаси қитиқлайди.

1095. Олистан жангир-жунгир,
Яқиндан оддий темир.

1096. Чумчуғим чиқ этди,
Уясига кириб кетди.

1097-1098. Лик-лик этар,
Уясига кириб кетар.

(Қулф, калит)

1099. Узун бўйли,
Қора тўнли.

1100-1101. Усти оқ,
Ичи қора.

1102. Амаким ариқ,
Қорни ёриқ.

1103. Бобом томда,
Соқоли ерда.

1104. Бир уйга кирсам,
Қорни ёриқ айиқ турибди.

(Мўри)

1105. Узи битта,
Кўзи тўртта.

1106-1107. Тўрт оғайнининг бошида
бир қалпоқ.

1108-1109. Шайтоннинг уйи тах-тавонлик,
ичи тўла хода.

(Танча)

1110. Тегирмон, тегирмон,
Тевараги темирдан.

(Печка)

1111. Оғзи пулдай,
Ичи хумдай.

1112. Узи бор,
— Кўланкаси йўқ.

1113. Оғзи осмонда,
Ичи пасманда.

1114. Шилдирама шувоқ,
Очилмас қовоқ.

1115-1116. Тепаси айвон,
Ўртаси хумдон,
Теги зиндон.

(Обриз)

1117. Йўнса йўғон бўлар.

1118. Узи бор,
Сояси йўқ.

(Ўра)

1119. У ёғи заранг, бу ёғи заранг,
Ўртасида боймирза гаранг.

(Ширдон)

1120. Чиргидай ерга кун тегмас.

1121-1122. Осмондан осилган,
Ердан қазилган.

1123. Узун терак,
Сояси йўқ.

(Қудуқ)

1124. Ура қаздим,
Тупроғи йўқ.

- а. Қудуқ қаздим бетупроқ
(Қозик ўрни)
1125. Отаси бор, энаси бор,
Ўн иккита боласи бор.
- а. Икки онаси,
Ўн икки боласи.
1126. Тепдим, тепдим,
Теракка чиқдим.
(Нарвон)
1127. Сувга солсанг ёнар,
Ўтга солсанг қайнар.
(Оҳак)
1128. Оши кўпу тузи йўқ,
Ўғли кўпу қизи йўқ,
Қишда кўпаяди,
Ёзда озяди.
(Ҳаммом)
1129. Элибой акам киссасини,
Эл йиғилиб тиколмас.
(Девол ёриғи)
- 1130-1131. Ўзи катта,
Сарпўши йўқ.
(Ҳовуз)
1132. Элиси-я, элиси,
Катта бойнинг келиси.
Шуни топган одамга,
Бир улаҳат¹ бериси².
(Зиндон)

¹ Вилоят.

² Бераси.

1133. Бухородан келган нусха,
Тўрт оёғи қисқа.

1134. Берсанг тўяди,
Бермасанг туради,
Ҳамма хизматин кўради.

1135. Томда тараша,
Уйга яраша.

1136. Бир эшагим бор,
Тўрт оёқли.
Тўбаласам юрмайди.

(Сандиқ)

1137. Тўрт оёғи бор,
Бурнида авараки.

(Сандиқ, калит)

1138. Қичкина филди,
Менга қараб кулди.

1139. Топ-тобоноқ, тобоноқ,
Тобони йўқ қуёноқ,
Қуёноғи кумушдан,
Кулиб турган бувишдан.

1140. Том, том, томчи,
Томиб турган томчи,
Айни саҳар ичида
Кулиб турган томчи.

1141. Бир дўстим бор ажойиб,
Агар ким унга боқса,
Кулиб боқар илжайиб.

1142. Мен боқсам,
У боқар.

1143. Толнинг тегида тиниқ сув.

(Ойна)

1144. Куни-туни юради,
Доим бир жойда туради.

1145. Оёғи йўқ, юради,
Оғзи йўқ, гапиради.

1146-1147. Чиқ-чиқ боради,
Чиқ-чиқ келади,
Иккиси бир томон
Қувалашиб юради.

1148. Ұзи минг хил,
Гапи бир хил.

1149. Оғзи йўқ,
Тили бор.
Думалоққина,
Юзи бор.

1150. Оқ товоқда сариқ қайчи.

(Соат)

1151. Усти ётинқи,
Тўрт оёқли.

(Сўри)

1152. Юраверади, юраверади,
Йўли кўпаймайди.

1153. У ёқдан-бу ёққа учаверади,
Бир жойдан жиллолмайди.

1154. Тўрт оёқли,
Ёғоч туёқли.

1155. Тўрт оёғи бор,
Остида тоши бор,
Топ-чи!

Тўрт оёғи бор,
Тошдан тувағи бор.

(Бешик)

1156. Кундузи иззатда,
Кечаси хизматда.

а. Кундузи роҳатда,
Кечаси меҳнатда.

1157. Кундузи арк устида,
Кечаси ўз пўстида.

1158. Кундузи йиғилади,
Кечаси ёйилади.

1159. Кундузи ҳур бўлади,
Кечаси қул бўлади.

а. Кечаси қул,
Кундузи бек.

1160-1161. Кечаси чўри,
Кундузи ойим.

1162. Кечаси бўғоз,
Кундузи қисир.

(Кўрна)

1163. Қўлсиз, оёқсиз кўйлак кияр.

а. Қўли оёғи йўқ,
Кўйлак кияр,
Қорни тўқ.

(Ёстиқ)

1164. Узи битта,
Оғзи иккита.

(Лўлаболиш)

1165. Турса туядай,
Йиғилса кичкинтой.

а. Турса туядай,
Ётса ёстиқдай.

1166. Етса ёбадай,
Турса туядай.

1167. Узи уйдаи,
Бўйни қилдай.

1168-1169. Зап уйим бор,
Эшиги йўқ.

(Пашшахона)

УИ ХУЖАЛИК АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА

1170. Оғзи қора аломат,
Ичи қизил қиёмат.
1171. Усти бомдек,
Таги томдек,
Утириши мулла
Абдурахмондек.
1172. Оғзи дўппидек,
Ичи қизил, хумдек.
1173. Шум кампир,
Шумалоқ кампир,
Икки бети юмалоқ кампир.
1174. Юм-юм, юмалоқ кампир,
Оғзи қора, шум кампир.
1175. Дўнг кампир,
Дўнгалак кампир,
Елкаси йўқ —
Шум кампир.
- а. Бир кампир бор,
Юм-юмалоқ,
Елкаси йўқ.
1176. Оғзи қора кўк тозим,
Кунига тўққиз кийик олади.

1177. Кичкина ҳаятча,
Ичи тўла кулча.

(Тандир)

1178. Оғзи ола аломат,
Ичи қизил қиёмат,
Сув сепсам қуруқ чиқар,
Ё алҳазар саломат.

1179. Аломат-а, аломат,
Ичи қизил қиёмат,
Ҳўл урдим,
Қуруқ чиқди.

(Тандир,
нон)

1180. Ости лоп-лоп,
Усти лоп-лоп,
Ўртасидан кумуш қоплаб.

(Рапида)

1181. Матал-матал матти қора,
Топмаганнинг юзи қора.

1182. Жуммоғим жўтти қора,
Топмаганнинг жузи қора.

(Косов)

1183. Узи битта,
Қулоғи тўртта.

1184. Топмачамнинг ўзи қора,
Топмаганнинг юзи қора.

1185. Қулоғи қорнида,
Боши йўқ.

1186. Қора товуқ,
Қерни тўқ.

1187. Жумбоғимнинг жуфти қора

1188. Бир жумбоғим тўрт қора.

(Қозон, тўрт қулоғи)

1189. Қора сигир қараб турар,
Сариқ сигир ялаб турар.

1190. Қора ҳўкизнинг путини,
Қизил ҳўкиз ялайди.

(Қозон, олов)

1191. Уч кубайнинг уч ули,
Учқу тортиб ўтири,¹
Қорасоқол отаси,
Капа чиқиб ўтири.

(Қозон,
тагидаги ўтини)

1192. Бир том ичида учта бети қора.

1193. Учи жамлашган,
Кучи бирлашган.

(Учоқоя)

1194. Қорабой отдан тушди,
Болалари югуришди.

а. Қорабой акам йиқилди,
Бола-чақаси йиғилди.

б. Қора ботир отдан тушди,
Аскарлари ўраб олишди.

в. Ҳожи поччам отдан тушди,
Болалари югуриб борди.

¹ Утирибди.

1195. Қора дев йиқилди,
Боалари йиғилди.
(Қозон,
Товоқ, коса)
1196. Керагага илувли,
Ақллига билувли.
(Қозон чочиқ)
1197. Лайлак уяда,
Думи зиёда.
(Чўмич)
1198. Ҳакка уяда,
Қуйруғи зиёда.
(Қошиқ)
1199. Бир хотин бор, боалари чоч-чоч,
Икки қўли доим бошида.
(Қошиқдон)
1200. Ости иморат,
Усти иморат,
Ўртаси оташхона.
1201. Умрдон-а умрдон,
Еққан ўти кўмирдан,
Маккадан бир қуш кепти,
Жиғилдони темирдан.
1202. Ости тешиқ, усти тешиқ,
Ўртаси сув, оловлик.
- 1203-1204. Бозорда сариқ айғир-кишнайд.
1205. Оғилда сариқ бузоқ маърайди.
1206. Ичи қора кўмирдай,
Тиши сариқ испаракдай,

Ўлтириши мулладай,
Қичқариши тайлоқдай.

1207. Сув десам, сув эмас,
Шилдирайди бир нарса,
Ўт десам, ўт эмас,
Йилтирайди бир нарса.
Бошига бўркини олиб,
Бўркиллайди бир нарса.

(Самовар)

1208. Қўк косанинг бурни йўқ.

- 1209-1210. Бозордан олдим бир олгуржи,
Тўйса ҳам чиқмайди буржи.

1211. Ўзи катта,
Қичикка эгилади.

1212. Чин қушим, чинни қушим,
Чин тепага қўнди қушим.
Тумшуғини ерга бериб,
Халққа салом берди қушим.

1213. Ўзи турар жимгина,
Қулоғи бор биргина.

1214. Рўпарада турибди,
Юзи думалоқ лўппи,
Бир қулоғи бор, бир бурни.
Бошига кийган дўппи.

1215. Ичи бор,
Ичаги йўқ.

(Чойнак)

1216. Оналари токчадан тушса,
Болалари югуриб келади.

1217. Анора, мунора,
Ўнг қўлга қўнара.

1218. Ҳамма кишини кўрганда лабини ўпкай.

1219. Лаби лабимга тегса оғзим куюди.

1220. Меҳмон келди,
Югуриб борди,
Қўлига чиқиб
Лабини ўпди.

(Пиёла)

1221. Тугиб, тўрга ташладим.

(Чой халта)

1222. Қора товуқ қақиллайди,
Қанотлари шақиллайди.

1223. Қора туям бақирар.

1224. Бухородан келган лўк,
Кулга бориб чўк.

1225. Лўк-лўк туям, лўк туям,
Кулга келиб чўк туям.

1226. Маталим матти қора,
Топмаганнинг юзи қора.

(Чойдиш — офтоба)

1227. Қорни қортоз,
Бурни буртоз,
Отга минмас,
Пиёда юрмас.

1228. Ўзи пир,
Бўйни кир,
Оғзи иккита,
Теги битта.

(Обдаста)

1229. Бораётганда оч минар,
Келаётганда тўқ.

1230. Юқоридан келди лўк,
Икки кўзи кўк,
Келиб сувга чўк.

(Кўза)

1231. Қорни қопдай,
Бўйни ипдай.

(Хум)

1232. Алака;
Эни-боши кир ака.

1233. Бўрининг оғзи еса ҳам қон,
Емаса ҳам қон.

(Ег хумча, кади)

1234. Шим кампир,
Шим-шим кампир.

(Қашиқ
соладиган кади)

1235. Шилдир-шилдир кишаним,
Шилдирама кишаним,
Уйга меҳмон келганда,
Уялтирма кишаним.

1236. Шилдир-шилдир бойнинг қизи,
Жангир-жулгир бойнинг қизи.
Бўйнидаги лаъли мунчоқ,
Темир полвоннинг қизи.

1237. Гулдур-гулдур гулдурмон,
Гулдирманинг қизиман,
Бўйни тўла тус мунчоқ,
Тўқсонбойнинг қизиман.

1238. Тор кўчада от ўйнар.

1239. Узун терак,
Ичи ковак.

(Кува)

1240. Уттиз умуртқаси йўқ,
Қирқ қобирғаси йўқ,
Шилиқ-шилиқ этади,
Ўзи сира тўймайди.

1241. Оқ эчким ичи йўқ,
Суяги йўқ, гўшти йўқ,
Ўзи шилиқ-шилиқ этади,
Юмалаб ерда этади.

1242. Оқ эчким қанотин ёзди,
Оғзин очсам ичидан бол чиқди.

(Меш)

1243. Бўтали туя овул кезар.

1244. Отаси оғзин очар,
Боласи уриб қочар.

1245. Талтайиб туради,
Тарсиллатиб уради.

(Кели)

1246. Тап-тап этади,
Остидан карвон ўтади.

а. Тақир-тақир этар,
Тагидан карвон ўтар.

1247. Тақ-тақ томдан қор ёғади.

а. Пастгина томдан қор ёғади.

1248. Паст осмондан қор ёғар.

1249. Янги идиш,
Таги тешик.
1250. Бир ўзи,
Минг кўзи.
- а. Бир ўзи,
Бир ўзида минг кўзи.
1251. Оққина туя кулга чўкар,
(Элак)
1252. Қалта момом лой тепар.
1253. Қалтача бобом лой тепар.
1254. Пакана хотин том тепар.
1255. Қичкина бачча лой тепади.
- 1256-1257. Бели боғлиқ лой тепар.
(Чакич)
1258. Қичкина митти,
Эчкини йиқитди.
(Пичоқ)
1259. Тўрт томони бекик,
Уртаси тешик.
(Пичоқ қини)
1260. Ишини битирди,
Эшик тагига ўтирди.
1261. Эшик орқасида бели боғлиқ қул ётир.
а. Қоронғи томда бели боғли қул ётир.
1262. Бели боғлиқ қул бачча,
Томдан ўтин ташлайди.

а. Белини боғлаб уй ўртасида уйнар.

1263. Уй ичида бир боғ нарса.

1264. Пакана хотин ер тирнар.

1265. Сочи ёзиқ қув кампир,
Бели боғлиқ шум кампир.

1266-1267. Қўйган ерда туради,
Ош емайди, сув ичмайди.

(Супурги)

1268. Қобирғаси бор, қони йўқ,
Оғзи бор, жони йўқ.

1269. Ётса турмас,
Турса ётмас.

(Қоп)

1270. Гишим йўлда йўрғалар,
Юрган йўли оқарар.

(Совун)

1271-1273. Бўйни биргина,
Қўли иккигина,
Чақириб келмайди,
Пиёда юрмайди.

1274. Кичкина миср,
Бекларни отдан тушир.

1275. Усти ёнар,
Таги қайнар.

а. Устида ўт ёнади,
Тагида сув қайнайди.

1276. Сарвиноз, салмаси катта, бўйни кир.

1277. Ранги сомон — заъфарондай,
Чеҳраси гул — хазондай,
Қўл-оёғи йўқ, эшикка-чиқар,
Сиҳат одамлардай ошини ичар.
Гоҳи булбул каби бўлар гўё,
Гоҳи бўлур гунг, сўзламас асло.

1278. Чинни, чинни, чинни қиз,
Чин тепага чиққан қиз,
Бўқчасини кўтариб,
Ҳангамага чиққан қиз.

(Чилим)

1279. Ранг-баранг, пистоқи пором,
Уни топмай ҳамма гаранг.

(Нос)

1280. Оёғи йўқ, қўли йўқ,
Ҳайронман, ул нечук турар,
Қулоғи йўқ, боши йўқ,
Ҳайронман, ул нечук бўлар,

(Носвой қовоқ)

1281. Боради, боради тангадай жойни олади,

а. Кундузи юради-юради,
Кечаси тангадай жойни олади.

б. Бора-бора тангадай жойни олар,
Бу жумбоқни топмаганлар уялар.

1282. Кундузи топ-топ ётар,
Кечаси бовурсоқдай ерда ётар.

1283. Кундузи юради-юради,
Оқшоми тик туради.

а. Кундузи юради, юради,
Кечаси дамани олиб ётади.

1284. Кундузи ҳар жойда,
Кечаси бир жойда.
1285. Кундузи жаҳонни кезар,
Кечаси сулайиб ётар.
1286. узун терак туриб кетди,
Йўрға-йўрға юриб кетди.

1287. Уймоқдай ер ўйилар.

1288. Узун терак,
Таянмоққа керак.

(Ҳасса)

1289. Теварак жез,
Ҳаммага азиз.

1290. Эл олмаса, эллик йил ётади.

1291. Ерда чиримайди,
Элда йўқолмайди.

(Олтин)

1292. Кичкинагина миннас,
Оламни кезиб тинмас.

1293. Биттагина миннас.
Тортиб урса синмас.

1294. Пичагина мисири,
Бутун дунёнинг есири.

1295. Оппоққина, юмалоққина,
Ҳамманинг кўзига яхшигина.

1296-1297. Кўзингиз кўрса қувонасиз,
Кўлингизга олсангиз суюнасиз.

(Танга пул)

1298. Лойдан бўш,
Тошдан қаттиқ.
(Қўрғошин)
1299. Бир тан,
Олти оёқ,
Икки туёқ.
- а. Олти оёғи бор,
Тол таёғи бор.
1300. Олтита оёғи бор,
Иккита товони бор.
1301. Олтита оёғи бор,
Иккита туёғи бор,
Ўртасида қуйруғи бор.
1302. Одамнинг қўлида,
Шайтоннинг тилида,
Олтита оёғи бор,
Қуйруғи белида.
- а. Олтита оёғи бор,
Иккита туёғи бор,
Қуйруғи белида
Толдан таёғи бор.
1303. Одамнинг амри билан,
Отнинг оёғи билан,
Қўлдаги ҳассаси билан,
Иккита лангари билан.
1304. У ёқда учта оёғи,
Бу ёқда учта оёғи,
Ўртасида киндиги.
1305. Бир оёғин осиб турар,
Бир оёғин босиб турар,
Чор бозорга боради,
Бўз бозорга бормайди.

1306. Бир тобоқда уч оёқ,
 1307. Маталим бор бошдан,
 Туёғи темир тошдан.
 1308. У ёғи заранг, бу ёғи заранг,
 Уртасида Боймирза гаранг.
 1309. Икки оға-инини бир устунга боғладим.
 1310. Икки сингил,
 Оғир-енгил.

(Тарози)

1311. Қалта бобом томдан ўтин ташлайди.
 1312. Қари бобом том устидан янтоқ ташлайди.
 а. Оқ саллали бобом том устидан янтоқ ташлайди.
 б. Паст-пастгина томдан,
 Янтоқ ташлайди шалтоқ девона.
 1313. Қичкинагина чиладир,
 Тоғдан ўтин қиладир.
 1314. Томдан похол ташлайди,
 Ғалди пакана.
 1315. Зув боради,
 Зув келади,
 Томдан ўтин ташлайди.
 1316. Минг қўйимни бир чивик билан ҳайдадим
 а. Бир қамчи билан минг қўй ҳайдадим.
 1317. Тоқирчоқ тўбада той ўйнар.
 1318. Паст учакда той ўйнар.

1319. Тена устида букур сичқон ўйнайди.

1320. Юмалоқ тепада қилич ўйнар.

1321. Том устида олифта уста,

1322. Суйри тўба¹ устида —
Абжир този ўйнайди.

(Устара)

¹ Тена.

ОЛОВ, ТУТУН, ЧИРОҚ ВА ЕҚИЛҒИ ҲАҚИДА

1323. Бир сават анор,
Ҳаддинг бўлса ол.

а. Саватда анор бор
Авайлаб олсанг-чи.

б. Товоқ тўла анор,
Ҳаддинг бўлса бирин ол.

в. Шовот йўли қизил анор,
Ҳаддинг бўлса бирин ол.

1324. Бир товоқ қизил олма,
Ушламоққа ҳаддинг борма.

(Чўғ)

1325. Чанғароқдан учиб чиқади,
Қараса, кўзни кўр қйлади.

(Учқун)

1326. Ялт-ялт этади,
Ямлаб кетади.

(Ўт-олов)

1327. Қора хўкиз кетаётир,
Қизил хўкиз қолаётир.

- а. Қора хўкиз тоққа чиқди,
Қизил хўкиз уйда қолди.
- б. Қўк хўкиз олдин чиқар,
Қизил хўкиз қувиб чиқар.
- в. Қўк хўкизим кет келар.

1328. Бир сигирим бор қора,
Бир сигирим бор қизил.

1329. Қўк отим қўйивордим,
Қизил отим олиб қолдим.

(Тутун, олов)

1330. Қўк отим кўкка қараб йўрғалайди.

1331. Ҳов, ҳов хўкиз, ҳов хўкиз,
Бошлаб чиқар кўк хўкиз,

- а. Ҳов, ҳов хўкиз, ҳов хўкиз,
Юмалаб чиқди кўк хўкиз.

1332. Оёқсиз, қўлсиз томга чиқди.

1333. Оёғи йўқ қочади,
Қаноти йўқ учади.

1334. Узундан узоқ,
Ҳавога тузоқ.

1335. Узун-узун ҳамён,
Ундан узун ҳамён.

1336. Отаси арава қўшганча,
Уғли Қўқон борибди.

1337. Офтобда юрар,
Сояси йўқ.

(Тутун)

1338. Қизил сугир қора сугирнинг
Қорнини ялайди.

(Олов, қозон)

1339. Бир бош бугдой уй тўлдиран.

а. Бир бугдой тайладим.
Ура тўлди.

1340. Бир мошоғим¹ икки бўлди,
Томи тошнинг бари тўлди.

1341. У ёғи чел, бу ёғи чел,
Уртасида бир ўлик ботир.

1342. У ёғи девол, бу ёғи девол,
Уртасида ўлик илон.

1343. Нур бува.
Усти боши кир бува.

1344. Қоронғи томда бир кампир,
Сочини ёйиб ўтирибди.

1345. Тош тоғора,
Тепаси ноғора,
Уртасида бир дастагул.

1346. Ўзи қовоқ,
Бошида товоқ,
Оғзида карнай,
Тунлари ҳай-ҳай.

1347. Тўрда битта ўтирган,
Тўламан деб турган,
Оғзи бурни ер босиб,
Ўламан деб турган.

1348. Қорнига сув солсанг боши ёнар.

¹ Бослюк.

1349. Қоронғи томнинг ичида:
Қарқарабоз ўйнайди.
Салласини чуботиб,
Масхарабоз ўйнайди.
1350. Ҳовуз,
Ҳовуз ичида сув,
Сув ичида илон,
Илоннинг оғзида ўт.
1351. Сув ичида ҳалқа уради бир илон,
Оғзида олтин балиқ соҳибқирон.
- а. Сув ичида ғарқ урар бир илон,
Оғзида лаққа балиқ соҳибқирон,
Ул балиқнинг тириклиги сув билан,
Суви қурса, балиқ ўлар нам билан.

(Чироқ)

1352. Узининг баданини ўзи ейди.

1353. Уз қонини ўзи ичар.

1354. Кўзининг ёши оёғига дори.

1355. Оғзининг сувига ўтирар.

1356. Кундузи ухлайди,
Кечаси қарайди.

1357. Қилич учи қалтироқ.

1358. Милтиллайд кўзлари,
Мўлтиллайди ёшлари.

(Шам)

1359. Қичкинагина сандиқча,
Ичи тула тилча.

1360. Қутича, қутича,
Ичида михча.
1361. Дукча-дукча,
Ичи тўла михча.
1362. Кичкинтойгина келинчак,
Бошида бор тугунчак.
1363. Пак-пакана жувон,
Бошига тугун қўйган.
1364. Узи узун, ориқ,
Салласи сариқ.
1365. Узи игнадай,
Бошида салласи бор.
1366. Узи битта,
Ҳассаси етмиш бешта.
1367. Мен ажойиб бир аскар кўрдим,
Боши узра қуввати.
Кўп қуввати, йўқ қадри қиммати,
Сувли ерни асло босмас,
Чўлни поймол қилмай қўймас.

(Гугурт)

1368. Девол орқасида кўк така.

(Кул)

1369. Хирмони катта,
Дони йўқ.
Дастори катта,
Нони йўқ.

*(Кул,
ўтин)*

1370. Уй ортида қора туя ўлиб ётир,
Ичак-чавоғи оқиб ётир.

(Ўтин ва арқони)

**КИЙИМ-КЕЧАК, БЕЗАК ВА ТИКУВЧИЛИК
АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА**

1371. Отдим, осмонга чиқди.

1372. Бош устида чамбарак,
Чамбаракда капалак.

1373. Узи битта,
Тухуми тўртта,
Боласи ўн олтига.

(Дўппи)

1374. Бошингдаги бошпана,
Қиш-қировда гулхона.

(Телпак)

1375-1377. Қундузи ҳимоя қилади,
Кечаси қозикда туради.

(Кийим)

1378. Қора ботир қалтироқ,
Сағирлари ялтироқ.

(Қора атлас)

1379. Топ, топишмоқ,
Танга ёпишмоқ.

(Кўйлак)

1380. Эрта турди,
Икки айри йўлга тушди.

(Шим)

1381. Муштум ерга тушди.

(Чўнтак)

1382. Хўкизни миндим,
Қўйни кўтардим,
Говачага гизландим.

(Этик, телпак,
кўйлак)

1383. Икки дўст тизимдан,
Қолишмайди ўзимдан.

1384. Бир туғишган икки дўст,
Бўйлари тиздан.
Қолмайди биздан,
Сақлайди қор, муздан.

1385. Кечаси кўрдим,
Кундузи йўқ.

1386. Кундузи меҳнатда,
Кечаси роҳатда.

1387. Кечаси арваяди,
Кундузи семиради.

(Этик, маҳси)

1388-1389. Эрта билан турдим,
Тортиб туриб урдим.

(Этик)

1390. Кундузи ҳақ-ҳақ юради,
Кечаси оғзини очиб ётади.

а. Юриб, юриб, оғзи очилиб қолади.

6. Кетаверади, кетаверади,
Борган жойида оғзи очилиб қолади.

1391. Кундузи тап-тап этар,
Оқшом анқайиб ётар.

1392. Эшикка чиқсам менинг билан юради,
Уйга кирсам аданда менга қараб туради:

1393. Уйга кирдим, ечиб кирдим,
Эшикка чиқдим, илиб чиқдим.

1394. Кечаси озодда,
Кундузи хизматда.

(Ковуш)

1395. Беш оғайни, қўраси бир,
Хонаси бошқа.

(Қўлқоп)

1396. Керагада осувли,
Ақллига билувли.

(Сочиқ)

1397. Чакка томади,
Ерга тушмайди.

а. Томчи томади,
Ерга тегмайди.

1398. Жарда жантоқ осувли.

а. Жар лабига ёнтоқ илинди.

1399. Жар бўйида жалбироқ.

(Зирак-сирға)

1400. Муш-муш, мушуккина,
Қўлида ушуккина.

1401. Беш қўлимда беш пўта.

1402. Бухородан келган ҳунди,
Беш оғочга минди.

1403. Бир бойнинг ўн қўйи бор,
Бири боғлиқ, тўққизи ешиқ.

(Узук)

1404. Хоннинг белбоғи белига етмас.

(Билак узук)

1405. Ўзи сўлпи,
Ранги қулпи,
Теги тешиқ.

*(Чўлпи,
сочпопук)*

1406. Жар йиқилди,
Янтоқ осилди.

(Сочпопук)

1407. Бухородан келган минор,
Келиб, келиб, ўн қўлга қўнар.

(Хина)

1408. Қизил туя чел ёқалаб юради.

(Жияк)

1409. Чип читир,
Чийдан қўтир.

(Кашта)

1410. Оқ товуғим қақиллар,
Қанотлари шақиллар.

1411. Кўккина кўзим
Курт-курт ковшайди.
- а. Кумир-кумир ковшайди,
Томдан ўтин ташлайди.
1412. Бораётсам туя ётир,
Келаётсам ўлиб ётир,
Оғзини очиб қарасам
Курт-курт ковшаётир.
1413. Ана ерда биров ўлаётибди,
Оғзига кўлим тиксам кулаётибди.
1414. Икки подшо қон чиқармай уришади.
1415. Икки ботир қиличлашар.
1416. Икки бўри тоғда ўйнар,
чанг чиқармай,
Иккиси ҳам бир бош ейди
қон чиқармай.
1417. Фотма-Зухра уришади,
Меросини бўлишади.
- (Қайчи)
1418. Алвир-шалвир,
Очиб-юмар.
- (Пичоқ,
қайчи)
1419. Бир ўра,
Бир ўра ичида минг ўра.
- а. Бир чуқурда минг чуқур.
1420. Ўзи битта,
Кўзи мингта.

1421-1422. Бозордаги мўнди,
Келиб қўлимга қўнди.

(Ангишвона)

1423. Яланғоч қочади,
Ерғоқли қувади.

(Игна, ангишвона)

1424. Бир кўзли кампир,
Қўйлакка гул тикар.

1425. Ҳаммага тўн тикаман, ўзим яланғоч.

а. Ҳаммани кийинтиради,
Ўзи яланғоч ётади.

1426. Йилт этди,
Йилғага тушди.

а. Йилт этди,
Қирдан ошди.

1427. Йилт этди,
Юлғун оралаб кетди.

1428. Ялт-ялт этди,
Етти қават сойдан ўтди.

1429. Шип этди,
Шимдан ўтди.

1430. Шип этди,
Кўтал ошди.
Момо, момо,
Бузоринг қочди.

1431. Қамини учи ялтироқ.

а. Ентоқ учи ялтироқ.

(Игна)

1432. Узи бир қарич,
Соқоли қирқ қарич.
1433. Узи бир қарич,
Қуйруғи ўн бир қарич.
1434. Узи кичкина, ингичка, кокили узун.
1435. Узи қумуш,
Думи узун.
1436. Қичкина хотин,
Попуги узун.
- а. Қичкина хотин,
Чочвони узун.
1437. Қичкина келинчак,
Сочпопуги қулочдек.
- а. Миттигина келинчак,
Майин сочи узунчоқ.
1438. Бувимнинг лачаги узундан-узун.
1439. Қўккина кўзим,
Қуван судрайди.
1440. Қўккина эчки ипини судраб сув ичади.
1441. Оқ эшакка оқ тушов,
Қўк эшакка кўк тушов.
(Игна, ип)
1442. Узун илқим бор,
Қалта қилқим бор,
Жингила бурким бор.
(Ип, игна,
ангишвона)

1443. Ийна¹,
Ийнанинг боши туйна.

(Тўғнағич)

1444. Ут емайди беданам,
Сув ичмайди беданам,
Тилла тўқим устида,
Йўрғалайди беданам.

1445. Қора товуқ қақиллайди,
Қанотлари шақиллайди.

1446. Бир қушим бор, уч оёқ билан учар,
Тумшуғи зумратдан тошни тешар,
Жони борми, жони йўқми дедилар,
Жони борнинг нози билан тез учар.

1447. Теги кўмирчи,
Усти темирчи.

(Тикиш
машинаси)

¹ Игна.

КИТОБ, ЕЗУВ ВА УҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ҲАҚИДА

1448. Қат-қатгина қатлама,
Ақлинг бўлса ташлама.

а. Қат-қатгина қатлама,
Қатламадан ҳатлама.

1449. Қат-қат қобирғам,
Қотмас менинг қобирғам.

1450. Дарахт эмас, япроқли,
Куйлак эмас, этакли,
Одам эмас, сўзлайди,
Турли куйлар куйлайди.

1451. Саксон, саксоннинг қизи сочлик,
Қирқ бир туяга юкланган.
Оқ отлик, қалам қошлиқ,
Шуни топган минг ёшлик.

1452. Устида қопқоқ,
Тагида қопқоқ,
Ичинда япроқ.

1453 Тилсиз, ақл ўргатар:

1454. Бодомча, бодомча билан
Етти калит том билан.

Не кўзи бор, не оғзи бор,
Сўйлашади одам билан.

(Китоб)

1455. Оқ ер очдим,
Қора буғдой сочдим.

(Қоғоз, ёзув)

1456. Қўл билан экилар,
Оғиз билан йиғилар.

1457. Қўл билан экилар,
Тил билан ўрилар,
Тухми қора.

6. Оқ ерга қора уруғ,
Қўл билан экилар,
Оғиз билан терилар.

(Езиш,
ўқиш)

1458. Тоғдан тайладим синмади,
Сувга тайладим синди.

(Қоғоз)

1459. Сирти таёқ,
Ичи бўёқ.

(Қалам)

1460. Узун бўйли,
Йўрма тўнли.

1461. Ул надирки, зарра-зарра кон бўлур,
Тухми андак, меваси-чандон бўлур.
Оғзи бирдир, тили икки, жони йўқ,
Қўп киши бу маънига ҳайрон бўлур.

(Қамиш қалам)

1462. Оғзи бир, тили икки, жони йўқ,
Сўзлаган сўзининг сони йўқ.

- а. Тили бир, жони йўқ,
Гапирган гапининг сони йўқ.

(Ручка)

1463. Менда бор, сенда йўқ,
Жисмда бор, сўзда йўқ.

- а. Осмонда бор, ерда йўқ,
Кампирда бор, қизда йўқ.

- б. Осмонда бор, ерда йўқ,
Самарқандда бор, Тошкентда йўқ,
Менда бору, сенда йўқ.

(«М» ҳарфи)

1464. Сенда бору менда бор, оламда йўқ,
Унда бору мунда бор, одамда йўқ.

(«Н» ҳарфи)

1465. Қошда бир,
Қошиқда икки.

(«Қ» ҳарфи)

1466. Ҳўин, Ҳўин, Ҳўиним,
Кўнгил очар тўиним.

(Топишмоқ)

1467. Топ-топ топишмоқ,
Топишмоғим ёпишмоқ.

(Елим)

ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА

1468. Узун-узун уломиқ,
Учи менинг қўлимда,
Булбуллари сайрайди,
Туби менинг қўлимда.

- а. Узун терак йиқилди,
Учи менинг қўлимда,
Зағизғони сайрайди,
Сочи менинг қўлимда.

(Танбур)

1469. Уч айғир, ҳайдадим текис йўлга,
Учовига ўн одам хизмат қилар зўрға-зўрға.

1470. Боғда булбул сайрайди,
Сочи менинг қўлимда.

- а. Жонсиз булбул сайрайди,
Эгалари сўзлайди.

(Дутор)

1471. Бўз-бўз этар қўлимда узун терак,
Йиқилиб, шохи менинг қўлимда.

1472. Ҳасан дорози бир букур,
Ҳовлига солади зикир.

Ҳар мўридан тутун чиқса,
Баччалар тапир-тупур.

(Карнай)

1473. Томда туриб гилам қоқдим.

а. Томда туриб гилам қоқдим,
Чанги жаҳонга кетди.

(Ногора)

1474. Узи митти,
Овози оламга етди.

(Сурнай)

1475. Юқоридан келади бурмали бой,
Ёқаси чир айланур тугмали бой,
Қирман йигит ин солади,
Не эканин билмайман, ёпирай.

(Гармон)

1476. Жони йўқ,
Урса йиғлайди.

(Қўнғироқ)

УИИНЛАР ВА УИИНЧОҚЛАР ҲАҚИДА

1477. Жуммоғимни жуттирдим¹,
Жумабой калга уттирдим.

(Соққа ўйин)

1478. Узун терак, учи менинг қўлимда.

1479. Узун-узун уза қоч,
Сайраб турган қалдирғоч,
Учи менинг қўлимда.

1480. Оқ ғозим учди кетди,
Ичагини чўзди кетди.

1481. Осмонда оқ эшак,
Нўхтаси қўлимда.

1482. Ҳавода тўрт бурчаги,
Қўлимдадир ичаги.

(Варрак)

1483. Чўпчагим чўпчак,
Олтин беланчак,
Етти қизнинг онаси,
Ҳалигача келинчак.

¹ Ютқиздим.

1484. Тўрда келиним тўрамдай.
Икки кўзи қизариб ўлардай.

(Қўғирчоқ)

1485. Тап-тап этади,
Урсам учиб кетади.

(Қоптоқ)

ОТ АСБОБЛАРИ, ИУЛ ҲАҚИДА

1486. Отдан баланд,
Итдан паст.
1487. Бўйи паст,
Отдан тушмас,
Пиёда юрмас.
1488. Узун эдим кесдилар,
Йўгон эдим йўндилар,
Ишга лойиқ қилдилар.
- а. Йўгон эдим йўндилар,
Ингичка эдим эгдилар.
1489. Том устида сандиқ.

(Эгар)

1490. Босган ерим бой чуқур,
Утирган ерим ой чуқур.

(Узанги, эгар)

1491. Тепдим,
Теракка чиқдим.

Тепдим, теракка чиқдим,
Ундан нарроққа чиқдим.

6. Тепдим теракка чиқдим,
Ундан ҳам баландга чиқдим.

1492. Тап-тап этиб томга чиқдим.

(Отга миниш)

1493. Тепдим тешик,
Миндим бешик,
Олдим ажриқ,
Кейним тўқай.

*(Узанги,
эгар,
от ёли, думи)*

1494. Чечан бир киши чечкудай жуммоқ,
Оқил бир киши очкудай жуммоқ.

1495. Оғзи йўқ, кўзи йўқ,
Гаплашади одам билан.

1496. Найни найротда кўрдим,
Шойи зумратда кўрдим,
Сенинг қилган ишларингни,
Саройда бир отда кўрдим.

1497. Жумморим жуммоқ,
Тўлғоной жуммоқ,
Тўққиз қизнинг баҳоси жуммоқ,
Хитой қизи қуйган жуммоқ,
Мангит қизи очган жуммоқ.

(Кишан)

1498. Бош маҳрам бош ушлар,
Урта маҳрам тўш ушлар,
Қулмуҳаммад қуйруқ ушлар,
Беғайратий сийрик ушлар.

*(Юган, айил,
қўюшқон, кишан)*

1499. Тўрт ой, йигирма тўрт юлдузни
Самарқанд кета туриб саман отда кўрдим.

1500. Тўрт ойни йигирма тўрт юлдуз
билан банд қилди.

(От тақаси, михлари)

1501. Етти тешик,
Бир картик.

(От хомити)

1502-1503. Бир қўлимда елдиргич,
Бир қўлимда кулдиргич.

(Қамчи, юган-сувлиқ)

1504. Қирқ қулоғи,
Икки оғзи бор.

(Хуржин)

1505. Оғилда беш бармоқ,
Иши хас-чўп тўпламоқ.

(Паншаха)

1506. Қўйворсам юз қулоч,
Йигиб олсам бир қулоч.

(Арқон)

1507. Илвагайда илвагай,
Эшик очиб кирмагай.

а. Эрвагай, сервагай,
Асти уйга кирмагай.

б. Элагай, делагай,
Ҳаргез кўчада юргай.

в. Арвайгай, дарвайган,
Ҳаргез уйга кирмаган.

1508. Кундузи юради, юради,
Оқшоми икки оёғини
Осмонга тиклаб туради.

а. Кундузи юради, юради,
Кечаси лингини кўтариб ётади.

1509. Югурганда шақирлаб кулади,
Тўхтаганда жим туради.

а. Олис борганда шақирлаб қичқиради,
Яқин келганда ҳеч гапирмайди.

1510. Бир эшагим бор ҳанги,
Қулоқлари данги,
Ўт емайди,
Сув ичмайди.

1511. Жонсиз, безабон,
Қайиш чайнаб ютолмас,
Кетида икки юмалоқ,
Югуриб сира етолмас.

(Арава)

1512. Тўрт ака-ука бир-бирига етолмайди.

а. Акаси укасини қува олмайди.

1513. Тўрт оғайни йўлга чиқди,
Иккиси олдда бораётир,
Иккиси орқада бораётир.
Орқада бораётганлари
Олдидагилардан қолмаётир.

1514. Икки тенг-баровар,
Думалатса филдирар.

(Арава
филдираклари)

1515. Оғзи бор,
Кўзи йўқ.

1516. Чил қазноғу
Чил ҳужра.
1517. Чил ток, чилман ток,
Чил ҳужра-ю, чил қазноқ.
1518. Қовурғаси бор,
Қони йўқ,
Оғзи бор,
Жони йўқ.

(Четан)

1519. Бир арқоним бор,
Учи-қуйруғи йўқ.
- а. Узун арқон йиғилмайди,
б. Икки арғамчи, ҳеч йиғиштириб бўлмайди.
1520. Узун опам уйга сигмас.
- 1521-1522. Узун-узун арғамчи,
Учига етиб бўлами.
1523. Узун-узун улами,
Учига етиб бўлами.
1524. Тоғдан баланд,
Питадан паст.
- а. Тоғдан баланд,
Патакдан паст.
- б. Тоғдан баланд.
Эгардан паст.
- в. Тоғдан баланд,
Явшондан паст.
1525. Отган таёғим, етганча кетар.
- а. Оқ таёғим отганга кетади.

6. Отган тошим отганча кетади.

1526. Отдим арғамчи,
Етиб боргин-чи.
1527. Тўқай-тўқай ичагим,
Тўқайланма ичагим,
Тўққиз тентак йиғилиб,
Тополмаган ичагим.

(Иёл)

1528. Узун-узун уломиқ,
Учига етган бормикан,
Йўлда ётган сополни
Олиб отган бормикан.
1529. Узун-узун уч оғоч,
Учига етган бормикан,
Жалпоқ тошни кўтариб,
Жойига қўйган бормикан.

(Иёл,
от тугғининг изи)

1530. Узун-узун улама
Учига етиб бўлама
Ерда ётган плонни
Илиб отиб бўлама.

(Иёл,
арава изи)

1531. Узун ичак,
Учи тугунчак.

(Иёл,
бозор)

1532. Узун ичак,
Бели тугунчак.

(Иёл,
кўприк)

1533. Узун-узун ҳамён, *
Ундан узун ҳамён.

(Иёл,
сув)

1534. Тап-тап этар,
Устидан карвон ўтар.

1535. Ҳил-ҳил туям,
Бағри ҳўл туям.

а. Ҳил-ҳил туя,
Ҳил туя.
Жуги ортувли туя —
Бели тортувли туя.

1536. Йўлда тўшак,
Уни топмаган эшак.

1537. Қўк устида устунли уй,
Уй устида ҳаёт.

(Кўприк)

1538. Отаси кўтарам,
Онаси йўрға,
Уғли қўшиқчи,
Қизи ўйинчи.

(Кўприк,
сув,
бақа,
балиқ)

КЕМА, ҚУРОЛ-ЯРОҚЛАР ҲАҚИДА

1539. Дарё,
Дарё устида бўйра.
1540. Юрса изи билинмас.
1541. Бир бия бор, бирқилдоқ,
Икки бути ширқилдоқ,
Ут емайди, сув ичмайди.
1542. Бир эшагим бор ҳанги,
Тўқимлари янги,
Ут емайди, сув ичмайди.
1543. Топ-топ, топ-топ отим,
Туёқлари ёлпоқ отим,
Одам кўрса кишнамас,
Ердан бир чўп тишламас.
1544. Арвагайда, арвагай,
Ҳаргиз ерда юрмагай.
1545. Жонли минар жонсизга,
Жонсиз кетар йўлсизга.
1546. Изласанг изи йўқ,
Сўйсанг қони йўқ.

(Кема-қайиқ)

1547. Ширп этди,
Шивиргон кетди.
1548. Шип этди,
Ширдонга тушди.
1549. Шип этди, ширдонга кетди,
Овози Каттақургонга этди.
1550. Тақ этди,
Тоққа кетди.
1551. Болта урдим,
Бадахшон кетди.
- а. Болта урдим,
Бештош кетди.
- б. Болта урдим кундага,
Товуши кетди зиндага.
1552. Оқ кучугим анг кетди.
Товуши Қўқонга этди.
1553. Зинг этиб, зинграб кетди.
- а. Зинг этди, зинграб кетди,
Оқ қуврайни чалиб кетди.
- б. Зинг этди кўрдингми,
Зимрон этди, кўрдингми,
Оққурайнинг бошини,
Чалиб ўтди кўрдингми?
1554. Зув этди, билдингми,
Зувуллаб кетди, билдингми?
Қўланкаси кумушдан,
Кулиб кетди, билдингми?!
- а. Гум этди, билдингми,
Гумиллаб ўтди, билдингми?
Оғзи-бурни кумушдан
Кулиб ўтди, билдингми?
1555. Умрдон-а, умрдон,
Еққан ўти кўмирдан,

Жар бошида бир қуш бор,
Туққан маяги темирдан.

1556. Бир увадан¹ тўрт қанотли қуш учар,
Тумшуғи пўлатдан, тошни тешар,
Сўрасалар, жони борми, жони йўқ,
Жони йўғу, жони бордан тез учар.
1557. Не нарсадирким уч қанот билан учар,
Тумшуғи пўлатдан, тошни тешар,
Сўрасалар, жони борми, жони йўқ,
Жонсиз, жонликдан тез учар.
1558. Бир ушугим бор паранги,
Осмонга чиқар чанги,
Ҳеч ким топмаса, банги.
1559. Тумшуғин пўлатдан бичган,
Ерни ёриб сув ичар.
1560. Қора туям қақирлади,
Суяклари шақирлади.
1561. Оғизгинаси ўймоқдай,
Бақиргани тойлоқдай.
1562. Букри,
Тубанга қараб тукири.
- 1563-1564. Тақачар-а тақачар,
Оёқ тираб сув ичар.
1565. Чорбоқ чангиллади,
Эшак қангиллади.

(Милтиқ, ўқи)

1566. Қора биям қалт этди,
Қобиргаси ялт этди.

а. Илон ўз уясига тўғри.

(Қилич)

¹ Уя.

КУП ПРЕДМЕТЛИ ВА ҲАР ТУРЛИ ТОПИШМОҚЛАР

1567. Дунёда тўртта нарса йўқ,
(Осмоннинг устун,
Ҳовузнинг қопқоғи,
Кўрпанинг енги,
Ошпичоқнинг қини йўқ.)

Дунёда тўрт нарса йўқ.
(Кўрпанинг енги,
Чумчуқнинг сути,
Ҳовузнинг қопқоғи,
Тошнинг томири йўқ.)

1568. Дунёда беш нарса йўқ.
(Кўрпанинг енги,
Ҳовузнинг қопқоғи,
Осмоннинг устун,
Кўлнинг кўприги
Ошпичоқнинг қини йўқ.)

1569. Олти нарсада олти нарса йўқ.
(Тўрғайда сут,
Тошда томир,
Кўлда кўприк
Осмонда устун,
Ошпичоқда қин,
Кўрпада енг йўқ.)

1570. Ерда етти йўқотдим, тои-чи?!
(Ҳовузнинг қопқоғи,

Итнинг ичиги
Отнинг ётоғи,
Осмоннинг устунни
Қушнинг уйқуси,
Пишакнинг тинчиси¹ йўқ).

1571. Тоғда талаймонни кўрдим,
Сувда сулаймонни кўрдим,
Юмалаб ётган тошни кўрдим,
Тузсиз пишган ошни кўрдим.

*(Бўри, балиқ,
тошбақа, сумалак)*

1572. Сувда сулаймонни кўрдим,
Тоғда талаймонни кўрдим,
Ковшаб ётган тошни кўрдим,
Тузсиз пишган ошни кўрдим.

*(Балиқ, бўри,
тегирмон тоши, сумалак)*

1573. Сувда сулаймонни кўрдим,
Кўчада гадоймонни кўрдим,
Қайнаб турган ошни кўрдим,
Думалаб турган тошни кўрдим.

*(Балиқ, товуқ,
сумалак, ичидаги тоши)*

1574. Тоғда кеккайган,
Чўлда чўчаймон,
Сувда сулаймон.

*(Айиқ,
бўри, балиқ)*

1575. Тоғда талаймон,
Сувда сулаймон,
Тонг отарда жилаймон.

*(Бўри, балиқ,
хўроз)*

¹ Тинчлиги.

1576. Тоғда турар,
Боғда бўлар,
Сувда сузар,
Кулда кулар.

*(Каклик, булбул,
балиқ, бодроқ)*

1577. Боғда талаймонни кўрдим,
Сувда сулаймонни кўрдим,
Йўлда Хўжа кални кўрдим,
Қишлоқда гадойни кўрдим,
Тузсиз пишган ошни кўрдим,
Қайнаб битган тошни кўрдим.

*(Каклик, балиқ,
илон, мушук,
сумалак, ёнғоқ)*

1578. Тоғни талайди,
Элни элайди.
Жарни ялайди,
Сувни сувлайди,
Қумни қумлайди.

*(Жала, шамол,
калтакесак,
илон,
куллагич)*

1579. Косов,
Косовники бешов,
Бешовники тўртов,
Тўртовники учов,
Учовники икков,
Икковники биров.

*(Қўл, беш панжа,
қозоннинг тўрт қулоғи,
ўчоқ тош, тутқич,
дастрўмол)*

1580. Икки бошли, тўрт оёқли,
Икки оёқли, тўрт қулоқли,

Тўрт қулоқли, орқасида
бир думи бор.

(От,
отга минган одам)

1581. Қийимлардан енгсиз,
Мевалардан гулсиз,
Таомлардан тузсиз,
Ҳайвонлардан тилсиз.

(Кафан, анжир,
ҳалвойтар, балиқ)

1582. Сонсиз хотин ўн ойда туғади,
Сабала хотин беш ойда туғади,
Чимири хотин уч ойда туғади.

(Йилқи, ит, қуён)

1583. Бир ярим қуён,
Уч тулки,
Тўққиз сигир,
Беш эчки,
Ўн икки туя,
Ўн йилқи.

(Қуён бир ярим ойда,
Тулки уч ойда,
Сигир тўққиз ойда,
Эчки беш ойда,
Туя ўн икки ойда,
Йилқи ўн ойда туғади.)

1584-1585. Қаттиқдан-қаттиқ,
Тошдан ҳам қаттиқ,
Шириндан-ширин,
Шакардан ҳам ширин,
Аччиқдан-аччиқ,
Заҳардан ҳам аччиқ.

(От тугғи,
уйланиш, ўлим)

1586. Бир мадбаҳда йигирма таббах кўрдим,
ҳар таббахнинг атрофида неча юз
бадбахт кўрдим.

(Ошхона, ошпаз, паишшалар)

1587. Бир, икки, уч, тўрт,
беш, олти, етти, саккиз,
тўққиз, ўн?

(Бирим — билагим,
Икким — элагим,
Учим — учагим,
Тўртим — тўшагим,
Бешим — бешигим,
Олтим — ошиғим,
Еттим — етовим,
Саккизим — саркам,
Тўққизим — тўқлим,
Ўним — ўймоғим.)

а. Бир, икки, уч, тўрт,
беш, олти, жети, саккиз,
тўққиз, ўн?
Ўн бир қора бир жумбоқ?

(Бир деганинг — биладир,
Икки деганинг — эладир,
Уч деганинг — учқурдир,
Тўрт деганинг — тўшакдир,
Беш деганинг — бешиқдир,
Олти деганинг — ошиқдир,
Жети деганинг — желадир,
Саккиз деганинг — саркадир,
Тўққиз деганинг — тўқлидир,
Ўн деганинг — ўймоқдир.
Ўн бир қора бир жумбоқдир.)

1588. Қамиш боши шилдирайди,
Уни топинг, дилбарим!

• Бақа кўзи милтиллайди,
Уни топинг, дилбарим!

Апалоғу шапалоқ,
Уни топинг, дилбарим!

Ичидаги жиззаси,
Уни топинг, дилбарим

Тагидаги оташи,
Уни топинг, дилбарим

(Қамиш боши шилдирайди,
Шамол деган эмасми?)

Бақа кўзи милтиллайди,
Чироқ деган эмасми?

Ичидаги жиззаси,
Мош дегани эмасми?

Тагидаги оташи,
Олов деган эмасми?)

1589-1590. Узун-узун арғамчи,
Буни топинг, дилбарим!
Ундан узун арғамчи,
Буни топинг, дилбарим!
Опирмоғу сопирмоқ,
Буни топинг, дилбарим!
Игна учи ялтироқ,
Буни топинг, дилбарим!

(Узун-узун арғамчи,
Иўл дегани эмасми?)

Ундан узун арғамчи,
Дарё дегани эмасми?

Опирмоғу сопирмоқ,
Ун дегани эмасми?

Игна учи ялтироқ,
Чироқ дегани эмасми?)

1591. У нимадир, ҳаводаги дўланган?
(Булут бўлар ҳаводаги дўланган)

1592. У нимадир, ер юзини сув олган?
(Емғир бўлар ер юзини сув олган.)

1593. У нимадир, орқасида, оғзи бор?
(Тегирмондир, орқасида оғзи бор)
1594. У нимадир, ўртасида мағзи бор?
(Бугдой бўлар ўртасида мағзи бор.)
1595. У нимадир, сув ичида жони бор?
(Балиқ бўлар сув ичида жони бор.)
1596. У нимадир, ўзи бору кўзи йўқ,
У нимадир, йўлда кетар, изи йўқ,
У нимадир, дарвозасиз қоладир,
У нимадир, экмасдан ҳам боғ бўлар,
У нимадир, кўринмайин доғ бўлар,
У нимадир, хирмон қилсанг тоғ бўлар,
У нимадир, оғзи-бурнинг ёғ бўлар,
У нимадир, юрак бағринг доғ бўлар?
(Семурғ бўлар, ўзи бору кўзи йўқ,
Шамол бўлар, йўлда кетар изи йўқ,
Оғиз бўлар дарвозасиз қоладур,
Соқол бўлар экмасдан ҳам боғ бўлур,
Юрак бўлар кўринмасдан доғ бўлур,
Пахта бўлар, хирмон қилсанг, тоғ бўлур,
Сигир бўлар, оғзи-бурнинг ёғ бўлур,
Ўлим бўлар, юрак бағринг доғ қилур.)
1597. Чироқ туби йилтироқ,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.
Қамиш боши қалтироқ,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.
Сув ичида бирқиллоқ,
Унинг ҳам оти боғлон қиз,
Қора ёғоч путоқсиз,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.
Бовлон қўзи суяксиз,
Унинг ҳам оти боғлон қиз.

(Яшин, найза, қурбақа,
— соч, она сийнаси)

1598. Узоқ ердан чанг чиқади,
У нимади, калгинам?
Тақрон ерда този ўйнар,

У нимади, калгинам?
Овлоқ сойда ит ҳуради,
У нимади, калгинам?

(Кўпқари, қовурмоч,
қурбақа)

1599. Тақрон ерда този ўйнар,
У нимади, боғлон тос?
Кўкалам ерда кўзи ўйнар,
У нимади, боғлон тос?
Катта йўлда ўт жўнар,
У нимади, боғлон тос?

(Қовурмоч,
тулки, туя)

1600. Қерагада керкилдак,
Ул нимади, боғлонтўз?
Бўсагада бўрқиллақ,
Ул нимади, боғлонтўз?
Чанпароқда чарқиллоқ,
Ул нимади, боғлонтўз?

а. Бўсагада маймунлайди,
Қерагада керкиллайди,
Чанғароқда чирқиллайди.

(Элак, ит, чумчуқ)

1601.

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг Соҳибжамол деган бир қизи бор экан. Унинг бир шеърый топишмоғи бор бўлиб, кимки топишмоғимнинг мазмунини айтиб берса ўшанга тегаман. Кимки тополмаса, жаллодга калласини олдираман, дер экан. Ҳар томондан шаҳзодалар, бекзодалар, бойваччалар келиб унинг топишмоғини тополмай каллаларидан жудо бўлаверибдилар.

Уша мамлакатнинг кунчиқар томонидан бир хароба кулбада битта кал қари онаси билан яшар экан. У бу хабарни эшитиб:

— Уша қизнинг топишмоғига мен жавоб бераман,— дсбди.

Онаси кўрқиб, кални юборишга унамабди.— Қанчадан-қанча шаҳзодалар, бекваччалар ва бойваччалар тополмаганини сен топармидинг,— деб қарғаб берибди. Кал охири онасини унатибди. Онаси ўғлига кўмоч қилиб берибди. Шундан кейин кал подшонинг саройи томон борибди. Кал подшонинг тахти тагига бориб уч кун ётибди. Шунда маликанинг канизакларидан бири кални кўриб қолиб, сўрабди:

— Сен бу ерда нега ётибсан? Сенга бу ердан бошқа ётадиган жой йўқми?

Шунда кал:

— Мен маликанинг топишмоғини топгани келдим,— депди.

Канизак маликага калнинг гапини айтибди.

Малика: «Олиб келинглар!»— дебди. Кални унинг хузурига олиб кирибдилар. Малика унга топишмоқни айтибди:

Узоқ ерда ўт кўюр-о,
Ани топинг, Ахлантоз.
Сассиқ сойда ит ҳурур-о,
Ани топинг, Ахлантоз.
Чорбоғимда жуфт чинор-о,
Ани топинг, Ахлантоз.
Эшигимда қўш мунгуз-о,
Ани топинг, Ахлантоз.
Қора толим бутоқсиз-о,
Ани топинг, Ахлантоз.
Оққина кўзим суяксиз-о,
Ани топинг, Ахлантоз!?

Шунда кал маликанинг шеърини топишмоғига шу жавобни айтибди:

Узоқ ерда кўюр-о,
Бўри кўзи, ойимқиз.
Сассиқ сойда ит ҳурур-о,
Қурбақалар, ойимқиз.
Чорбоғингда жуфт чинор-о,
Ота-онанг, ойимқиз.
Эшигингда қўш мунгуз-о,
Ини-оғанг, ойимқиз,
Қора толинг бутоқсиз-о,

Қора сочинг, ойимқиз.
Оққина қўзинг суяксиз-о,
Қўш аноринг, ойимқиз.—

деб жавоб берибди кал.

Шунда малика, шу кал топишмоғимнинг жавобини топди, деб канизакларга айтибди. Канизаклар дарров чопарларга хабар қилибди. Чопарлар тезда подшога хабар қилибдилар. Подшо чопарларга суюнчи берибди. Подшо қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй қилиб, маликани калга берибди ва кални ўзига ўнг қўл вазир қилиб олибди. Қал малика билан муроду мақсадига етибди.

1602. *Қиз чечасига айтиб тургани:*

Оч газадан чанг чиқди,
У нимадир, чечажон?

Жўра отли бир чиқди,
У нимадир, чечажон?

Елғиз отли бир чиқди,
У нимадир, чечажон?

Адир ўти чангиди,
У нимадир, чечажон?

Тўрт оёғи боврига,¹
У нимадир, чечажон?

Оғзи бор-да, қувшамас,
У нимадир, чечажон?

Орқаси бор, англамас,
У нимадир, чечажон?

Ер устига қор ёғди,
У нимадир, чечажон?

Қор устига қон томди,
У нимадир, чечажон?

¹ Бағрида.

Бек эшиги урувли,
У нимадир, чечажон?

Туркман эшик бурувли,
У нимадир, чечажон?

Қора ёғоч бутоқсиз,
У нимадир, чечажон?

Боғлон қўзи суяксиз,
У нимадир, чечажон?

Оқ биқиним қичийди,
У нимадир, чечажон?

Чечасининг қизга жавоби:

Оч газадан чанг чиқса,
Совчи келар, она қиз.

Жўра отли бир чиқса,
Қуда келар, она қиз.

Елғиз отли бир чиқса,
Куёв келар, она қиз.

Адир ўти чангиса,
Қўй келади, она қиз.

Тўрт оёғи бовриға,
Туя келар, она қиз.

Оғзи бор-да, кувшамас,
От келади, она қиз.

Орқаси бор, англамас,
Сигир келар, она қиз.

Ер устига қор ёғса,
Ун тўкилар, она қиз.

Қор устига қон томса,
Қўй сўйилар, она қиз.

Бек эшиги урувли,
Тўй келади, она қиз.

Туркман эшик бурувли,
Чимилдигинг, она қиз.

Қора ёғоч бутоқсиз,
Қора сочинг, она қиз.

Боғлон қўзи суюксиз,
Эмчагингиз, она қиз,

Оқ биқининг қичиса,
Куёв қучар, она қиз...

1603. Жонимнинг жононаси,
Юрагимнинг садпораси,
Шу кишининг онаси,
Менинг энамнинг қайнонаси.

(Қайнона)

1604. Ола лайлак, була лайлак,
Қаноти беқора лайлак.
Чикқади гумбаз устига,
Уради беқақа лайлак.

(Домланинг азон айтиши)

1605.

Бир тўда ғоз учиб борар экан. Бир ғоз келиб: «Эй юз ғоз, саломат бормисиз», дебди. Унда улардан бири айтибди: «Биз юз ғоз эмасмиз, яна биз миқдори ғоз бўлса, ва яна бизнинг ярмимиз миқдори ва ярмимизнинг ярми бўлса, у вақтда сен қўшилсанг юз ғоз бўламиз», дебди. Ҳаводаги ғозлар қанча экан?

$(36 + 36 + 18 + 9 + 1 = 100)$

1606.

Бир бой ўз хизматкорини ўйнашиникига юборибди. Хизматкор борса хотиннинг эри йўқ, ёлғиз ўтирган экан. Хизматкор бойнинг тайинлаган гапини айтади. Хотин:— Эрим келмаса бораман,— дейди. Хизматкор уйга келгач, бойнинг бир қанча дўстлари билан ўтирганини кўриб, бундай дейди:

Борсам йўқ экан,
Чақирсам чиқди.

Келган экан, келмади,
Келмаганда келар эди.

- а. Боровдим, йўқ экан,
Айтувдим, келмади.
Келди шекилли, келмади.
Келмаса эди, келар эди.

(Хотиннинг эри)

1607.

Бир банги такая ушлаб турган эди. Бир одам келиб
чилиим сўради. У айтди:

Наша мени банд этди,
Мен нашани панд этдим.

Тўрт ойга йигирма тўрт юлдузни банд этдим.

Шуни топсанг, мана шу такая сеники. Мен чиқиб кета
бераман,— деди.

Ҳалиги одам:

— Нашани мен мотда кўрдим,
Нашавандни зулматда кўрдим,
Тўрт ою йигирма тўрт юлдузингни
Ҳиротда бир отда кўрдим,— деди.

(От тақаси, 24 михи)

1608.

Бир савдогар туяси билан шомда чиқиб, Шомга етол-
май туяси ўлади. Туясининг ўлмоғининг сабаби, ёғи кўп
бўлиб, ўзининг ориқ бўлгани эди.

(Биринчи шом — намозшом,
Иккинчи шом — Шом шаҳридир.

Ёғининг кўплиги — устига кўп ёғ ортилган. Туя ориқ
бўлуви сабабли ёғни кўтариб Шомга ета олмай йўлда
ўлди.)

1609.

Султонхон деган подшо умрининг охирида Ҳуройим
деган қизга уйланмоқчи бўлади. Султонхон Ҳуройимга
совчи юборибди.

Ҳуройим қалинимга:

Ўнта улоқ,

186

Йигирмата бўри,
Ўттизта йўлбарс,
Қирқта тулки,
Элликта нўхта,
Олтмишта ахта,
Етмишта сарғалдоқ,
Саксонта чақалоқ,
Тўқсонта тумалоқ,
Юзта жумалоқ берсин

ва шу сўзимнинг маъносини айриб берсин,— дебди.

Подшо фикр қилиб, Ҳуройимнинг ақлли эканлигини айтади. Бу топишмоқнинг маъноси кишининг ҳаётига боғлиқлигини айтади. Киши:

Ўнда улоқдай бўлади,
Йигирмада бўридай бўлади,
Ўттизда йўлбарсдай бўлади,
Қирқта тулкидай бўлади,
Элликта нўхталанган отдай ақли роса бўлади.
Олтмишда ахталанган отдай қайтиб қолади.
Етмишда сарғалдоқдай тилда бору дилда ҳеч нарса бўлмайди.
Саксонда гўдак боладай бўлиб қолади.
Тўқсонда уйдан чиқмай думалоқ бўлади.
Юзда бергилигидан наргилиги ўнғайлироқ бўлиб қо-

лади.

Султонхон Ҳуройимнинг сўроғига жавоб бергандан кейин, Ҳуройим унга турмушга чиқиб, Рустамхон деган бир ўғил туғади.

а. Бир подшо гўзал бир қизга хуштор бўлиб:

— Ҳай қиз, сени ҳарамимга олиб бориб ўз никоҳимга олсам, розимсан?— деб қиздан сўрабди. Шунда ул гўзал қиз:— Розиман; лекин қалин шартларим бор, ана шу қалин шартларимни келтира олсангиз,— дебди. Подшо қалин шартларининг нима эканлигини сўраса, гўзал қиз:— Йигирма така, ўттиз буқа, қирқ қўчқор, эллик белбоғ, олтмиш ахта, етмиш тахта келтирсангиз,— дебди.

Подшо ўрдасига қайтиб келиб, бу тўғрида вазиридан маслаҳат сўрабди. Шунда вазири подшога:— Бўлмаса, қиз сизни ўлдирибди, ул сизга тегмайман дегани,—дебди. Унинг қалин шартларининг маъниси: Одам йигирмада

такадай тез бўлади, ўттизда буқадай бўлади, қирқда қўчқордай бўлади, элликда белбоғ бўққан одам, ўзини суяштириб юради. Олтмишида ахта бўлади, етмишида тахтадай қотади. Сиз ҳозир олтмишга кирибсиз, ҳаддингизга қаранг! Шуйтиб қиз сизни гап билан урибди,— дебди.

Шундай қилиб, ҳар ким ҳам ўз ҳаддини билиши керак экан. «Тенг-тенги билан, тезак қоғи билан», дегандай.

1610.

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадимги замонда бир мақтанчоқ подшо бор экан. Бу подшо, «Юртда мендан бошқа ақлли одам йўқ», деб юрар экан.

Бир куң подшо овга чиқибди. Тушгача ов қилибди, ҳеч ови юришмабди. Кейин бир болани учратибди. Подшо болага қараб:

— Ҳой бола, бизни меҳмон қилмайсанми?— дебди.

Бола:

— Жоним билан, ёшулли,— дебди.

Шунда подшо:

— Бизларни нима сўйиб меҳмон қиласан?— деб сўрабди. Бола:

— Топсак бирни, топмасак иккинни сўямиз,— деб жавоб берибди. Подшо боланинг жавобидан ҳайрон қолибди. Кейин вазирларига:

— Бу боланинг гапида бир хосият бор, буни бир синая кўрамиз,— дебди.

Подшо одамлари билан боланинг уйига борибди. Бола подшони, унинг одамларини яхшилаб меҳмон қилибди. Подшо боладан:


— Бола, сен нечта қўй сўйдинг?— деб сўрабди. Шунда бола:

— Бирни топмадик, шунинг учун иккинни сўйдик,— деб жавоб қайтарибди. Подшо яна таажжубланиб:

— Бирни топмасанг, иккинни қаердан топиб сўясан?— дебди.

— Бизнинг бир бўғоз совлиғимиз бор эди. Бошқа бир қўй тополмай, шу бўғоз қўйни сўйдик. Ўзини сўйгандан кейин, боласи ҳам ўлди. Ана, иккисини сўйдик, деганининг маънисини шу,— дебди ҳалиги бола. Подшо буни эшитиб, боланинг ақлига ҳайрон қолибди. Кейин уни ўз саройига олиб кетибди. Бу бола ўқиб доно бўлибди, кейин подшо уни ўзига бош вазир қилиб олибди.

ЯНГИ ТОПИШМОҚЛАР





БИЗНИНГ ВАТАН

1611. Тўрт ҳарф,
Дунёга таъриф.

(СССР)

1612. Олтин бошоққа лента —
Ун беш номда ўралган.
Уроқ, болға ва ёрга
Қуёш нури таралган.

(Герб)

1613. Икки етти, бир-ўн беш,
Битта юлдуз, бир байроқ.

($7 \times 2 + 1 = 15$ республика)

1614. Ноябрь боши, халқ қуёши,
Ҳаммага маълум унинг ёши.

(Октябрь)

1615. Тинчлик офтоби,
Ернинг ўртоғи.

1616. Ўзи билан маҳсули,
Яратган инсон қўли.
Доим учар қуш эмас,
Бу ҳақиқат, туш эмас.

1617. Ақлли темир олам кезар.

1618. Оламга донг таратган,
Инсон қўли яратган.
Чарчамай кўкда кезар,
Ҳар ким товушин сезар.
Кўксида «Тинчлик» сўзи,
Советларнинг юлдузи,
Фанимизнинг қуёши.

(Ер сунъий йўлдоши)

1619. Темирдан қанот, ўтли от,
Булутдан ўтар, юлдузга етар.
Шухрати катта, керак албатта.

1620. Билагон синглим, Қундуз,
Оламда қайси юлдуз —
Ҳам кечаю, ҳам кундуз
Тиним билмай учади,
Сигнал бериб учади,
Кенг осмонни қучади,
Бу қанақа шўх юлдуз?
Жавоб бер, синглим Қундуз!

1621. Шохи бор, ҳўкиз эмас,
Эгарй бор, от эмас,
Хоҳлаган манзилингга
Етказади, минсанг бас.

1622. Човкар отим ғув этди,
Фазони ёриб кетди.

1623. Пўлат қушим учди-кетди,
Бир зум ўтмай ойга етди.

1624. Чин қушим, чинди қушим,
Осмон томга қўнди қушим.
Осмон томда оймомани —
Туя қилқб минди қушим.

(Ракета)

1625. Ой устидан ўтган тоғам,
Олтин медаль таққан тоғам.

(Юрий Гагарин)

1626. Кун устидан ўтган тоғам,
Кумуш медаль таққан тоғам.

(Герман Титов)

ЭЛЕКТРОТЕХНИКАГА ОИД ТОПИШМОҚЛАР

1627. Қирда қилич ярқирар,
Кокиллари шарқирар.
1628. Сув ичида шағиллаб,
Сўнг ишлайди вағиллаб.
Симлардан нур таратар,
Ҳар хонани ёритар.

(ГЭС)

1629. Кўринмасдан оқади,
Чироқларни ёқади.
1630. Шамолдай учқур,
Йўқ, оёғи ва қўли.
Кўзга кўринмас,
Чарогон юрган йўли.
1631. Ўзи ип-ку, лекин тишлайди.
1632. Уй оралаб юриб кетади,
Шиша орасига киради.
Кўз юмиб очгунча,
Элга ёруғ беради.
1633. Ари каби визиллаб,
Сим устидан учади.
Кўчалардан, боғлардан,

Ховлилардан, уйлардан,
Тунни тинмай қувади.

1634. Симдан оқиб келади,
Шамол каби елади.
Олам-олам кучи бор,
Уй ишига у тайёр...

1635. Сув эмас, симда оқар,
Ўт эмас, чироқ ёқар.

1636. Симдан оқар ариги,
Бизга ёқар ёруғи.

1637. Керак ҳар бир хонадонга,
Иссиқлиги ҳузур жонга,
Телевизор, холодильник,
У бор бўлса «жонли» тирик.

(Электр токи)

1638. Ўзи қатор жойланган,
Бир-бирига бойланган.
Бир-бирини кузатар,
Беҳисоб нур узатар.

1639. Ўзи турар ўрнида,
Қўли кетган ҳар ёққа.

*(Электр столбаси,
ток)*

1640. Тунни қилар кундуздай,
Нур сочади юлдуздай.

1641. Кечаси офтобдек,
Кундузи коптокдек.

1642. Сим ёғочда юлдузим,
Кечки тунда кундузим.

1643. Ёғи йўқ, ёруғи бор,
Иси йўқ, иссиғи бор.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКАГА ОИД ТОПИШМОҚЛАР

1627. Қирда қилич ярқирар,
Кокидлари шарқирар.
1628. Сув ичида шағиллаб,
Сўнг ишлайди вағиллаб.
Симлардан нур таратар,
Ҳар хонани ёритар.

(ГЭС)

1629. Кўринмасдан оқади,
Чироқларни ёқади.
1630. Шамолдай учқур,
Йўқ, оёғи ва қўли.
Кўзга кўринмас,
Чарогон юрган йўли.
1631. Узи ип-ку, лекин тишлайди.
1632. Уй оралаб юриб кетади,
Шиша орасига киради.
Кўз юмиб очгунча,
Элга ёруғ беради.
1633. Ари каби визиллаб,
Сим устидан учади.
Кўчалардан, боғлардан,

Ховлилардан, уйлардан,
Тунни тинмай қувади.

1634. Симдан оқиб келади,
Шамол қаби елади.
Олам-олам кучи бор,
Уй ишига у тайёр...

1635. Сув эмас, симда оқар,
Ўт эмас, чироқ ёқар.

1636. Симдан оқар ариғи,
Бизга ёқар ёруғи.

1637. Керак ҳар бир хонадонга,
Иссиқлиги ҳузур жонга,
Телевизор, холодильник,
У бор бўлса «жонли» тирик.

(Электр токи)

1638. Ўзи қатор жойланган,
Бир-бирига бойланган.
Бир-бирини кузатар,
Беҳисоб нур узатар.

1639. Ўзи турар ўрнида,
Қўли кетган ҳар ёққа.

*(Электр столбаси,
ток)*

1640. Тунни қилар кундуздай,
Нур сочади юлдуздай.

1641. Кечаси офтобдек,
Кундузи коптокдек.

1642. Сим ёғочда юлдузим,
Кечки тунда кундузим.

1643. Ёғи йўқ, ёруғи бор,
Иси йўқ, иссиғи бор.

1644. Кичик шиша ичида
Уч-тўрт тола соч кўринар,
Уша шиша ичида,
Элликтача сим ёнар.
1645. Уйга осдик битта нок,
Ёп-ёруғ бўлди ҳар ёқ.
1646. Шакли ўхшайди нокка,
Нур сочади ҳар ёққа.
Керакмас унга гугурт,
У билан равшандир юрт.
1647. Шифтдан бизга қараб турар,
Нурларини тараб турар.
1648. Жуда тиниқ бир шиша,
Ёруғ берар ҳамиша.
Лекин у чироқ эмас,
Пилик ҳамда ёғ демас.
Ҳаво кирмас ичига.
Ҳамма қойил ишига.
1649. Уйимизга ин қўйган,
Тилла қуши, тилла қуш.
Кеч кирганда яшнасанг,
Одамларнинг кўнгли хуш.
- (Лампочка)
1650. Тагида таглик,
Бошида қалпоқ.
Қалпоқ тагидан
Мўралаб чиқар.
- (Стол
лампаси)
1651. Бўйи-бастим ярим шар,
Ичимда сув тез қайнар.
Буғ учиб худди оқ қуш
Ҳуштак чаламан «пўш-пуш».

Мен бақирлаб қайнадим.
Чойни тезроқ дамланг.

(Электр чойнак)

1652. Учоғи бор, мўриси йўқ,
Чўғи бору куюси йўқ.

(Электр плитка)

1653. Ортиб, аччиқ қизил мева,
Оқ денгизда сузар кема.

1654. Қиздирсанг ишлар,
Кийим текислар.

1655. Ҳунари кўп ишласа,
Агар токни тишласа,
Текисланар ҳар ғижим,
Чизиқли бўлади шим.

(Дазмол)

1656. Чиқсанг ойдек ярқираб,
Жон роҳати ҳаммомдан.
Пок баданда пок кийим —
Тайёрловчи полвопман.
Кийимларга ҳаммомман.

(Қир ювиш машинаси)

1657. Машинам бор, мўъжизакор,
Фақат юрмас, турар уйда.
Фойдаси кўп, озиқ-овқат
Бузилмасдан турар унда.

1658. Кўл эмас, дарё эмас,
Ичида музлайди сув.
Жазирама ёзда ҳам,
Иссиқ ўтказмайди у.
Усти боши темирдан,
Шунда ҳам жойи тўрдан.

1659. Ташқари ёз, дим-олов,
Уйчамизда муз, қиров.

1660. Бир ажойиб ишхона,
Ичи доим қишхона.

(Холодильник)

1661. Тўрт томонда қулоғи,
Ғир-ғир келар шамоли.

(Вентилятор)

**РАДИОТЕХНИКА ВА АЛОҚАГА ОИД
ТОПИШМОҚЛАР**

1662. Тўлқини зўр, денгиз эмас,
Томири кўп, дарахт эмас.

1663. Тинмас битта,
Тинглар мингта.

1664. Бир бурчакда сўйлайди,
Уни ҳамма тинглайди.

1665. Бир бурчакда сўйлайди,
Ҳам чалади, куйлайди.
Ҳамма унинг сўзлаган
Хабарини тинглайди.

1666. Узи кичкина уйча,
Иўқдир бирор дарича:
Билмаганинг билдирар,
Физкультура қилдирар,
Қувноқ қўшиқ куйлайди,
Сенга эртақ сўзлайди.

1667. Томирлари жуда кўп,
Лекин қондан дарак йўқ,
Юрагига тегса қўл,
Товуш чиқарар тўқ-тўқ.
Гоҳо ашула айтар,
Гоҳо сўзлашга қайтар.
Баъзи вақт турар жим,
Уйлаб топинг-чи, бу ким?

1668. Оёғи йўқ, аммо у,
Узоқларга кетади.
Гап айтиб юборсангиз,
Қимга десанг, элтади.
Учар деб ўйласангиз,
Учишга йўқ қаноти.
Қани ўйлаб кўринг-чи,
Нимадир унинг оти?
1669. Уй тўрида туради,
Сеҳрли бир қутичам.
Дунёдаги хабарни
Етказар менга илдам.
Куйлайди ҳам сўйлайди,
Кўнглим доим хушлайди.
1670. Узи оддий бир карнай,
Тили йўқ, сўзлар, ҳай-ҳай.
Дунёнинг тўрт бурчидан
Хабар беради тинмай.
1671. Овозаси булбул,
Очади кўнгил.
Сенга ҳам нафас,
Фикрингга запас.
Қўшади ҳисса,
Миллионлаб қисса.
1672. Қўйлаги йўқ, тарки бор,
Дарахт эмас, барги бор,
Одам эмас, гапи бор.
1673. Киши диққатин тортиб,
Уй тўрида туради.
Қулоғини бурасанг,
Дарров тилга киради.
1674. Сира овқат емайди,
Сув ичаман демайди.
Гапиради, кулади,
Қўшиқ куйлай билади.
1675. Оғзи йўқ, сўйлайди,
Ашулалар куйлайди.

Кўришга у чиройли,
Турли тилда сўйлайди.

1676. Қутига чироқча сөлдим,
Оламдан кўп хабар олдим.

(Радио)

1677. Қенг, ёп-ёруғ бинода
Ўтиргандек кинода —
Қўрамиз концерт, ўйин,
Тинглаймиз баҳор куйин.
Қўшиқ айтар, турмас жим,
Тезроқ ўйлаб топинг, ким?!

1678. Ишламай ётса қоп-қора у,
Ишга тушса нақ лола у,

1679. Радио десам, радио эмас,
Кино десам, кино эмас.
Эшитасан сўзини,
Ҳам кўрасан ўзини.

1680. Қатта қути кўзи бор,
Кўп томоша, сўзи бор.

1681. Уйимизга бир нарса
Олиб келганмиз.
Ойнасига тикилиб,
Концерт кўрганмиз.
Қани сен айтиб кўр!

1682. Йўл-йўл парда очилди,
Хонага нур сочилди.
Уйга бўлишди меҳмон,
Лофсиз, бермас минг бир жон.

(Телевизор)

1683. Неки айтсанг, ёзади
Қоғоз — қаламсиз чаққон.
Хоҳласангиз, сўзларингни
Такрорлаб берар шу он.

1684. Жонсиз, тинглайди,
Қўлсиз, ёзади, -
Тилсиз, сўзлайди.

(Магнитофон)

1685. Оқ пардага тушса нур,
Боғлар, тоғлар кўринур.
Гоҳида ўйин-кулги,
Гоҳида уруш — ур-сур.
Бу недир топинг-чи сиз,
Унда ҳаёт акс этур.

1686. Катта қоронғи хонада,
Одам ўтирар ҳар ёнда,
Шаҳар, дала, кўркама ҳаёт
Кўринар бари рўпарада.

1687. Китоб эмас, ўқилади,
Расм эмас, кўрилади,
Янгиликлар берар катта,
Кўп кўргансан албатта.

(Кинофильм)

1688. Не гапирсанг етказар,
Сўзинг симдан ўтказар.
Қувончли гулдастангин,
Шу он дўстга тутқазар.

1689. Бир чеккага жойлайди,
Юмшоққина сўйлайди,
Қулоқ қоқиб тинглайди,
Оёқ-қўли бўлмайди.

1690. Бир сими бор хўп узун,
Кетган жуда узоққа.
Эшитасан сўзини,
Тутиб кўрсанг қулоққа.

1691-1692. Ажаб икки қулоғи бор:
Бири тинглаб, бири сўзлар.

1693. Қутиси бор, ипи бор, -
Узи турар жимгина,
Қулоғи бор биргина,
Бураб қўйсанг жаранглар,
Сенинг билан сўзлашар,

(Телефон)

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИГА ОИД ТОПИШМОҚЛАР

1694. Тир-тир этиб, плуг билан ер қазир,
Тўқлик учун курашмоққа у ҳозир.

1695. Тир-тир этар,
Юриб кетар,
Ер бағрини
Тилиб кетар.

1696. Ер ичинда тир-тир этар.

1697. Қўшиқ айтиб тириллар,
Ундан қалтирар ерлар.

1698. Бир туям бор гулдироқ,
Ҳамма ери ялтироқ.

1699. Ўзи филдай,
Товуши зилдай.

1700. Ош емайди беданам,
Нон емайди беданам,
Йўргалайди беданам.

(Трактор)

1701. Жони йўқ, юради
Жиякларни оралаб.
Уйчасини момиққа
Тўлдиради саралаб.

1702. Пахта терар «Пўлатхон» —
Тонна-тонна лофи йўқ.
Хирмондай кенг этаги,
Аммо қанор қопи йўқ.
1703. Кўрдим бир зўр паҳлавон,
Довруғи элга дoston,
Емиши фақат пахта,
Бизга дўст ҳар вақтда,
Тишлари чўтка темир...
1704. Юрар текис эгатдан,
Бармоқлари пўлатдан,
Елкасида қопи бор,
Катта темир саватдан.
1705. Денгизда кема сузар,
Кетма-кет олтин узар.
- 1706 Кўк йўрга отим бор, оёғи учта.
Далаларни кезиб, қўшиқ айтади.
Қўллари тўрттадир, бир айланишда,
Қанча-қанча олтин олиб қайтадир.
- (Пахта териш машинаси)*
1707. Лип-лип қилиб узун нарвондан
Оппоқ, лайлак қор ёгади.
Тоғ ясалса ўша қордан,
Элимиз фаҳрланади.
- (Пахтадан хирмон
уядиган кран машина)*
1708. Ўзи уйга ўхшайди,
Бугдойларни қуршайди.
Донларини қоплашиб,
Сомонини ташлайди.
1709. Бугдойзорда юради,
Ўроқ эмас, ўради.
Болғаси йўғу янчар,
Дон йиғар анча-анча.

Ўзи мисли кема,
Хўш, ўртоқлар у нима?

1710. Ҳради ўроғи йўқ,
Ийғади тирноғи йўқ,
Дони бўлар қоп-қоп,
Янчади тўқмоғи йўқ.

(Қомбайн)

1711. Она каби меҳрибон,
Пати йўқ, бола очар.
Ичмас ҳеч сув, емас нон,
Буни ким ўйлаб топар.

1712. Товуқ десам, пати йўқ,
Оёқ, кўз, қаноти йўқ.
Минг-минглаб очар жўжа,
Буни топинг, Ҳолхўжа.

(Инкубатор)

1713. Ойнаванд катта сарой,
Кўриб жаннатми дейсиз.
Қишда ҳам ёздагидай,
Ҳар хил сабзавот ейсиз.

(Теплица)

1714. Ўзи буқир,
Тини ўткир,
Дехқонга ўртоқ,
Номи-чи...

(Ўроқ)

1715. Кафти бор,
Ҳамма кафтлардан катта.
Ер ўйишга —
Керак бўлар, албатта.

(Курак)

1716. Үзи пұлатдан,
Думи ёғочдан.

1717. Жони йўқ, юради,
Қўли йўқ, ишлайди
Ерни тишлайди.

(Кетмон)

1718. Ердаң қаздик кўзойнак,
Темир жўмракли чойнак.

(Артезиан қудуқ)

1719. Элементли жадвалдан,
Мўъжизалар яратар.
Ҳит топиб хилма-хил,
Оламга ном таратар.

1720. Фаннинг йўлчи юлдузи,
Мўъжизага қон ўзи.
У туфайли билсангиз,
Ортар элнинг ризқ-рўзи.

1721. Ғоз тўши ерда,
Тўкин-сочин элда.
Она-Ер кўпчир ундан,
Рағи қолшмас ундан.

(Минерал йғит)

ТРАНСПОРТ ҲАҚИДА

1722. Қуш эмас, қаноти бор,
Бургутдан зўр ҳайбати бор,
Учса лочин етолмас,
Толмас зўр қаноти бор.
1723. Қушга ўхшар, қуш эмас,
Дарахтларга қўнолмас.
Одам ташир, юк ортар,
Йўлнинг танобин тортар.
1724. Осмонда бир қуш кўрдим,
Шаҳарма-шаҳар кўчар.
Пўлатдан қўш қаноти,
Айтинг-чи, нима оти?
1725. Осмонда бир қуш кўрдим,
Ҳамма қойил қолади,
Кечасига қолса-чи,
Чироқ ёқиб олади.
Кўз очиб юмгунингча
Энг узоқ шаҳарга ҳам,
Бирпастда бориб етар.
Худди қушлар-сингари —
Унинг ҳам қаноти бор.
Аммо қушдан тез учар,
Буни сен топ, Эътибор!
1726. Бир қушим бор, дон емайди,
Чайнаб берсам, нон емайди,

Қаноти бор, тиши йўқ,
Лекин ўзи жуда тўқ.
Ёғ ичади, ёғ сўрайди,
Ёғ бўлмаса, тек туради.
Тутун чиқар нафасидан,
Дарахтларга теголмайди,
Шохларига қўнолмайди.

1727. Бир қушим бор ёғ ичади,
Ёғ бўлмаса тек туради.
Қаноти бор, тили йўқ,
Оёғи бор, тирноғи йўқ.
1728. Пўлат қушим учди-кетди,
Бир зум ўтмай Қўқон етди.
1729. Дунёда бир хил қуш бор,
Худди соябонга ўхшар.
Ҳеч бир чиқармас овоз,
Осмонда қилар парвоз.
1730. Қўп ажойиб зўр қуш бор,
Ухшар катта балиққа,
Унга миниб одамлар
Бориб келар ҳар ёққа.
Лекин сувда сузмас у,
Қани номин топинг-чи?
1731. Ўзи пўлатдан, қўлсиз, оёқсиз,
Қаноти бор, овқат емайди, мой ичади.
1732. Гуриллаши тегирмондай,
Лекин тегирмон эмас.
Учишлари ғажирдай,
Лекин ғажир эмас.
1733. Гур-гур этар,
Учар кетар,
Юртдан-юртга
Одам элтар.
1734. Доим боши айланар,
Қўплар унга жойланар.
Булутларни ёради,
Узоққа тез боради.

1735 Узоқларга учса ҳам,
Галпиниб қанот қоқмас.

1736. От миндим ола қашқа,
Чопдим тоғу тошқа.

(Самолёт)

1737. Турган жойидан учар,
Буйруқ бўлса унга бас,
Мотори бор, пати йўқ,
Қушга сира ўхшамас.
Михлангандай осмонда,
Жилмай турар бир жойда.
Ижодкор халқимизга,
Келтирар катта фойда.
Қани дўстим, буни топ,
Биласанми, ўйлаб боқ.

(Вертолёт)

1738. Йўқдир қўлу оёғи,
На кўзи, на қулоғи,
Аммо унга бир қадам
Ер шари, Ою, Зухра.

(Космик кема)

1739. Филдираксиз, қанотсиз,
Учадиган минора.
У бор, бизга бир қадам,
Осмондаги сайёра...

(Космик ракета)

1740. Филдираксиз паровоз,
Паровозки жуда соз.
Денгизларда сузади,
Балиқлардан ўзади.

(Парохоо)

1741. Пат-пат этар,
Юриб кетар.

Изи тезда
Учиб кетар.

(Пароход —
катер)

1742. Үзи каттакон бино,
Ишланган хўб мустаҳкам.
Қуруқда юрмас асло,
Учмайди осмонда ҳам.
Фақат сувда сузади,
Дарёларни кезади.
Қани дўстлар бу нима,
Ўзбекча номи...

1743. Бир отим бор кишнамас,
Тек туришни хушламас.
Дарёларда сузар у,
Тўлқинлардан ўзар у.

(Кема)

1744. Урдак десам, ўрдакмас,
Кўлда у сузиб юрар.
Тумшуги сувни кесиб,
Мени сайр қилдирар.

(Қайиқ)

1745. Тили доим дилдирар,
Тўрт томонни билдирар.

1746. Үзи ўхшар соатга,
Иўл кўрсатар сайёҳга.

1747. Денгизда сузар бўлсанг,
Тоғларда кезар бўлсанг,
Иўл кўрсатиб тураман,
Одамга мен жўраман.

1748. Агар қилсанг эътибор,
Худди соатга ўхшар.
Бориб агар ўрмонга,

Қолсанг қазни туманга,
Е денгизда аданиб,
Кетсанг манзилдан ошиб,
Қўрсатар жанубу шимол
Томонни аниқ қилиб,
Кетамиз йўлни билкиб.

(Компас)

1749. Шишали йўлак бўйлаб,
Сергак ойим юради.
Об-ҳаво нафасин
Бизга айтиб беради.

(Градусник)

1750. Узоқни яқин қилар,
Қичкина катта қилар.

(Дурбин)

1751. Узи қора йўрға той,
Кишнаб-кишнаб юради.
Ҳеч чарчамай пишқириб,
Кеча-кундуз юради.

1752. Тутундан унинг ёли,
Сув ичиб, олов ейди.
Чарчамоқдан у холи,
Юраги гуп-гуп дейди.
Қичқирса, кўк зириллар,
Пишқирса, ер дириллар.
Филдан қора, филдан зўр,
Бу нимадир, топиб кўр.

1753. Қора тўриқ, ем емайди,
Чарчаш нима ҳеч билмайди.
Узи ботир, тиз чўкмайди,
«Оҳ», «ўҳ» дейди, ёш тўкмайди.

(Паровоз)

1754. Юрар йўли Қўш камар,
Юраги гуп-гуп урар.

Олдида учта кўзи,
Минг филдан кучли ўзи.

(Тепловоз)

1755. Чўзилиб ётар нарвон,
Ундан ўтар уй — карвон.

1756. Пўлат камар устида
Олға елар онаси,
Етак тутиб изма-из
Чопар неча боласи.

1757. Узун икки арғамчи,
Етиб бўлмас учига.
Ундан ўтар қатор уй,
Ҳайрон қолдим кучига.

Узун икки арғамчи,
Учига етиб бўлмас.
Пишиллаб олар нафас,
Ундан ўтиб бўлмас.

1758. Узун шоти,
Устинда оти.

(Темир йўл,
поезд)

1759. Қатор-қатор уй гўзал,
Юртма-юрт сайёҳ кезар.
Яқин, йироқ унга бир,
Олдида қора байир.
Чиқазар эл ҳожатин,
Бу нима, топинг отин.

1760. Кеча-кундуз юради,
Тоғу чўлни босади.
Одам тўла уйларни
Филдиратиб кетади.

1761. Чопади жуда қаттиқ парда қизиб,
Орқасига жуда кўп вагон тақиб,

«Пиш-пиш» деб дам олади юк тортганда,
Буралади тутунлари бораётганда.

1762. Қоровой дот қўйди,
Болалари от қўйди.

*(Паровоз ва
вагонлари)*

1763. Соё устида полвон ётар,
Кўкрагидан карвон ўтар.

*(Кўприк,
поезд)*

1764-1765. Издан чиқмас чеккага,
Сигмайди тор йўлкага,
Жуда ўхшайди уйчага,
Вақти йўқ, туришга,
Одам ташийди ғир-ғир,
Пешонасида номер.

1766. Кичик темир устида,
Шамолдек елиб юрар,
Эгаларим келсин, деб
Ҳар дам кутиб турар.

1767. Жиринг-жиринг этади,
Қўнғироқни чалади.
Кеча-кундуз чарчамай,
Одамларни ташийди.

1768. Тўрт оёғу, икки бош,
Қаноти симга туташ.
Жони бор, жонивор эмас,
Сув ичиб овқат эмас.

1769. Оғзи бор, еёлмас,
Кўзи бор, кўролмас.
Фақат битта йўлдан
Бошқасига юролмас.

1770. Изи бўлса юради,
Бўлмаса тек туради.

1771. Боради лўк-лўк,
Келади лўк-лўк.
Томоша лўк-лўк.
Чирманда лўк-лўк.

(Трамвай)

1772. Уйдаи келади ўзи,
Бир жуфт бўлади кўзи.
Бор унинг тўрт оёғи,
Ойнабанд ҳамма ёғи.
Ушласа икки қўллаб,
Югуради — елади.
Бир қўлин олса борми,
Тўхтаиди-ю, қолади.
1773. Трамвай-ку, изи йўқ,
Овқат емас, қорни тўқ,
Уй десам, уйга ўхшар,
Маълум бир жойда тўхтар,
Қирсанг эшик очилар,
Кейин ўзи ёпилар...
1774. Тўрт оёғи филдирар,
Одам кўрса қичқирар,
Тунда кўзи ёнади,
Йўлни яқин қилади.
1775. Қуч десанг филларни енгар,
Чопар ҳормай кун-туни,
Гўшти йўқ, ҳам жони йўқдир,
Қони мойдир, бил уни.
1776. Ўзи катта, уй эмас,
Минсанг юрар, эшакмас,
Дўриллайди, от эмас,
Хоҳлаган ерга элтади.
1777. От десам, от ҳам эмас,
Оғзи йўқ овқат емас,
Минсанг чопар вағиллаб,
Бензин мойи бўлса бас.

1778. Кўчама-кўча кезар,
Манзилга тез етказар.

1779. Икки кўзли,
Тўрт оёқли,
Кўчаларда чопади.
Кўзи бўлса,
Кундуз кўрмай,
Кечаси йўл топади.

1780. Гув-гув этар.
Гириллаб юрар.

1781. Кўзи ялтирайди.
Ичи қалтирайди.

(Автомашина)

1782. Тириллайди трактор эмас,
Бензин берсанг, ҳеч йўқ демас.
Резинадан оёғи бор,
Ҳамда икки қулоғи бор.
Минсанг учқур отдай кетар,
Манзилингга тезда элтар.

1783. Бир кичкина тойчоғим,
Ут эмасдан турар жим.
Бензин ичади оз-моз,
Миниб юришга у соз.
Қулоғи бор ҳам ўзи.
Минсанг чопади ўзи.

1784. Тапа-тапат, деб
Тутун чиқарар,
Икки киши ўлтириб,
Ҳайдар-да, кетар.

(Мотоцикл)

1785. Бир кичкина отим бор,
Овқат емай туради.
Қулоқчасин бурасам,
Чопиб-чопиб юради.

1786. Сендан бошқа керакмас,
Миниб юрсам тек турмас.
1787. Ёзда тойча,
Қишда хуржун.
1788. Суянмасдан туrolмас,
Сен минмасанг юrolмас.
1789. Суямасанг турмайди,
Минмасанг ҳеч юрмайди.
Қўнғироғи жарангдор,
Бу қанақа жонивор?
1790. Узи кичик тойчадир,
Миниш учун отчадир.
Оёғи йўқ, юрадир,
Овқат емай турадир.
Қулоқчасин бурсангиз,
Чопиб-чопиб кетадир,
Жуда тезда етадир.
1791. Бир отим бор гижинг, жийрон,
Жилов қўйсам, кетади,
Узангисин тешиб турсам
Манзилга тез етади.
1792. Нима экан ўйлаб боқ,
Резинкадан ғилдирак,
Автобусмас, на трамвай,
Ишлатмайди бензин-мой.

(Велосипед)

1793. Югуради тўрт ўртоқ,
Бир-биридан ўзмайди.
Устида юк бўлса ҳам,
Оғирлигин сезмайди.

*(Машина
ғилдираклари)*

1794. Тўрт томонда бор кўзи,
Тез ўчиб-ёниб турар.

Гапирмаса ҳам ўзи,
«Тўхта!», «юр» деб буюрар.

1795. Уч кўзли қаранг,
Ёнар ранг-баранг.

1796. Йўл кўрсатар ҳаммага,
Доим уч хил чироқ.
Эътиборсиз бўлса ким,
Кўзларимга, дейди, боқ.

(Светофор)

**ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ, АСБОБЛАРИ ВА
МАТЕРИАЛЛАРИ ҲАҚИДА**

1797. Кеча-кундуз ишлайди,
На кун, на тун тинмайди.
Фақат ичади ёғ,
Ёғ бўлса қўпорар тоғ.
1798. Айланайин кучли, филимдан,
Пайдо бўлар: пўлат, темир, илмдан.
1799. Куй куйлайди ишлаганда,
Ўлжасини тишлаганда,
Кулочлашиб отар тупроқ,
Бу нимадир топинг, ўртоқ.
1800. Баланд темир уй юрар,
Бурни тоғларни сурар.
1801. Ошпаз эмас, чўмичи бор,
Ернинг тинчини бузар.
Катта-кичик «идиш»ларга
Ошмас, тупроқни сузар.
1802. Нор полвон наъра торғди,
Еру кўкни уйғотди.
- (Экскаватор)
1803. Мирзатераги лапанглади,
Бир шохи эгилди, ерга тушмади.

Тебраниб, кўтариб, тонна юкларни
Қоқ чўлда каттакон бино ишлади.

1804. Нор полвон борар йўлда,
Тоғни кўтариб чўлда.

1805. Бути узун худди терак,
Қурилишда жуда керак,
Тонна-тонна юк кўтарар у
Айтиб беринг-чи, нима бу?

(Кўтаргич крани)

1806. Борадир улкан машина,
Филга ўхшар хартуми.
Чарчаш нима билмайди,
Тупроқ қазир ҳар куни.

1807. Етмиш отнинг кучи бор,
Оёғида тиши бор,
Чарчаш нима билмайди,
Далада юмуши бор.

1808. Кўк темирим,
Мола шох.

1809. Ерни тишлар,
Яхши ишлар,
Ҳам текислар,
Ҳамда муштлар.

1810. Писандмас унга саҳро,
Баланд тоғу ҳам дарё.
Инсон уни бошқариб,
Шаҳарлар қилар барпо.

1811. Ой қулоқли, балиқ эмас,
Тортса қулоқ, сойдан камимас.

1812. Қора ҳўкиз ақлсиз,
Ишни қилар мислсиз.

(Бульдозер)

1813. Тиши кўп,
Оғзи йўқ.
1814. Бир саф унинг тишлари,
Кесиш, бўлиш ишлари.
1815. Ёғочдан дастаси бор,
Темирдандир қирқ тиши.
Ушламаса дурадгор,
Гумон унинг қирқиши.
1816. Оғзи йўғу, тиши бор,
Дурадгорда иши бор.
1817. Бордир қатор тишлари,
Борар-келар ишлари,
Пичоқ эмас, қирқади,
Ўтин ундан қўрқади.
Иш вақтида сайрайди.
Кўп ишларга ярайди.
Билиб қўйинг бир карра,
Устага керак...

(Арра)

1818. Танасидан оғир боши,
Кўп жойда у иш боши.
Меҳнатидан ҳамма рози,
Тақ-тўқ, тақ-тўқ овози.

(Болға)

1819. Шляпали узун терак,
Қурилиши жуда керак.

Ўзи ингичка, учли,
Лекин жуда ҳам кучли.
Тешиб ўтар тахтани.
Темирдан унинг тани,
Ўйнинг томин, ромин ҳам
Ушлаб турар мустаҳкам.

(Мих)

1820. Мени қўлга олганда,
Юзимда ўйнар ханда.
Дуб, қайин, тол, арчани,
Силлиқлайман барчани,
Бирон зирапча қолмас,
Чунки тигимдир олмос.

(Ранда)

1821. Қўп қиррали тўрт бурчак,
Керак бўлар уй қурсак.

(Фишт)

1822. Сувга солсанг сен уни,
Қайнаб чиқар тутуни.
Байрам бўлса сен бир боқ,
Қатор уйлар ундан оқ.

(Оҳак)

1823. Хизмат учун бел боғлаб,
Постида турар тикка,
Оёқ қўйсанг, зинаси
Қўтарар юксакликка.

(Нарвон)

1824. Узи мисли тумбочка,
Эга каттакон кучга,
Чиқар, тушар нарвонсиз,
Доим ишлар армонсиз.

1825. Сен ичида турсанг тикка,
Олиб чиқар юксакликка.

(Лифт)

**ШАҲАР ОБОДОНЧИЛИГИГА ОИД
ТОПИШМОҚЛАР**

1826. Куну тун, кечу тонг,
Ўз вақтида чалар бонг.
Бордир тўртта соати,
Топинг нимадир оти.
1827. Устида катта юлдуз —
Нур сочар кеча-кундуз.
Вақтни ўлчаб жом чалар,
Куйидан дил завқ олар.
Жаҳон тинглар овозин,
Қўрсанг келар ҳавасинг,
Қалбдай уриб турар у,
Топингиз-чи, нима у?

(Курант)

1828. Кўп йиллар яшар ўзи,
Сира юмилмас кўзи.
Тонг отару бўлар кеч,
Ўз жойидан жилмас ҳеч.

(Ҳайкал)

1829. Дарахт эмас у ўзи,
Мажнунтолдек бош эгар.
Ости ям-яшил мрамар,
Соясиз салқин берар...

1830. Ерга найча қазилди,
Сув найзадек отилди.

(Фонтан)

1831. Ердан чиққан «Г» ҳарфи,
Бурасангиз қулоғин —
Бўлар худди «Л» ҳарфи.
Топинг энди бу ёғин.

(Водопровод колонкаси)

1832. Ер остида арғамчи,
Бизнинг уйда бир учи,
Гугурт чақдим учига,
Палов пишди кучига.

1833. Ер тагида йўли бор,
Устида пўлат тўни бор,
Шамолдан тез елади,
Бухородан келади.

(Газ, трубаси)

ҲАРБИЙ-МУДОФААГА ОИД ТОПИШМОҚЛАР

1834. Уқ ўтмайди танидан,
Душманга у зўр офат.
Гавдаси асл пўлат,
Ўзи чопқир бақувват.
1835. Раҳмат пўлат уйингдан,
Сен қайтмайсан йўлингдан.
Душман чиқса олдингдан,
Қочиб қутулмас сендан.

(Танк)

1836. Шундай куч бор дунёда,
Ҳамма уни биләди.
Бизнинг она-Ватанда
Ундан нур ёғилади.
Америкада эса —
Иш бошқача бўлар ҳал.
Ундан ясалган бомба,
Халққа келтирар ажал.

(Атом энергияси)

1837. Бунинг ўзи қуш эмас,
Қанотлидан тез учар.
Жонлига раҳм қилмас,
Уриб, тишлаб йиқитар.

(Уқ)

1838. Қушдек ҳавода учдим,
Чайла орқалаб тушдим.

1839. Бир халтам бор қатма-қат,
Солиб бўлмас унга қанд.
Қўкдан ташласанг ерга,
Олиб тушар саломат.

(Парашют)

1840. Қушдай ҳавода учадим,
Чайла орқалаб тушадим.

(Парашютли одам)

МАКТАБ ВА УҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ҲАҚИДА

1841. Она каби меҳри бор,
Биз қўйида бахтиёр.
Кенгдир иссиқ қучоғи,
Ўзи илм ўчоғи,
Ўғуллар олға юришга,
Чорлар аъло ўқишга.

1842. Бир уй бор:
Кўр бўлиб кирасан,
Кўзлик бўлиб чиқасан.

(Мақтаб)

1843. Уйимиз нурдан,
Ўрганиш биздан,
Ўргатиш сиздан.

(Мақтаб,
ўқувчи,
ўқитувчи)

1844-1845. Бир нараси қатма-қат,
Ҳар бир фандан гапирар,
Агар чиндан дўст бўлсанг,
Мақсадингга етकिрар.

1846. Билмагани билдирад,
Кўрмагани кўрсатар.

Айт-чи, тилсиз бўлса ҳам,
Қандай сен-ла сўзлашар.

1847. Илмга кон,
Мазмунга макон.
Сўзи серҳикмат,
Бизга дўст, улфат,
Ургатиб одоб,
Бу нима? (Топ.)
1848. Сандиқ тўла писта-бодом,
Очиб кўр, бўлсанг одам,
Хосияти кўп, олам-олам,
Териб ол уни ҳар дам.
1849. Ҳаммамизга яқин-дўст,
Термилишиб тўймаймиз.
Ургатар билим, одоб,
Қўлдан сира қўймаймиз.
1850. Кўзгу эмас, аммо,
Кўрсатади ўзингни,
Унга ҳар қараганда,
Эслатади сўзингни.
- 1851-1852. Ташласангиз юзига кўз,
Сўзлар сизга овозсиз сўз,
Дунё-дунё унда маъно,
Қани топиб кўр-чи, Қундуз?
1853. Зерикканда ғаразсиз бир ўртоғинг,
Қайғурганда электрдек чироғинг,
Гаплашганда қондирувчи сўроғинг,
«Кўнгил тоти, ақл боғи» — бу нима?
1854. Эгри-бугри қоп-қора,
Қатор бўлиб тизилган,
Занжир бўлиб узилган.
Туғилганда тили йўқ,
Лекин сўзлашга чечан.
1855. Суҳбати ширин дўстим,
Тургани билим дўстим.

1856. Паррандадай пати бор,
Қават-қават қати бор.
Одамларга илм беради,
Тўғри йўлга йўллайди.

1857. Бор ажойиб қадрдоним,
Ширин сўзли, билим коним,
Яхшиликни кўзлайди у,
Қўлга олсам сўзлайди у.

(Китоб)

1858. Кундалик тарих ўзи,
Ҳар ерда унинг сўзи.

1959. Ҳар кун қўлга оласиз,
Кўзни тикиб қоласиз,
Уйингизда ўлтириб,
Ер юзини биласиз.

(Газета)

1860. Уяга учиб келар,
Турли ердан кўп қушлар,
Учиб келгач, бу қушлар,
Одамлар кўнглин хушлар.

1861. Қўл, оёқсиз манзил кезар,
Дўст қалбини дўстга сўзлар.

1862. Оёғи йўқ, аммо у,
Узоқларга кетади.
Гап айтиб юборсангиз,
Қимга десанг элтади.
Учар деб ўйласангиз,
Учишга йўқ қаноти.
Қани ўйлаб кўринг-чи.
Нимадир унинг оти?

(Хат)

1963. Оқ ер очдим,
Қора буғдой сочдим.

1864. Қўл билан сочар,
Оғиз билан ўрар.

1865. Қўл билан экилади,
Кўз билан терилади,
Оғиз билан ўрилади.

(Дафтар, ёзув)

1866. Йўли бор тўппа-тўғри,
Юриб-юриб ўтаман.
Мен унга сўзу гапдан
Кўчат экиб кетаман.

(Дафтар, қалам)

1867. Ўзи оппоқ пахтадай,
Лекин текис, тахтадай.
Юзига гул чизсангиз,
Кўринади каштадай.
Керагида унга сиз,
Фикрингизни ёзасиз.
Ўткир бўлса зеҳнингиз,
Шу жумбоқни топасиз.

1868. Ойнадан ташласа синмайди,
Сувга ташласа синади.

(Қоғоз)

1869. Бир отим бор йўрға,
Йўрғалаб тушди йўлга.

1870. Бурни бор, жони йўқ,
Гапирган гапининг сони йўқ.

1871. Ўзи оддий, учи бор,
Матбуотда кучи бор,
Ўқувчининг чин дўсти,
Зўр хизмати, бурчи бор.

1872. Ручка эмас, ёзади,
Ёза берсанг озади.

Ҳар хилдир ранги рўйи,
Бир қарич келар бўйи.
Фабрикадан чиққан чўп,
Керак бўлар жуда кўп.

1873. Қоравойнинг кўйлаги —
Еғоч қишу ёз.
Йўл юради, мўл юради,
Йўлкаси қоғоз.

1874. Эл-юртга қилар хизмат,
Қоғозда қолар изи.
Кундан-кун кичрайиб,
Охири тугар ўзи.

1875. Ёзиб умрим тугатар,
Серҳаракат шу қадар.

(Қалам)

1876. Ичи бўёқ,
Сирти таёқ.

1877. Ранги ҳар хил,
Номи бир хил.

(Рангли
қалам)

1878. Учيني қоғозга қўйсам,
Турли-туман гул ёзар.

1879. Тили пўлат шоввоз,
Сўзлай олмас беқоғоз.

1880. Ушласам қўлга,
Тушади йўлга.

1881-1882. Тили икки,
Айтуви бир.

(Ручка)

1883. Сиёҳ унга керакмас,
Ручка ҳам қалам эмас.
Ўзи оқ ёзар юмшоқ,
Топинг бу қандай жумбоқ.

1884. Ранги оппоқ пахтадайн,
Юмшоқ эмас.
Қандга ўхшар, аммо уни
Ҳеч ким эмас.

(Бўр)

1885. Қора тола устида
Қуён чопиб боради.
Из қолдириб боради.

1886. Қоғозим — қора,
Қаламим — оппоқ.
Нима бу, ўртоқ?

(Доска, бўр)

1887. Қоғозим бор каттагина, ўзи қора,
Билим берар бўлса ҳамки, юзи қора,
Дарс билмасанг, сирингни очар, аямас,
Гар жойидан олсанг уни фойда бермас.

(Доска)

1888. Тартиб билан саф тортган,
Ўттиз бешта баҳодир.
Шулардан «А» дегани,
Ҳаммасига командир.
Кексамисан, ёшмисан
Бизни билсанг фойда,— дер.

1889. Ўттиз бешта дастёр,
Хизматимга тап-тайёр,
Уларсиз ишим юрмас,
Сўзимда маъно бўлмас.

(Ҳарфлар)

1890. Осмонда бор, ерда йўқ,
Москвада бор, Тошкентда йўқ.
(«М» ҳарфи)
1891. Пошшада¹ бор, ҳовузда йўқ,
Пашшада бор, совунда йўқ,
Пиядада бор, отликда йўқ,
Пастда бор, юқорида йўқ.
(«П» ҳарфи)
1892. Қўлда бор, оёқда йўқ,
Чўлда бор, булоқда йўқ.
(«У» ҳарфи)
1893. Худди бир айри у,
Қайси ҳарф экан бу.
(«Ш» ҳарфи)
1894. Олмасанг ярим нафас,
Йўлдан ўтгани қўймас.
(Вергул)
1895. Тим қора кичкина хол,
Тўхтатар йўлда дарҳол.
(Нуқта)
1896. Шакли ўхшар ўроққа,
Доим тутар сўроққа.
(Сўроқ белгиси)
1897. Худди ўхшар мирза теракка,
Йўлда доим турар тикка.
(Ундов белгиси)

¹ Подшо.

1898. Бутун олам сирини,
Денгиз осмон, қирини,
Аҳоли зичлигини,
Элларнинг тинчлигини,
Иқлими бойлигини,
Нимаинки борлигини,
Ургатади қайси фан
Уйлаб топинглар ҳамманг.

(География)

1899. Ҳзи ўхшар тарвузга,
Вилим беради бизга.

1900. Дум-думалоқ тарвуздек,
Бир оёқда турар тек.
Ҳар хил рангга бўялган,
Ер юзини қоплаган,
Столда жим туради.
Бизга билим беради.

1901. Ҳзи дўндиқ, тарвуз каби юмалоқ,
Тўни кўк, белбоғи қизил, дўпписи оқ.
Қўйни гўла мавно ила мазмунга,
Бутун дунё сиғдирилган ўшанга.

1902. Шарга ўхшайди ўзи,
Унга сиққан ер юзи.

1903. Юм-юмалоқ — кучи-да,
Бутун жаҳон ичида.

1904. Тарвузим бор оёқли,
Пўсти рангдор бўёқли.
Қўрсатар ҳаммаёқни,
Ҳам яқин, ҳам йироқни.

1905. Қопток эмас, думалоқ,
Унда бор: шаҳар, қишлоқ,
Дарё, денгиз, тоғ-довон,
Қиру адир ва ўрмон...

1906. Тарвузим гулдор яхши,
Унда бор олам нақши.

(Глобус)

1907. Йўллари бор, юриш мумкинмас,
Ерлари бор, ҳайдаш мумкинмас.
Утлари бор, ўриш мумкинмас,
Дарёлари бор, ичиш мумкинмас.
Денгизлари бор, сузиш мумкинмас.

1908. На дафтармас, на китоб,
Ёзуви бор беҳисоб.
У ҳам билим макони,
Дўстим, ўйлаб топ, қани?

1909. Шаҳари бор, одами йўқ,
Дарёси бор, суви йўқ.

1910. Сувсиз океан,
Одамсиз шаҳар.

1911. Деворда бор сўзанам,
Унда яшар кенг олам.

(Карта)

1912. Сим ўтказган тугмача,
Адашмасдан қадалсин.
Котиб аҳли шошмасдан,
Тугма тўплами саналсин.

1913. Бир ўртоғим кўп содда,
Ҳисобин билар ёддан...
Анчагина думалоқ,
Донаси бор қора, оқ,
Қатор терилган симга,
У танишдир ҳар кимга.
Ким экан бу ҳисобчи,
Исмини ўйлаб топ-чи?

1914. Бир тўрт бурчак дарё бор,
Ун икки кўприк қатор.

Кўприк тоши икки хил,
Ҳар бирин хизматин бил.

(Чўт)

1915. Оёққа ўзи турар,
Қўл унга ёрдам қилар.
Бир бурасанг қулоғин,
Айлана шаклин чизар.

1916. Темирчада Ноила,
Чизар ихчам доира.

1917. Темирчада бир игна,
Чизар ихчам доира.

(Циркуль)

1918. Қизил, сариқ, кўк, пушти...
«Тугма»ларим хилма хил,
Бир-бир қоғозга тушса,
Тайёр расм, ё шакл.

(Рангли бўёқ)

1919. Қалам юрса, из қолур,
Не юрса, из йўқолур.

1920. Ўзи кичик бир нарса,
Керак бўлар ҳар дарсда.
Чизиб қўйсанг нотўғри,
Йўқ қилади бирпасда.

(Учирғич)

1921. Тилла ёзувли дафтар,
Ичида гавҳар гаплар.

(Диплом)

1922. «Қ» ҳарфидан бошланур,
«Қ» билан бўлар тамом.

Баъзан «Ўқиш ойнаси»,—
Дейишар, бу қандай ном?

(Қундалик)

1923. Устунни йўқ, томи йўқ,
Уйдан сира ками йўқ.
Ўқув қуролим ҳар хил,
Унда яшар дўст-аҳил.

(Портфель)

1924. Ўзи ойна парчасидан,
Бобом боқар дарчасидан.

1925. Ҳаво рангли, сув эмас,
Қўприги бор, кўл эмас.
Ўзи кўрмас, кўрсатар.

(Кўзойнак)

1926. Жони йўқ, урса йиғлайди.

1927. Тилсиз сўзлар,
Бўғизсиз бўзлар,
Узоқни кўзлар.

1928. Бақирмайди «ой-ой»лаб,
Чақирмайди «ҳай-ҳай»лаб,
Чақирар «жиринг-жиринг»,
Нима бу, айтиб беринг?

(Қўнғироқ)

ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА

1929. Ёғоч қўшим қўлимда,
Турли куйда сайрайди.
Қулоқларин бурасам,
Кўнглим яна яйрайди.

1930. Косасимон қорни бор,
Ҳар созандага у ёр,
Бир чўп билан куй тортар,
Тинглаб кўнгиллар яйрар.

1931. Икки тола сочи бор,
Бўйни билан баробар.
Бошсизу бор қулоғи,
У шодликнинг ўртоғи.

(Дутор)

1932. Кўриниши бир элак,
Тилаги яхши тилак.
Байрам, тўю концертлар,
Томошаларда керак.

1933. Қулоғида қўша-қўша ҳалқа,
Хизмат қилар чарчамай халққа,
Кулиб турар мисли офтоб,
Ҳамроҳидир, чанг, тор, най, рубоб.

1934. Кичик-кичик бир жуфт хум,
Тери қоплаб юзига.

Урсанг дейди бака бум,
Чолғучининг ўзига.

(Чилдирма)

1935. Баркашим икки юзли,
Еқимтой «топ-топ» сўзли.

(Барабан)

1936. Бир яшикча бор, қизиқ,
Бели бурмали чизиқ.
Пружинадай чўзилар,
Турли оҳанг тузилар.
Банди бор икки ёқда,
Устаси чалган чоқда,
Эшитамиз беармон,
Бунинг номи ҳам...

(Гармон)

1937. Қўли йўқ, ликоп ушлар,
Қўшиғи дилни хушлар.

1938. Дунё-дунё сўзи бор,
Игна юрар изи бор.
Буралади қулоғи,
Айланади товоғи,
Сўйлайди сўз, чалади —
Нима бунинг жавоби.

1939. Битта кичик қутича,
Тегмасанг, тек турар.
Агар қулоғин бурасанг,
Ашула айтиб берар.

(Патефон)

1940. Патниси бор, нони йўқ,
Ашулачи, жони йўқ.

1941. Қўш тардиши айланар.
Қўй ва қўшиқ таралар.

1942. Игна ялар лаганчам,
Сурнай чалар лаганчам.
Бир товоқнинг устига
Гир айланар лаганчам.

1943. Узи қорача лаган,
Одам йўқдир севмаган.
Игна тегса юзига,
Чиқар қўшиқ, музыка.

(Грампластинка)

1944. Қўлда ўйнар икки чўп,
Сим торлари жуда кўп.

(Чанг)

1945. Бўйи пастак таёғим,
Енгил қушдек таёғим.
Тешигидан пуфласам,
Чалар ҳуштак таёғим.

1946. Берса ёқимли садо,
Булбул ҳам мастдир ҳатто.
Хизматида лаб, қўл, тил,
Қани билсанг-чи Қобил.

(Най)

1947. Гардиш каби думалоқ,
Кумуш ҳалқали бироқ,
Қўшиқ куйга жўр бўлар,
Ижрочига йўл бўлар.

(Доира)

1948. Аксинг кўринар боқсанг,
Хонанинг кўркам файзи.
Куйига мос шу ғазал —
До, ре, ми, фа, соль, ля, си.

(Пианино)

УЙИН-СПОРТГА ОИД ТОПИШМОҚЛАР

1949. Усти очиқ қутим бор,
Унда ўйнар неча шар.

(Бильярд)

1950. Асли тахта, тўрт бурчак,
Унда олтмиш тўрт катак.
Тошлари бор-икки хил,
Ўйнасанг, ўсар ақл.

1951. Икки киши ўйнайди,
Узоқ-узоқ ўйлайди,
Аломати «Қишт ва мот»,
Қани топ-чи, уни топ!

1952. Тахтада юриш ишим,
Дарахтдир менинг жисмим,
Шоҳига қўшиб бир дум,
Ўйлаб кўрингиз бир зум,
Шунда исмим биларсиз,
Ўйнаб хурсанд бўларсиз.

(Шахмат)

1953. Бир вақтда олади,
Кўланкангиз қолади.

1954. Бир кўз билан тикилиб,
Кузатувди юзимни,
Сўнгра оппоқ қоғозда —
Акс эттирди ўзимни.

(Фотоаппарат)

1955. Тўрт бурчакли майдончага
Нур сочади зал оша.
Мўъжизаси бордир қизиқ,
Кўрсатади томоша.

(Кино)

1956. Оёғи йўқ,
Ўйнасанг қочар,

Қаноти йўқ,
Ҳавога учар.

1957. Узи сендан кичкина,
Топ-чи, қани билолсанг.
Узингдан қатта бўлар,
Агар ерга уролсанг.

1958. Уйинчоғим бир оёғи,
Қизил худди лола.
Ўртасида — белбоғи,
Гўё гулдаста боғлам.
Бошқа томони эса,
Зангори осмон мисол.
Ерга секин бир урсам,
Сапчир тепага дарҳол.

1959. Қаттиқ урсам зорлайди,
Ерда тиниб турмайди.
Тегиб кетсам бошига,
Ҳеч бир зиён келмайди.

1960. Тарвуз каби юмалоқ,
Туртсанг кетар юмалаб.
Ҳаммамиз хурсанд бўлиб,
Чарчамаймиз қувалаб.

1961. Югуради — оёғи йўқ,
Учади — қаноти йўқ.

1962. Тарвузим бор уруғсиз,
Пичоқ билан кесилмас.
Кесганигда ҳам уни
Маза қилиб еб бўлмас.

(Қоптоқ)

1963. Хил-хил ранги бўёғи,
Оғзи бор, йўқ оёғи.
Ҳаво берсам ичади,
Қорни тўйса учади.

1964. Тўп эмас, ўхшар тўпга,
Қалинмас, лекин юпқа;
Қичкинтойлар ўйнашар,
Боғлашиб уни ипга.

1965. Пуфласанг шишар таранг,
Кўк, қизил, оқ — ранг-баранг.
Шакли тўпдек юмалоқ,
Бироқ ўзи енгилроқ,
Кўпаяр байрам куни,
Жажжилар севар уни.
Нима бу, қани ўйланг,
Тўғри топсангиз, сўйланг.

(Шар)

1966. Шох, қулоғи, думи бор,
Сигир эмас, у зинҳор,
Қўли йўқ, қаноти йўқ,
Учади у ҳар баҳор.

1967. Қулоғи бор, думи бор,
Баъзан оқ, баъзан рангдор,
Қўли йўқ, қаноти йўқ,
Кўкда учар ҳар баҳор.

(Варрак)

1968. Бир синглим бор чиройли,
Кўйлагин ҳеч ечмайди,
Овқат берсам емайди,
Ҳатто сув ҳам ичмайди.

1969. Укамга ўхшар ўзи,
Асло юмилмас кўзи.

(Кўғирчоқ)

1970. Менинг қанотим арқон,
Ҳавода ўйнайман дархон.

(Ҳайинчак)

1971. Тойим бор, кишнамайди,
Ёз чоғи ишламайди.

1972. Бир отим бор, овқат нима билмайди.
Баҳору ёз, кузни писанд қилмайди.
Қор ёғдими болаларга эргашар,
Пастга тушар, яна дўнгга тирмашар.

(Чена)

1973. Қерагида сувга отасан,
Қимирлашин пойлаб ётасан.

1974. Сув остида турар пойлаб,
Ўлжага найзасин шайлаб.

(Қармоқ)

1975. Сувга солсам ботмайди,
Балиқлар ҳам ютмайди.

(Пробка)

1976. Суғормайди, боқмайди,
Дангасага ёқмайди.
Беради сенга соғлиқ,
Ҳаракатингга боғлиқ.

(Физзарядка)

ОСМОН, ЕР, СУВ ҲАҚИДА

1977. Каттакон зонтик,
Ранглари кўм-кўк,
Остига сигар кўп одам,
Улар юрар тип-тик.
1978. Устунсиз бир гумбаз бор,
Бепоен ва улуғвор
Қундузи ранги анҳор,
Тунда эса лолазор.
1979. Тонгда фусункор,
Тунда чаманзор.

(Осмон)

1980. Тепамда кўк дастурхон,
Дастурхонда ширмой нон,
Ширмой нон бир донадир,
Синдирилмас ҳеч қачон.

(Осмон, ой)

1981. Шарқдан чиқади саломга,
Кулиб боқар оламга.
Нурга тўла қучоғим,
Ғарбда унинг ётоғи.
1982. Қундуз кунни ўчириб,
Тунда ёқа олмайсан.

Енига бўлмас бориб,
Усиз яшай олмайсан.

1983. Кўк денгизда оқ кема,
Олов пуркиб сузади.
Дўст-душман демасдан
Бутун юртни кезади.
1984. Ҳу узоқда Олатов,
Олатовда бир олов.
Тунда унга тегмасдан
Кўтарар кўкка биров.
1985. Қиздирар чўл, саҳрони,
Еру осмон, ҳавони,
Сочганда нур оламга.
Татир бутун оламга.
Порлаб туради мангу,
Қани, нима экан у.
1986. Нур сочади жуда иссиқ,
Боқай десанг кўзларинг қисиқ.
1987. Хуш ёқади одамга,
Нур таратар оламга.
Меҳрининг иссиқлиги,
Ухшаб кетар онамга.
1988. Баланд тоғ этагидан,
Кўтарилар олтин шар.
Бутун олам нуридан
Оппоқ бўлиб ёришар.
1989. Туриб биз-ла баробар,
Ётар биздан олдинроқ,
Қизил шардек учар у,
Кўргинг келса, осмон боқ.

(Қуёш)

1990. Тонг отарда тутга биров илибдими тилла
тор,
Йилтиллайдди оқшомгача осилганча бир
қатор.
Чалиб кўрдим ҳар бирини, чалинмади
менга ҳеч,

Қирқ бир машшоқ созлаб кўрди, чалинма-
ди эрта-кеч.

(Қуёш нури)

1991. Оламни кезиб бир-бирини излар,
Уларни юлдузлар кузатар.

(Қуёш, ой)

1992. Ўзи бир парча патир,
Бутун дунёга татир.
Тунда чиқиб юради,
Ерга нур таратади.

1993. Кўкда қилич арқирайди,
Сувда акси ялтирайди,

1994. Дум-думалоқ баркаш нон,
Кўк юзида сузади.

1995. Ўзи ёнар кун ботса,
Ўзи ўчар тонг отса.

1996. Кечаси у юради,
Кўкда боқиб туради.
Олтин каби ялтироқ,
Тарвуздайин юмалоқ,
Тунда нурын сочади,
Тонг бўлганда қочади.

1997. Бувимнинг томи бошида,
Кулча нон турар ослиб.
Ит қанча вовулласа,
Ололмас уни илиб.

1998. Рўпарада бир ҳовуз,
Ичида олтин тарвуз.
Пичоқ солсам ёрилмас,
Нури билинмас кундуз.

1999. Кўкда у танҳо мезмон,
Кутар доимо меҳмон.

Ярақлайди зулматда,
Кундуз ухлар роҳатда.

2000. Каттакон ёгсиз чироқ,
Тунни ётар ярқироқ,
Кўзимизга кўринар,
Ё баркашу, ё ўроқ.

(Ой)

2001. Тўнтарилган кўк қозонда
Олтин танга қайнайди.

2002. Тўнтарилган қозон, боқ,
Қулоғи йўқ, беқопқоқ.
Қайнаб ётар ичида
Беҳисоб тилла бодроқ.

(Осмон, юлдуз)

2003. Кечаси сонсиз меҳмон,
Кундузи якка меҳмон.

(Юлдуз, қуёш)

2004. Подачи ўзи битта,
Қўйлари неча мингта.

(Ой, юлдузлар)

2005. Кечаси очилар,
Осмонга сочилар.

2006. Тунда ёнар сонсиз чўғ,
Кундуз изласанг ҳам йўқ.

2007. Кундузи кўрпа ёпар,
Кечаси очиқ ётар.

2008. Тунда кўриб чўғ дейсиз.
Тонгда кўриб йўқ дейсиз.

2009. Ухлаб ётар кундузи,
Шомда очилар кўзи.

2010. Поёнсиз мато узра,
Сочилди беҳисоб чўғ.
Шундай туриб тонггача,
Бир жойи куйгани йўқ.

2011. Оға-ини минг ботир,
Қўм-кўк гиламда ётир.
Биридан-бири сара,
Фақат кечаси қара.

2012. Тун чоғида милтиллаб;
Осмонни қоплаб олар.
Тонг маҳали липиллаб,
Яна йўқолиб қолар.

2013. Кўриниши бир нуқта,
Еру қуёшдан катта.
Адашмай, улар бирин
Битталаб санаш қийин.
Кечалари баҳузур
У сочади кумуш нур.

(Юлдуз)

2014. Миллионлар доласи,
Қўм-кўк бўлар даласи.
Отганингда етмас ўқ,
Эртаси кўрса бири ҳам йўқ.

(Юлдузлар, осмон)

2015. Тунда чиқар онаси,
Неча минглаб боласи,
Бекинишар қўрққандан
Келиб қолса отаси.

*(Ой, юлдуз,
қуёш)*

2016. Оғир бир гиламим бор,
Ишлаган чин санъаткор...
Бунда одам бахтиёр,
Истаган нарсанг топилар...

(Ер)

2017. Жони йўқ-ку ўзи зўр,
Паровозни юргизар.
Боғда гуллар ўстириб,
Шаҳарларга берар нур.
2018. Келар баланд тоғлардан,
Жуда ҳам йироқлардан,
Гиёҳ битмас бепоён —
Саҳроларга берар жон.
2019. У ўтган боғ-бўстон,
Майсаларга гўё кон.
Босиб ўтар қанча йўл.
Изидан гуллайди чўл.
2020. Денгиз эмас, чайқалади,
Колхозчини бой қилади.
2021. Ҳар хил бўлиб кўринур,
Қувват берар ҳамда нур.
Ундан топилар ҳузур,
Яшаш учун энг зарур.
Бўладиган ҳар нима,
Айт-чи, Тоҳир, бу нима?
2022. Гоҳ симобдек оқаман,
Гоҳ тутундек учаман,
Гоҳ тош каби қотаман,
Мен бирлашсам кучлиман.
2023. Йўл босади, ичи йўқ,
Товуши бор, сўзи йўқ.
Кўп юртлардан ўтади,
Лекин кўрмас — кўзи йўқ.
2024. Отаси қор, онаси ёмғир,
Ишлатсангиз чиқаради нур.
Кўкартириб ҳар бир гиёҳни,
Яшнатади у ҳаммаёқни.
2025. Юриб-юриб толмайди.
Орқага қаролмайди.

2026. Сутдан суюқ, ҳаво ранг,
Ичсанг қонади ташнанг.
Ҳаёт, соғлиқ, тозалик
Унга доимо боғлиқ.

2027. Ёзда қуш бўлиб учса,
Қишда тош бўлиб қолар.
Одаму қуш, ўт, ўрмон.
Ундан кўп роҳат олар.

(Сув)

2028. Мен кўрдим шундай поезд,
Айтайми, қандай поезд?
Гилдираксиз, оёқсиз,
Моторсиз ва чироқсиз —
Югуради пишқириб,
Йўл юради, ишқириб.
Кўп узоқдан келади,
Ола тоғдан келади.

(Дарё — сув)

2029. Дарёларнинг бири,
Бор бирининг сири.

(Сирдарё)

2030. Яхлит, туташ оёқ-қўли,
Қия пастлик тутган йўли.
Баҳор фасли келдими, бас,
Бир ерда у сира турмас.

(Жилға)

2031. Симобдай пилдирайди,
Жони йўқ гулдирайди.

(Сув — шарқара)

2032. Оловсиз қайнаб турар,
Қўлинг тиксанг куймайди.
Қишда ҳам қайнашини,
Ёздагидек куймайди.

2033. Ёзда — совуқ,
Қишда иссиқ.
Қайнагани —
Қайнаган.

2034. Оёғи йўқ, қўли йўқ,
Шошиб чопиб чиқар у,
Улкан замин бағридан,
Салом олиб чиқар у.

(Булоқ)

2035. Оппоқ сочли бошлари,
Дарё бўлар ёшлари.

2036. Уфққа ўхшаш қорли боши,
Сувдек оқар кўздан ёши.

(Қорли тоғ)

2037. Ўзи жонсиз — қаримас,
Ундан ҳеч қиш аримас.
Бошланади шўх дарё,
Суви мўл денгиз гўё.
Нуқул қатор қоя тош,
Булутларга чўзган бош.

2038. Қифти тегар булутга,
Қордан қалпоқ бошида.
Фойдаси кўп эл-юртга,
Чунки ичу тошида
Бирдир бойлик — хазина
Бу нимади, топ ошна.

(Тоғ)

ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ, ИИЛ ФАСЛЛАРИ ҲАҚИДА

2039. Кўзга кўринмас,
Кўлга илинмас.
Шусиз ҳеч жойда
Ҳаёт ҳам бўлмас.

(Ҳаво)

2040. Ерни ёриб бинафша,
Чиқди уриб бир акса,
Олча, гилос гул очди,
Атрофга хуш ҳид сочди.
Қайси фасл бу фасл,
Ҳавоси соз, кўп асил.

2041. Бола келар, бола келар,
Илк меҳр ола келар.
Силаб-сийлаб дарахтларга,
Гулдан маржон тақа келар.

(Баҳор)

2042. Қишда оқ гул,
Баҳорда сув сочади.
Ел эсганда,
Тумтарақай қочади.

2043. Мотори йўқ, жони йўқ,
Кўк юзида сузади.

Қанотларин ёйганда,
Кун кўзини тўсади.

2044. Оёғи йўқ юради,
Кўзлари йўқ йиғлайди,
У Қуёшдан кучлидир,
Шамол эсса қочади.

2045. Ўркач, ўркач оқ туя,
Бирдан келиб қолади.
Бир лаҳза ўтмасданоқ,
Кўкни қоплаб олади.

2046. Уйи йўқ, ғами ҳам йўқ,
Баъзан келиб қилар дўқ,
Йиғлаб юборса бироқ,
Лой бўлади ҳаммаёқ.

2047. Қаноти йўқ, кўкда учар,
Оёғи йўқ, чопиб юрар.
Ўзини ҳеч бир ушлатмайди,
Ҳар доим қочиб юрар.

2048. Хирмон тўла момик — пахта,
Бироқ уни териб бўлмас.
Юборилмас заводга ҳам,
Машинага ортиб бўлмас.

(Булут)

2049. Осмон чироғи,
Ёнди-ю, ўчди.

2050. Кўкда олов кўз олар,
Дам ўтмай сўниб қолар.

2051. Бир зум чақнаб учар у,
Кўзни олар зўр ёғду.
Учқуни тушса борми,
Уйми ё ўрмонзорми,
Ёндириб қилар вайрон,
Қилиғи шундай ёмон.

Ини йўқ, тутиб бўлмас,
Яхшилиқ кутиб бўлмас.

(Чақмоқ)

2052. Илон изли ёруғ нур.
Булутларни қучади.
Жарангдор овозидан
Еру осмон кўчади.

(Чақмоқ,
момақалдиороқ)

2053. Чирмандаси осмонда,
Рақси ерда, ҳар ёнда.
2054. Оқ чодирим кўкда учар,
Томчилари ерни қучар.
2055. Пақири йўқ сув сепар,
Тут қоққандай дув сепар.

(Булут, ёмғир)

2056. Ерга тушса лой қилар,
Деҳқонларни бой қилар.
2057. Катта челақ тешилди,
Ундан кўп сув тўкилди.
2058. Тунукани чертади,
Кесакларни кертади.
Бир оз «шўхлик» қилгач у,
Ерга сингиб кетади.

(Ёмғир)

2059. Беқасамдан йўли бор,
Осмон-фалакда чиқар.

(Камалак)

2060. Бири осмондан тушиб,
Ерга ютилар.
Бири ерда тугилиб,
Осмонга кетар.

(Ёмғир, тутун)

2061. У тушганда дала, қир,
Кулади қақир-қақир.
2062. Осмон майда ўқ сочар,
Ҳамма панага қочар.
2063. Осмондан шотир-шутир,
Ёғилганда ўқ бўлар.
Гар қўлингга ушласанг,
Минут ўтмай йўқ бўлар.

(Дўл)

2064. Кўрсанг, дерсан қум шакар,
Таъми йўқ, есанг агар.
Эрийди сувда, қўлда,
Ҳисобсиз учар йўлда.
2065. Кўкда суфра очилди,
Ичидан ун сочилди.
2066. Оқ дастурхон эриди,
Эриб ерга сингиди.
2067. Уйнаб тушар йўлимга,
Гоҳо қўнар, қўлимга.
Ўзи жуда ҳам юмшоқ,
Худди пахтадек оппоқ,
Нафасимнинг тафтида,
Эриб кетди кафтимда.
2068. Элакдан ун эланди,
Сўнгра усти беланди.
2069. Юмшоқ бўлиб пахта эмас,
Гирчиллайди, тахта эмас.
Дарахтларни кийинтирар,
Оппоққина, яктак эмас.
2070. Ғоз тўши ётар ерда,
Тўкин-сочинли элда.

Она-Ер кўпчир ундан,
Ранги қолишмас ундан.

2071. Қўлсиз эланса элак,
Ёғар чексиз капалак.
Думалатсак юмалоқ,
Шакар эмас, ранги оқ.
2072. Ёзиб кумуш поёндоз,
Совуқда элар шакар.
Шарбатсиз ясар новвот,
Топинг сиз бермай шаҳар.
2073. Қиш зийнати, пахтадай оқ,
Ҳовли, боғни қоплаб ётар,
Иссиқ уйга олиб кирсанг,
Йиғлаб, бошқа ҳолга ўтар.
2074. Катта оппоқ дастурхон,
Ҳаммаёқни қоплаган.

(Қор)

2075. Қорга ўхшар, эмас қор,
Қор каби совуғи бор.
Қуёш чиққан замони
Йўқолар ўша они.

(Қиров)

2076. Январь бобо новвот сотди,
Олган эдим қўлим қотди.
2077. Утда ёнмайман,
Сувда ботмайман.
Қора қишларда —
Жоним сақлайман.
Баҳор келганда —
Йиғлаб биткайман.
2078. Қишда сероб, ёзда бўлмас,
Ялтирайди ойна олмос.

(Муз)

2079. Хунари йўқ, қўли йўқ,
Рассомдек расм солар.

2080. Қўли бўлмаса-да, гар,
Ойнага расм солар.
Кўчага чиқсанг агар,
Юзинг чимчилаб олар.
Қани укажон Туроб,
Бу нимади номи, топ!

2081. Қишда қутулмайсан,
Ёзда тutilмайсан.

(Совуқ)

2082. Эшитасан — кўрмайсан,
Қачон бўлар, билмайсан.
Ҳаммаёқни чаңгитар,
Шовқин солиб гангитар.

2083. Қаноти йўқ, учади,
Гуллар атрин сочади.
Уни севиб болалар,
Тезда варрак бичади.

2084. Ўзи кўзга кўринмас,
Югурар тинмай бирпас.
Сувларни жимирлатар,
Гулларни қимирлатар.

2085. Қўл-оёғи бўлмайди,
Киши уни кўрмайди.
Ғувиллайди, учади,
Деразани очади.

2086. Оёғи йўқ, қўли йўқ,
Ҳар томонга учади:
Кўринмасдан сояси,
Эшикларни очади.

2087. Кўзга кўринмас ўзи,
Кўшиқ айтар қулоққа,
Гулларнинг хушбўй ҳидин
Келтиради димоққа.

2088. Гоҳо дилкаш, гоҳо қув,
Қўл оёқсиз чопар у.
На уйи, қафаси бор,
Жони йўқ, нафаси бор.
2089. Қаноти йўқ учади,
Кенг оламини қучади.
2090. Меҳмон бўлиб боғима,
Ҳид пурқар димоғима.
2091. Туради-ю, ўзи йўқ,
Юради-ю, изи йўқ.
2092. Кўриб бўлмас кўз билан,
Ушлаб бўлмас қўл билан,
Усимликлар куйлашар,
Шивирлашиб у билан,

(Шамол)

2093. Жўшиб куйлар акаси,
Рақсга тушар укаси.

(Шамол,
Ўсимлик)

2094. Ҳар томондан келиб ғувиллаб,
Чанг-тўзонни ҳайдаб юрар.
Дарахт йиқиб, том учириб,
Денгизларни ҳайқиртирар.

(Бўрон)

2095. Осмондан ёғади у,
Ёмғир, қордек бўлмас сув,
Кун чиққач кетар тарқаб,
Ким номини олар пайқаб!

(Туман)

2096. Эртактаги девлардек,
Ер остида ёғади.

Вақти келса қутуриб,
Ўзин қўкка отади.

(Вулқон)

2097. Бир кунга келган меҳмон,
Уни шод кутар мезбон.
Барчани қутлаб ўтар,
Бир йилдан кейин кетар.

(Янги йил)

2098. Бир онаси бор,
Ун икки боласи бор.

*(Бир йил,
12 ой)*

2099. Менинг битта ошнам бор,
Тўртта ўғли бор.
Ун иккита невараси бор,
Ҳар қайсисининг номлари бор.

*(Бир йил; тўрт фасл,
12 ой)*

2100. Бир шаҳар, шаҳарда ўн икки минора,
Минорада ўттиз дераза, ҳар деразадан
Йигирма тўрт ўқ узилади. Бу нима?

*(Бир йил, 12 ой,
30 кун, 24 соат)*

2101. Қелиб кетар бир йилда,
Тўрт оғайни ҳар хилда.

(Тўрт фасл)

2102. Навбат билан икки ўртоқ,
Постда турар доим уйғоқ.
Бири оқу бири қора,
Бу нимади ўйлаб қара.

2103. Ҳар кун ерга тушади,
Иккита сара парда.
Икки рангда икковни,
Оқ парда, қора парда.
Тушганда қора парда,
Оқ парда бекинади,
Оқи тушса агарда,
Қораси чекинади.

(Кун ва тун)

2104. Ҳзи кўринмас кўзга,
Тушунмас гапга, сўзга.
Худди шамолга ўхшар,
Доимо олға шошар,
Шамолга етиб бўлмас,
Уни ҳам йиртиб бўлмас,
Лекин қувлаган етар,
У мақсадига етар.

2105. Бекорчига керакмас,
Ишлаганга билинмас.
Ҳзи қўлсиз — оёқсиз,
Қарасангиз — кўринмас.

(Вақт)

2106. Кундуз куни йўл юрсак,
Ҳамроҳ бўлар биз билан.
Қайга борсак боради,
Бизнинг босган из билан.
Уйга кириб кетсак у
Дарров бекиниб олар,
Баъзан эшикда қолиб,
Бизларни кутиб турар.
2107. Ҳамроҳим бор бефойда,
Қўймас ёлғиз ер — сойда.
Кет десанг, кетмайди,
Саваласанг, ўлмайди.

2108. Юрар у бирга-бирга,
Чиқсанг тоғ ё адирга,

Сендан ортда қолмайди,
Сен толмасанг, толмайди,
Йўлдош бўлмас ойсиз тун,
Ё Қуёшсиз кундуз кун.

2109. Кўкда қуёш бўлганда,
Ортингиздан қолмайди,
Тун пайти ой бўлганда,
Ортингиздан қолмайди.
Қуёш ва ой бўлмаса,
Сизга ҳамроҳ бўлмайди.

2110. Чопса чопилмайди,
Ёпса ёпилмайди.
Булутли кун ҳар қанча,
Изласанг топилмайди.

(Соя)

**ОДАМ, УНИНГ АЪЗОЛАРИ, ХИСЛАТЛАРИ
ҲАҚИДА**

2111. Ёшлиқдан бошинг силаб,
Тинч, озод умринг тилаб,
Ардоқлаган, қўллаган,
Сени бахтга йўллаган.

2112. Оламга машҳур у,
Номи ўчмас мангу у.

(Она)

2113. Мен топишмоқ-топишмоқ,
Топиш учун ўйлаб боқ,
Доим яхшилик ишим,
Тентакдир душман кишим,
Бош ҳарфим «А»га етар.

2114. Дунёда энг тез чопар,
Бу нимадир ким топар,
Ракета деб ўйламанг,
Ракетани у топар.

(Ақл)

2115. Кўриниши ёйсимон,
Остида сонсиз тикан.
Жуда нозик чашмага,
Шу тикан эрур посбон.

(Қош, қиприк)

2116. Қўш булоқни қўш қатор
Соқчи қучиб туради.
Чўпу хасдан қўриқлаб,
«Лип-лип» учиб туради.

2117. Икки ярқироқ юлдуз,
Чарақлайди, учмайди.
Остин, устин толалар,
Пирпирайди учмайди.

(Кўз ва
киприклар)

2118. Икки қўшни, икки дўст,
Ёнма-ён туришади.
Йиғлашса бирга йиғлаб,
Баравар кулишади.

2119. Кундузи очиқ юрар,
Кечаси ёпиқ турар.

2120. Бир кўришга икки дурбин.

2121. Бир жуфт юлдуз
Порлар кундуз,
Тунда ботар,
Кеч бўлган кез,
Устига тез,
Парда ёпар.

(Кўз)

2122. Қичик бир майдончада,
Пирпирар икки чироқ.
Унинг қоқ ўртасидан
Кесиб ўтган катта тоғ.

(Кўз, бурун)

2123. «О» десам очилади,
«Б» десам, беркилади.

(Лаб)

2124. У бор сенда ва менда,
Қўй-чи, ҳар бир инсонда,

Энг яхшиси асал-қанд,
Ёмони-чи, берар панд.

2125. Ақлга дўст тутсанг, аъло сўзлар,
Йўқса у суяксиз — бало сўзлар.

(Тил)

2126. Йўл устида парча тўшак,
Нима экан ўйлаб кўрсак.
Терилган саф-саф,
Оппоқ зич садаф.
Икки қора мунчоқ,
Ёшиб турар ҳар чоқ.

(Лаб, тиш, кўз)

2127. Бир уйчада турарди,
Уттиз икки паҳлавон.
Бирдек кийган оқ либос,
Бирдек аҳил, жонажон.

(Тиш)

2128. Деҳқон қирга сепмаган,
Боғбон уни экмаган.
Ойда ўрилар бир бор,
У нарса ҳаммада бор.

(Соч, соқол)

2129. Бири сўзлар, бири эшитар,
Бири уни ипдай пишитар.

(Оғиз, қулоқ, мия)

2130. Товушларни тинглайди,
У жойидан жилмайди.
Боқмасангиз кўзгуга,
У сизга кўринмайди.

2131. Менинг икки антеннам бор,
Ўрнатилган ўзимга.

То ойнага қарамасам,
Кўринмайди кўзимга.

(Қулоқ)

2132. Олти қариндошим бор:
Иккиси гап эшитар,
Иккиси қараб турар,
Ундан бири-ҳид сезар,
Яна бири сўз сўзлар.

(Қулоқ, кўз,
бурун, оғиз)

2133. Бир тешикдан чиқади,
Ҳам аччиғу, ҳам чучук.
Уни ушлаб бўлмайди,
Исми бору жисми йўқ.

2134-2135. Асал эмас, ёқади,
Ари эмас, чақади.

(Гап, сўз)

2136. Қичқирсанг чиқиб кетар,
Олис жойларга етар.

2137. Ўзи бору кўринмас,
Ҳаёт усиз ширинмас.
Унинг жонидан севган
Дўсти — қулоқ, бурунмас.

(Товуш)

2138. Дунёда бир нарса борки, у бўлмаса
Ҳеч ким бир-бирини танимайди.

2139. Ўзингда бор, лекин бошқалар уни
Сендан кўпроқ ишлатадилар.

(Исм)

2140. Гўё соатнинг ўзи,
Юриб турар эрта-кеч.

Минуту секунди йўқ,
Уриб турар эрта-кеч.

(Юрак)

2141. У бор, мен бор,
Ҳатто сен бор.
Тану жонга
Удир мадор.

(Қон)

2142. Ҳар бир ишни беш ўртоқ,
Бажарар аҳил, иноқ.

2143. Бир майдонда беш полвон,
Бир-бирига эш полвон.
Булар, улар бирлашса,
Тоғни янчар паҳлавон.

(Қўл, бармоқлар)

ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДА

2144. Тўртта унинг оёғи,
Темир михли туёғи.
Манзилга етиштирар,
Тошдан ўткир туёғи.

(От)

2145. Мана сизга топишмоқ,
Қўпинча ейди янтоқ.
Боласининг бўйнида,
Гоҳо бўлар қўнғироқ.

2146. Уркач, ўркач тоғ, дедим,
Ўртасига ўтирдим.

(Туя)

2147. Оёқлари катта-катта — тўрт устун
Тумшугида қўтарар йўғон пўстин.

(Фил)

2148. Тўрт оёқ,
Узун қулоқ,
Овози гудок,
Мияси қовоқ.

(Эшак)

2149. Ҳамма ёғи оладир,
Ўтлов, қамиш хонадир,
Ҳайвонларни кўрганда,
Дам тортмасдан оладир.

2150. Яшар ери тўқай, ўрмон,
Ўзи катта, лекин чаққон,
Ташлар оғир, вазмин қадам,
Кўзи чақнаб турар ҳар дам.
Олачипор тўни ҳам бор,
Айтинг-чи, бу қандай жонивор?

2151. Ола-була тўни бор,
Чағир кўзли, мўйловдор.

(Иўлбарс)

2152. Ўзи ҳайвон,
Сочи айвон.

2153. Қалта оёқ, узун дум,
Бўйни йўғон, каллахум.
Бунга макон-тўқай, қум
Афти хунук, жуда шум.

(Арслон)

2154. Бесўнақай гавдаси,
Жуда иссиқ пальтоси.

(Айиқ)

2155. Кучугимга ўхшайди,
Товуқни еб тўймайди.

(Тулки)

2156. Эғнида бор пальтоси,
Қорнида бор халтаси.
Халтасида боласи,
Севгани, кўз қораси...

(Кенгуру)

2157. Олачипор чопони бор,
Бўйни уч газ, елдай чопар.
(Жирафа)
2158. Қичкинагина бўйи бор,
Жингалак пўстин тўни бор.
(Қўй)
2159. Бошида таёғи бор,
Саккизта туёғи бор.
(Эчки)
2160. Анча фойдали ўзи,
Кечаси чақнар кўзи.
Майин тукли тўни бор,
Ов қилганда кўп айёр.
Соқоли йўқ, сермўйлов,
Қани, ким топар дарров.
2161. Уйда яшар одам каби,
Чол эмасу бор мўйлаби.
Ўз эғнига кийган пўстин,
Итга ўхшар, демас «вов-вов»,
Кўпинча дер: «миёв-миёв»
Болалар-ла жуда тотув,
Билсам, бунинг оти...
2162. Қоплон каби юришига ҳай-ҳай дейсиз,
Ўлжасининг ўйнашига бай-бай дейсиз.
Лекин итга йўлиққанда бир дўқ уриб,
Лип дарахтга қочганига ай-яй дейсиз.
2163. Шерга ўхшаш юриши,
Кемшиқдир кўрсанг тиши.
Ҳолва берсанг қарамас,
Сичқон севган емиши.
2164. Юради кўча-кўйда,
Доим яшайди уйда.
Олачипор тўни бор,

Кўп фойдали жонивор.
Соқоли йўқ сермўйлов,
Қани ким топар дарров.

(Мушук)

2165. Бошида жуфт чироғи,
Тумшугида яроғи,
Қорнида бор тароғи,
Айтингиз-чи, у нима?
2166. Сув тагида парча ой,
Ой бўлса ҳам фарчча мой.
2167. Қўл-оёқсиз чопиб толмас,
Сувсиз, асло, яшай олмас.
2168. Боши бору сочи йўқ,
Тез сузишда тенги йўқ.
2169. Қуш эмас, қўш қанотли,
Серуруғ ва кўп зотли,
Думи елпиғичсимон,
Унинг гўшти хўб тотли.
2170. Танга-танга тўни бор,
На оёғи, қўли бор.
Тугай десанг қочади,
Ракетадек учади.
2171. Емғир ёғалоқ,
Тарвуз юмалоқ.
Жаладан қўрқмас,
Лаққа бақалоқ.

(Балиқ)

2172. Агтор эмас, игнаси бор,
Юмшоққина синаси бор.
Қани топинг, ўртоқларим,
Қир-далада уяси бор.
2173. Қўлга олиб бўлмайди,
Тиконлари санчади.

Баъзан бўлар думалоқ,
Баъзан бўлар тўрт оёқ.

2174. Хавф бўлса копток бўлиб,
Игна кўрпа ёпади.
Зумда кўз очиб туриб,
Илгарилаб чопади.

2175. Қийгани игна пўстин,
Егани илон гўштин.
Қунлар изғийди ҳар чоқ,
Қундуз ухлайди узоқ.

2176. Тикувчимас,
Бичувчимас.
Нийнаси анча экан,
Ёвига сапча экан.

2177. Қундуз куни инда ётар,
Тунда кезиб, игна сочар.

2178. Бу жонивор беозор,
Усти нуқул тиканак.
Копток дейсиз бемалол,
Бўлиб олса ғужанак.

2179. Минглаб игнани кўрдим,
Тешиги йўқ ҳеч бирин.

(*Типратикон*)

2180. Очиб қумнинг орасин,
Қўмар тухум — боласин.

2181. Бир қарич келмас бўйи,
Доимо бирга уйи,
Секин қимирлаб,
Юрар имиллаб.

2182. Қийим-боши қаттиқ тош,
Тош ичида яшар у,
Юрганда чиқариб бош,
Қир-қирдан ошар у,

Юрса ҳамки имйллаб,
Яшар лекин юз йиллаб.

2183. Саҳрода яшар доим,
Юради судралиб жим.
Ҳеч тиши йўқ оғзида,
Ҳар йилнинг у ёздан —
Токи кузакка қадар
Ширин уйқуда ётар.
Овқатланмасдан баъзан
Уч йилгача яшаган,
Бунинг оти нимадир?
Қани, айтинглар-чи, бир!

(Тошбақа)

2184. Қанотлилар ичида,
Тухумламай туғади,
Урмаловчилар ичида,
Тухум қўйиб очади.

(Кўршапалак,
тошбақа)

2185. Қур-қур этар у ёзда,
Тўйиб ухлаб аёзда.

(Бақа)

2186. Танасидан думи узун,
Кўрмасам дер мушук юзин.

2187. Йил бўйи нурдан қочиб,
.Ерни тешиб, йўл очиб,
Ер қаърида сақлар жон,
Қим экан бу, (ўйлаб топ)!

2188. Думи узун бўйнидан,
Бир текинхўр жонивор.
Баъзи кимса уйида
У қурғурнинг кони бор.
Ўзи ўчдир ғаллага,
Агар чиқсанг далага,

Уни кўплаб топасан,
Мушук излаб чопасан.

(Сичқон)

2189. Кўринмайди кундузи,
Тунда учар қуш ўзи.
Эмизар боласини,
Уйлаб топинг-чи, Қўзи.

2190. Қуш эмас қаноти бор,
Кўкрагида қопи бор.
Фақат оқшом учади,
Нурдан қўрқиб қочади.

(Кўршапалак)

2191. Кўриниши калта арқон,
Қўл-оёқсиз чопар чаққон.

(Илон)

2192. Ер тагида доим яшайди,
Тўрт фасл ҳам ерда қишлайди.
Фақат ёмғир ёққан кун,
Ер юзига чиқиши мумкин.

(Чувалчанг)

ПАРРАНДА ВА ҚУШЛАР ҲАҚИДА

2193. То қоронғи бор экан,
Доим сергак ётаман.
Қишлоғимни уйқудан
Тонг оғса уйғотаман.
2194. Менинг битта соатим бор,
Чиқилламай вақтни айтар.
2195. Тонг саҳарда сайрайди,
Силкиниб, қанот кериб.
Кенг фермада яйрайди,
Дон териб, увоқ териб.

(Хўроз)

2196. Бўйни узун гоз эмас,
У кетган кун ёз эмас.
Яшаб иссиқ томонда,
Учиб юрар осмонда.
Оёқлари бир қулоч,
Илонга кўп кўзи оч.
2197. Тарнов тумшуқ, қамиш оёқ,
Қийган тўни — майин, оппоқ.
Ноғорасин чалиб так-так,
Нимадан у берар дарак.
2198. Қушимнинг бўйи новча,
Тумшуғи-чи, тарновча,

Жуда узун оёғи,
Ола-була ҳар ёғи.

(Турна)

2199. Қишда кетиб қолади,
Баҳор қайтиб келади.
Барабанларин чалиб,
Кўкда базм қилади.

(Лайлак)

2200. Сувда сузар эрта-кеч,
Устига сув юқмас ҳеч.

2201. Шўнғиру қуруқ чиқар.
Сув тагин кўриб чиқар.

2202. Ранги ҳар хил, кул ранг, оқ,
Оёқлари юнг пайпоқ,
Ерда юради аста,
Сувда сузишга уста.

(Ўрдак)

2203. Иссиқ элда,
Қатта чўлда,
Қум устида,
Очар жўжа.
Узун бўйин,
Баланд қомат,
Кучли оёқ,
Қалта қанот,
Қанот қоқар,
Учмас чопар,
Қани кимдир,
Ўйлаб топар.

2204. Чопар гўё учар қуш,
Бўйи туядек дароз.
Номи қуш бўлса ҳам у,
Осмонда қилмас парвоз.

(Туяқуш)

2205. Болта, теша, арраси йўқ,
Ўзи уста, рандаси йўқ.
Дарахтларни тўқ-тўқ чўқир...
Ҳеч кимсага парвоси йўқ.

2206. Ўзи ола, узун тумшуқ,
Пармаси йўқ, дарахт тешар.

2207. Тумшуғимиз нақ бигиз,
Парма десак ҳам бўлар.
Дарахт танасидан биз,
Қурт излаймиз ҳар маҳал.

2208. Кичкина бир қуш ўзи,
Жуда ҳам ўткир кўзи.
Тақ-тўқ этказиб,
Пўстлоқлардан ўтказиб,
Қурт териб у дарахтдан,
Асрар турли хил дарддан.

(Қизилиштон)

2209. Қич-кичкина парранда,
Булбул каби созанда.
Кўкрак пари тўқ сариқ,
Овлаб емиши балиқ.

(Балиқчиқуш)

2210. Қайчи қанот, қора қошли
Бор ажойиб жажжи қушим,
Ўзи бизда қишламайди,
Дон-дун сочсам хушламайди.
Ҳашаротни қирар, ошар,
Одам турган жойда яшар.

2211. Удир баҳор элчиси,
Янги куннинг куйчиси.
Ҳар хонадон меҳмони,
Ўйлаб кўринг-чи, қани,
Чугурлаб қўшиқ ёзар,
У жуда ҳам беозор.

2212. Қаноти қийғоч қора,
Қушлар ичида сара.
Ҳиндистондан келади,
Бошимда айланади.
Ин қуради уйимда,
Қатнашади тўйимда.

(Қалдирғоч)

2213. Ёз бўйи ҳеч тинмасдан,
Дон, нон ташир питирлаб.
Ерда, томда, дарахтда,
Қирда юрар чириллаб.

(Чумчуқ)

2214. Бир қушчани қилсам танқид,
Қаранг менга қилар тақлид,
Гапиради шундай тахлит,
Топ-чи, қайси қуш у.

(Тўтиқуш)

2215. Ёзда келиб, қишда кетар қушларга,
Болачалар уя солар баҳорда.
Кўпдан кетган қушча келди яна,
Оти унинг кўп чиройли...

2216. Бир қушим бор топ отини,
Ўзи айтар ўз отини.

(Майна)

2217. Бир қушим бор топ зотин
Ўзи айтар ўз отин.

(Какку)

2218. Агар қаттиқ иситсанг,
Чидолмас, музлар шу чоқ.

2219. Ўзи думалоқ,
Қор каби оқ.

2220. Оқ идишда икки ўртоқ,
Бири сариқ, бири оқ.
Ўтга тушса муз бўлар,
Ерга тушса сув бўлар.

(Тухум)

2221-2223. Қордай оппоқ, дум-думалоқ,
Тегса биров, қайнар булоқ,
Тегса олов, музлар шу чоқ,
Жонсиз дема, жонли ўзи,
Ундан чиқса митти кўзи,
Пати момик, чип-чип этар.

(Тухум, жўжа)

2224. Оқ тош ола бўлди,
Ичидан чиқди қора бўлди.

(Жўжа)

ҲАШАРОТЛАР ҲАҚИДА

2225. Ҳашаротлар асили,
Тилла ёнғоқ ҳосили.
2226. Бирдан минг бўлур,
Граммдан тонна.
2227. Бир ёғочда қирқ бутоқ,
Қирқ бутоқда қирқ ин.
Қирқ инда қирқ тухум,
Қирқ тухумда қирқ бола.

(Пилла)

2228. Жуда майда бўлади,
Дастлаб очилган куни.
Меҳр қўйиб каттайтар,
Уйда оналар уни.
Қўм-қўк барра баргларни,
Шитирлатиб ейишар,
Шу туфайли одамлар,
Шоҳи атлас кийишар.
2229. Оқ тойчоғим сургалади,
Оқ юргакка буркалади.
2230. Тут баргидан ўзга овқат —
Кўринмайди кўзига.
Шоҳи бўлар, атлас бўлар,
Фойдаси йўқ ўзига.

2231. Тут баргидан тўймайди кўзи,
Кўйлак тикиб киймайди ўзи.
2232. У келмайди қиш эртаси,
Баҳор билан ёз ўртаси.
Бир ойгина меҳмон бўлар,
Кенг сўрида яйраб юрар.
Табиати бир оз инжиқ,
Ухлайди уй бўлса иссиқ.
Фақат бир хил овқат ейди,
«Келтир менга япроқ» — дейди,
2233. Ўзи майин, ранги йўқ,
Шакли ўхшар саккизга.
Ундан бўлган буюмлар,
Албатта, керак бизга.
2234. Кийган кўйлаги ўзига фойдасиз.
(Ипак қурти)
2235. Дарахт гулин ялайди,
Хужум қилсанг, талайди.
Найзаси дардга даво,
Бу нимадир, ажабо?
2236. Излар тинмай кун бўйи,
Гулнинг асл хуш бўйин.
Баҳор фасли келганда,
Бошлашар улар ўйин.
2237. Боғда ғинг-ғинг учади,
Гул шарбатин ичади.
Кўрсанг узун найзали,
Ҳосил берар мазали.
2238. Тиришқоқ, биз-биз учади,
Ғунчалардан гул очади.
Гулни-гулга пайванд этиб,
Шарбатидан бол ичади.
2239. Топгин-чи, мен нимаман,
Чаманзорда еламан,

Гулдан ясаб тотли ош,
Оғзинг ширин қиламан.

2240. «Биз-биз» қўшиқ, куйи бор,
Боғимизда уйи бор.
Аҳил-иноқ ишлайди,
Ишхонаси — чаманзор.

2241. Қўшнимникига кирсам,
Икки минг ишчиси ишляпти.

2242. Гулдан гулга қўнар у,
Шарбат йиғиб жўнар у.
Йиғиб ўзи емайди,
Уясига тўплайди.
Ҳосили мену сенга.
Қим номин айтар менга.

2243. Учса «ғув-ғув» этади,
Гулдан гулга ўтади.
Тегсанг агар ўйнашиб,
Найза санчиб кетади.
Ҳунари бор эрта-кеч,
Уй қуради қатор, зич.
Гулширасин йиғиб у,
Қиём қилар тинмай ҳеч.
Биласизми ҳол, Пари?
Топинг-чи!? Бу...

(Асалари)

2244. Зув-зув этиб зувағай,
Мўйлабини тарағай.
Қамич бўғот ичидан
Замбар тўқиб қарағай.
Қим бу замбарни бузса,
Бўғотдан қилич узса,
Найзасини чиқариб,
Шу кишини талағай.

2245. Чаён эмас — чақағон,
Қуш ҳам эмас — учағон.
Эртаю кеч ўзини
Биз-бизлаб мақтаб қоғон.

2246. Қуш эмас, учағон,
Чаён эмас, чақағон.
Эртаю кеч ўзини
Биз-бизлаб қоғон.
Ашуласи: зув-зув,
Дуторлари: ғув-ғув.

(Ари)

2247. Кўриниши филга ўхшар,
Оёқлари қилга ўхшар.

(Ниначи)

2248. Пилдир-пилдир силкинар,
Танда икки япроғи.
Турса гулга беркинар,
Қайси гулнинг ўртоғи.

2249. Пир-пир учар ини бўлмас,
Кундуз бўлиб, туни бўлмас.
Қиш келганда қайда юрар,
Унинг шовқин-уни бўлмас.

2250. Икки япроқ, бир танда,
Кезар ёзда чаманда.

2251. Гулларда бир гул кўрдим,
Япроқлари ялтироқ.
Узмоқчи бўлган эдим,
Учиб кетди у шу чоқ.

2252. Гул баргимас ҳарён чопган,
Япроқмас ўйин қилган.
Қаноти, шохи хил-хил,
Учишига мен қойил.
Биласизми, ўртоқжон,
Бу нима? Келар қачон?

2253. Қишда қочаман,
Баҳорда пайдо бўламан.

Ёзда қувонаман,
Кузда яна ётиб қоламан.

(Капалак)

2254. Қора, аммо қарға эмас,
Шохлари бор, ҳўкиз эмас.
Олти оёқ — туёқсиз,
Учади, ғинғиллайди,
Ўтириб ер ковлайди.

(Қўнғиз)

2255. Нийначининг полвони,
Остида бор нарвони.
Юрагида ёнар ўт,
Бунинг номи..?

(Қора қурт)

2256. Ипин чувиб ҳар ёққа,
Тушар уйнинг шифтидан.
Кейин овга чиқмоққа,
Тўр тўқийди ипидан.

2257. Сочнинг торидан ҳам ингичка
Ипнинг устида юрар.

2258. Пашшага қўяр тузоқ,
Изғиб бурчакма-бурчак...

2259. Бурчакни топиб олиб,
Ҳунарин ишга солиб,
Тўр тўқийди тинмайин,
Тўқиган тўри ипсиз.

(Ўргимчак)

2260. Қатор-қатор қора карвон,
Эртаю кеч ташир дон.

2261. Ёз бўйи ҳеч тинмасдан
Дон, нон ташир питирлаб.

Ерда, томда, дарахтда,
Қирда юрар гириллаб.

2262. Меҳнат қилар тинмайин,
Чарчаш нима билмайин,
Иноқ бўлиб тўқ яшар,
Қишда муҳтож бўлмайин,

2263. Митти, ориқ отим бор,
Бели ингичка қилдай.
Аммо турмайди бекор,
Ишда қудрати филдай.

2264. Митти-митти қора отим,
Баъзисининг бор қаноти.
Ёзда тинмай бирга ишлар,
Жам бўлишиб, бирга қишлар.

2265. Қорагина йўрға от,
Ўзи ҳеч кишнамайди.
Беллари нозик қилдай,
Бедани тишламайди.

2266. Ишлайди тиними йўқ,
Бир нафас қўними йўқ,
Ўзининг бели ингичка,
Лекин эга зўр кучга...

(Чумоли)

2267. Сочмаса ҳам ҳеч заҳар,
Турган-битгани зарар.
Йўқ кулбасин тайини,
Ўлдирмоқ керак уни.

2268. Ўзи кичик ҳашарот,
Хиралик унга одат.

2269. Сочмаса ҳам заҳар,
Турган-битгани зарар.
Йўқ қилмоқ керак уни.

(Пашша)

**ДАРАХТ, МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ВА МЕВАЛАР
ҲАҚИДА**

2270. Қийиниб иссиқ ёзда,
Ечинади аёзда.
2271. Ёзда салқини яхши,
Қишда ёлқини яхши.
2272. Қўк халат кийган доктор,
Укол игнаси йўқдир.
Ишхонаси гулбоғлар,
Урмонзор, дала, тоғлар.
Берар кислород — ҳаво,
Минг дардга бўлар даво.

(Дарахт)

2273. Сочларим толим-толим,
Топа қол, бўлсанг олим.
Минораман узунчоқ,
Фиштларим садаф-мунчоқ.

(Чинор)

2274. Минорага бўй чўзиб,
Минора бўлолмайман.
Оёғимдан кессалар,
Бир жойда туролмайман.
Қурилишга бораман,
Уйга кирсангиз агар,

Остингиздан, устингиздан,
Енингиздан боқаман.

(Терак)

2275. Узи ўрмонда бўлар,
Қишин, ёзин бир кўйлакда турар.
2276. Тоғда, боғда яшайди,
Қишин, ёзин яшнайти.
2277. Қишин-ёзин баробар,
Кўм-кўк турар барглар,
Узи минг ёшга етар.
2278. Тоғларда ўсар жойи,
Қояларнинг чиройи,
Қиш келганда, ўртоқжон,
Уйимизда у меҳмон...
2279. Яшил сочли малика,
Тақинчоғи хилма-хил:
Меҳнат қилиб даврада,
Олқишлаймиз йилма-йил.
2280. Қишин-ёзин яшнайти,
Қийимларин ечмайди.

(Арича)

2281. Бош кўтармас юқори,
Дарахтларнинг камтари.
Ўртоғига тенглашган,
Аммо ўзи энгашган.
2282. Қишда ухлаб яланғоч,
Баҳор кўяр яшил соч.
2283. Яшил саватнинг боши,
Сувга қараб эгилди.
Чилвир-чилвир сочлари,
Зилол сувда ювилди.

(Тол дарахти)

2284. Толда қуён қулоғи,
Уртасида улоғи.

(Тол барғи)

2285. Тол барғак тақиб синглим,
Мақтанади:— Сочим узун.
Қўзи келиб ортидан,
Еб қўйди уни бутун.

*(Тол барғидан
қилинган чамбарак)*

2286. Қўклам кези безатиб,
Ёзда салқин беради.
Қуз пайтида овқату —
Қишда иссиқ беради.

(Мевали дарахт)

2287. Икки томони пўстлоғ,
Уртаси сариг ёқ.

2288. Меваси бор юм-юмалоқ,
Чақсанг мағзи худди сарёғ.
Ранг олинар пўстлоғидан,
Спирт чиқар япроғидан...

2289. Юм-юмалоқ ёғоч хумча,
Ичи тўла ёғли кулча.

2290. Дарахтларнинг шохида,
Қатор қозон осиглиқ.
Товоғин очиб боқсанг,
Ичи тўла мой жиқ-жиқ.

2291. Дум-думалоқ жажжи ой,
Чақиб есанг, фиж-фиж мой.

2292. Пўсти қаттиқ ва чўтир,
Ўзи шардек думалоқ,
Ичида яшар тотув —
Тўртта қадрдон ўртоқ.

(Енғоқ)

2293. Қизил гулдай, гул эмас,
Ҳиди гулдан кам эмас.
Ўзи думалоқ, тухум эмас,
Есанг ширин, шакар эмас.

(Олма)

2294. Бир туп дарахт,
Танаси зумрад.
Барги кумуш,
Меваси олтин.
2295. Тусин кўриб зар дедим,
Тотиб асал қанд едим.
2296. Сариклигини зар дедим,
Татиб асал-қанд дедим.

(Ўрик)

2297. Тик қомат ўсар ҳар чоқ,
Барги яшил, япроқ,
Ипак қурт ер мулойим,
Ҳосили атлас доим.
2298. Шохлардаги оқ мунчоқ,
Дув тўкилди баҳорда,
Есанг уни шу чоқ,
Таъми асал, топ, ўртоқ!
2299. Олпоқ ширин доналар,
Дарахтларнинг бошида.
Пишса кетмас тегидан,
Қатта-кичик болалар,
2300. Бол йиғиб пишар юмшоқ,
Унга ҳар йил баҳор чоқ —
Ипак қурт олқиш ўқир,
Баргидан атлас тўқир.

(Тут дарахти)

2301. Сарик духобага ўралган,
Пишади олтинланиб.

2302. Малла тукли, сап-сарик,
Мураббоси мазалик,
Паловга босса бўлар,
Подвалга осса бўлар.

2303-2304. Духобага ўралиб,
Пишади олтинланиб,
Паловда ҳил-ҳил илик,
Топинг боғдан сиз таниб.

(Беҳи)

2305. Меваси кўп баргидан,
Сув аримас тагидан.
Беҳи эмас кўп туки;
Мазаси ҳам кўп тотли.

2306. Катта тухумни узсам,
Тўни бордир беқасам.
Ўзи шириндир есам.

(Шафтоли)

2307. Битта қопда тўла ун,
Ўртасида бир устун.

2308. Ўзи дарахт керакдир,
На ўрик, на теракдир.
Танаси жуда тетик,
Лекин, қизиқ, ўсмас тик.
Мевалари кеч пишар,
Дардга даво дейишар.
Ейишга ҳам ҳамма боп,
Унда бор: устун, ун, қоп.

2309. Япроқлари кумушдач,
Уни халқим «нон» дейди.
Мевалари ёқут — қанд,
Ҳар ким еса жон дейди.
Ер ўпади новдаси
Роса ҳосил қилса у,—
Чўғдай маржон тушар дув.

2310. **Бир дарахт бор, барги кумушдан,
Меваси олтиндан. Бу нима?**

(Жийда)

2311. **Гулсиз мева-қилади,
Кўп есанг — тил шилади.
Ғип-ғилдирак ой кулча,
Бу нима, ким билади?**

(Анжир)

2312. **Кичкина бир омбор,
Ичида минг тоғ бор.**

2313. **Олма, беҳидек дўсти бор,
Устида қалин пўсти бор.
Ичи тўла ёқут дона,
Суйиб еймиз қона-қона.**

2314. **Дум-думалоқ шар ўзи,
Пўсти қалин — қирмиз.
Донаси зиё, ёнма-ён,
Тизилган ёқут маржон.**

2315. **Майда ёқутдай қизил,
Ширин, нордон, хилма-хил,
Қалин тахир пўсти бор,
Ҳамма ерда дўсти бор.**

2316. **Копток десам, оғир-зил,
Юм-юмалоқ, қип-қизил,
Ичи тўла ёқут кўз,
Есанг маза, келса куз.**

2317. **Пиёладек келади,
Катта ва кичиклиги.
Олча сувига ўхшар,
Нордон ва чучуклиги.
Бирини санаб кўринг,
Юзга яқин дони бор.**

2318. **Дарахтда тўқ-қизил,
Бир олма пишди.**

Иккига ажратсам,
Мунчоқлар тушди.

2319. Дум-думалоқ, ялтирар,
Ичида қизил шарбат.
Фақат шарбат деб ўйлама,
Уруғи бордир албат.

2320. Пичоқ урсам қон чиқар,
Ҳамда гуж-гуж дон-чиқар.

2321. Пўсти оқиш, юнги йўқ,
Ёрсанг ичи гиж-гиж чўғ.

2322. Узи қизил, дўндиқча,
Маржон тўла сандиқча.

(Аноғ)

2323. Бутоқчада қайнаб битар,
Қулча нонга ўхшаб кетар.

(Анжир)

2324. Мунчоқ десам юмшоқ-ку,
Дум-думалоқ, ушоқ-ку.
Рангларими, қон-қизил,
Ёсанг маза кўп асил...

(Гилос)

2325. Эгилади ергача, синмас бироқ,
Тақир қизил исирға бесаноқ.
Қўйлак кияр ям-яшил, ярашар,
Исирғасин болалар талашар.

(Олча дарахти)

2326. Маржон-маржон юмалоқ,
Япроқлари шапалоқ,
Қора, қизил, сариқ; оқ.
Еб кўрмасдан ўйлаб топ.

2327. Меваларнинг ичида,
Бир ажойиб хили бор.

Есанг агар сен уни,
Ширини тилинг ёрар.
Ҳар бир боши бир неча
Доналардан иборат.
Кузда унинг пояси,
Ерга кўмилар фақат.

2328. Бир бандда тизилиб, қатор бесаноқ,
Яшаймиз барчамиз ҳамжиҳат — иноқ.
Шарбату ҳусни берар кекса занг,
Кўп-дардга давомиз, пишганда есанг.

(Узум)

- 2329-2330. Қип-қизилу — анормас,
Чўғга ўхшар — ёнолмас.
Мўралайди эгатдан,
Жой олади саватдан.

(Қулуннай)

2331. Баҳор келса очилар,
Боғ, йўлларга сочилар.
Ўзи қор каби оппоқ,
Эримайди у бироқ.

2332. Нега дов-дарахт оппоқ,
Ҳозир қишмас-ку, баҳор.
Кўкда офтоб чарақлар,
Дарахтда эримас қор.

(Тут)

ЭКИН ВА УСИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

2333. Олтин косада тошиб турар,
Дала ҳуснин очиб турар.
2334. Экин гуллаб очилар,
Мева тугар, етилар.
Қайси экин меваси,
Кийим бўлиб тўқилар?
2335. Оқ гулим — оппоқ гулим,
Ушлаб кўрсам юмшоқ гулим,
Териб хирмон қилган қушим,
Бўлиб кетди тоғ-тоғ гулим.
2336. Узун тола, мойи оқ,
Гулкоса — чипор чаноқ.
Маҳсулини кийганмиз,
Барчамиз бошдан-оёқ.
- 2337-2338. Кўм-кўк япроқ орасидан қарайди,
Жилмаяди, тебранади, яйрайди.
Юмшоққина оппоқ юзин кўрсатиб,
Бери кел, деб чевар қизни чорлайди.
2339. Баҳоси олтинга тенг,
Олган ўрни жуда кенг.
2340. Очилмайди у баҳор,
Кеч кузда етилади,

У кийим этилади.
Топинг-чи, бу қандай гул,
Узсанг ҳам сўлмас буткул.

2341. Бир юлдуз бор кўп қийматли,
Тўрт қиррали қосаси,
Қосасига булут тўлган,
Булут ичида боласи...

2342. Ҳзи оппоқ, юшоқ,
Ичида бор донаси.
Терсанг этак тўлади,
Юлдузнинг беш хонаси.

2343. Оппоқ, оппоқ, оппоғим.
Тивитдан ҳам юшоғим.
Ичи тўла оқ ёғим,
Тўн кўйлагим, белбоғим,
Ердан унган бойлигим.

2344. Жойлашган беш бармоққа,
Донғи кетган ҳар ёққа.
Ватани Ўзбекистон,
Тарбиячиси деҳқон.

2345. Олдин гул эди нуқул,
Гул ёнғоқ бўлди буткул.
Ёрилиб кетгач ёнғоқ,
Яна гул чиқди оппоқ.
Жуда ҳам лўппи ўзи,
Тагида бор юлдузи.
Териб уйсанг, бўлар тоғ,
Уруғидан чиқар ёғ.

2346. Улкан оппоқ дастурхон,
Дастурхон ёйган деҳқон.
Шод этиб элу юртни,
Тўкибди дуру олтин.

2347. Ичи мой, усти момиқ,
Бурунсиз олар нафас.
Ниҳол бўб чиқса тўлиқ,
Оқ олтин бўлар бўлиқ.

2348. Қор эмас оппоқ,
Пар эмас юмшоқ.
2349. Ранги оппоқ қор эмас,
Юмшоққина пар эмас,
Қимматбаҳо нарсадир,
Меҳнат билан ўсадир,
Уйлаб топинг дилбарим,
Унинг оти нимадир.
2350. У баҳорда унади,
Ёзда кучга тўлади,
Кузда пишиб етилиб,
Тоғ-тоғ хирмон бўлади.
2351. Онасидан кийим-бошим,
Боласидан ёғли ошим.
2352. Пардек юмшоқ онаси,
Ёғли пистоқ боласи.
2353. Барглари зилол денгиз,
Ҳар тупида қирқ юлдуз,
Куз фаслида лўппи юз,
Бу нима, айт-чи, Қундуз?
2354. Куз фаслида очилар.
Оқ гулларнинг чамани.
Қўрку — чиройи билан,
Шод этади ҳаммани.
2355. Упа сургандек юзи,
Юлдуздек чақнар кўзи.
Очилганда жажжи ой,
Ичи тўла жиққа мой.
2356. Оқ гулим, оппоқ гулим,
Ушласам юмшоқ гулим.
Уни териб йиққан эдим,
Бўлиб кетди тоғ-тоғ гулим.

(Пахта)

2357. Мушт тугилган беш бармоқ,
Тухумга ўхшар ўртоқ,
Ёзилса беш бармоғи,
Кўринар ҳосил қаймоғи.

(Кўсак)

2358. Бирини ерга тикдим,
Бир ҳовуч бўлиб чиқди.

2359. Кўйнидаги қатор-қатор олтинлар,
Жон эгасин узлуксиз тўйдирар,
Мен айтаман бу нарсалар кимда бор,
Жавобини беринг, ким топар?

(Бугдой)

2360. Ўзи жуда ҳам бўйдор,
Марвариддай дони бор.
У бор ерда мўлчилик,
Сут-қатиққа тўқчилик.

2361. Ярим метр бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
Садаф каби тишлари,
Ипакдек соқоли бор.

2362. Йўргакланган маликам,
Тилла сочи бир тутам.

2363. Маликамнинг бўйи етган,
Чиройлидир ўтакетган,
Жамолига бир қаранг-а,
Олтин сочи хўб ярашган.

2364. Бугдой эмас, на шоли,
Ипакдайин соқоли.
Марвариддай оқ дони,
Кўп япроқли ҳар ёни.

2365. Бошида бор кокили,
Белидадир ҳосили.

2366. Усар кўкка бўй чўзиб,
Қулочдай баргин ёзиб,
Хипчабел, заррин соқол:
Тишлари зич, дур мисол.
- 2367-2368. Қирраси кўп, тош эмас,
Нўхотшўрак, ош эмас.
Есанг ўзинг биласан,
Жуда маза қиласан.
2369. Бир ўсимлик ўсади,
Бўйдан баланд бўйи.
Экинларнинг ичида,
Юксак унинг обрўйи.
Биласизми у нима?
Гўшт, сут, ёғнинг базаси,
Уругидан пишар ноц,
Ширингина меваси.
2370. Узумдек гуж бош бўлар,
Тотли гўжа — ош бўлар.
Агар берсанг сизирга,
Елини сутга тўлар.
2371. Эксанг оласан барвақт,
Ҳам овқату, ҳам емиш.
Қўй, эчки ва сизирга
Фойдаси жуда кўпмиш.
2372. Сочларим толим-толим,
Топақол дўстим Олим.
Минораман узунчоқ,
Гишларим садаф мунчоқ.
2373. Эгатларга теришиб,
Оқ шоҳига ўралиб,
Чолдек қўяди соқол,
Силкинар келса шамол.
Бўйи бўйингдан ошар,
Ҳосили тўлиб-тошар...

(Маккажўхори)

2374. Тарам сояли қиз тўдаси,
Сувда ётар кун кечаси.
Сувда ётиб, сувда тўймай,
Саксон кунда савағдадир,
Тўқсон кунда товоқдадир.

(Шола)

2375. Ўзи жуда ҳосилдор,
Қорнида қора холи бор.
Узун, яшил уйчада.
Ётади қатор-қатор.

2376. Ўзи ўхшар буйракка,
Оқ кўйлакли қора қош.
Пиширсангиз бўлар ош,
Пиширмаса мисли тош.

2377. Қийик кўзли қалам қош,
Ундан бўлар ширин ош.

(Лови)

2378. Чети гулли патир нон,
Ичи тўла ғиж-ғиж дон.

2379. Ялт-ялт қилиб қуёшда,
Товланади бир лаган.
Уша лаган ичида,
Сарёғ, қаймоқ тўпланган.

2380. Элак ёғоч учида,
Эллик уй бор ичида.
Бу уйларнинг эгаси,
Қуёшни севар жуда.

2381. Ўзи экин, гул тақар,
Пишгач, есанг кўп ёқар.
Кун доим унга боқар,
У доим кунга боқар.

2382. Кунга боқиб тўймайди,
Шу одатин қўймайди.

2383. Гуллаганда ой дедим,
Пишгач, чақиб мой едим.

(Кунгабоқар)

2384. Мағизларнинг асили,
Ер остида ҳосили.
Пўчоғин пилла дейсиз,
Рангини тилла дейсиз.

2385. Узи пиллага ўхшар,
Ичи тиллага ўхшар.

2386. Пилла каби шакли бор,
Экилади ҳар баҳор.
Пишгач ковлаб олинар,
Ундан ҳалво қилинар.

(Ер ёнғоқ)

2387. Бир фаслда очилади,
Табиатга сочилади.
Қизил ёқут пиёлалар,
Буни топинг болалар.

2388. Қирда қизил шапкали,
Бир унгурда туради.
Кимки олдидан ўтса
Унга салом беради.

2389. Эрта баҳор кел қизгинам,
Тоққа ёйдим қизил гилам.

(Лола)

2390. Қишда уйда сақланар,
Сув пуркаб ардоқланар.
Уй ҳавосин янгилар,
Бу жумбоқни ким билар.

(Гул)

2391. Эксаг унади,
Урсаг ўсади.

(Беда)

2392. Ұсар жойи ариқ лаби,
Бўй таратар райҳон каби.

(Ялпиз)

2393. Сабзавотлар душмани,
Эгри-бугридир тани.
Кўринса бирор дарахт,
Шошиб-пишиб шу вақт
Чирмашар худди илон,
Сиқиб танин, сўрар қон.

2394. Оёғини ердан узмай, чиқар томга,
Қарнайлари тебранади ҳар мақомга.

(Зарпечак)

2395. Сон-саноқсиз қиличли,
Узун бўйли баҳодир.
Ётар узала тушиб,
Шовиллаб бежавотир.

(Қамиш)

2396. Хашак эди,
Чим бўлди.

(Силос)

2397. Хирмони катта, дони йўқ,
Дастори катта, нони йўқ.

(Кўлман ўтин)

2398. Чанқашини билмай,
Ұсади чўлда.
Тиконлари бор —
Қадалар қўлга.
Барглари тўмтоқ,
Бу нима ўртоқ.

(Янтоқ)

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА САБЗАВОТЛАР ҲАҚИДА

2399. Ичи қизил, пўстлоқ,
Қоп-қора донаси кўп.
Донасини ташлайсиз,
Мағизини ошайсиз.
2400. Узи қип-қизил асал.
Тўни бор кўк бахмал.
2401. Қора қошли уруги,
Чопони ола пўчоқ.
Думалашар пайкалда,
Ҳар бири кучоқ-кучоқ.
2402. Кўк беқасам тўним бор,
Ичим бахмал, лолазор.
Мазам ширин, гўё қанд,
Мени еган тортмас дард.
2403. Далада яшил бузоқ,
Илиниб яшар тузоқ,
Семириб ётар узоқ.
2404. Тўни силлиқ, туки йўқ,
Ичи қизил, кўки йўқ.
Уни чўқолмас чумчуқ...
2405. Полиздадир битар жойи,
Тўн кийди ола чипор.

Ширинликнинг асл кони
Қизил, қора уруғи бор...

2406. Яшил гумбаз ичида
Қип-қизил хона.
Бир хил либос тенг бўйли,
Минг бир дугона.
2407. Юм-чумалоқ тандирча,
Ичида қатор кулча.
2408. Ер шаридек дум-думалоқ,
Ичи қирмиз, шарбат булоқ:
2409. Беқасамдан тўни бор,
Ичи қизил лолазор.
Таъми ширин худди қанд,
Уни еган тортмас дард.

(Тарвуз)

2410. Қизил уйда юз ака-ука яшар,
Улар жуда бири-бирига ўхшар.

(Тарвуз уруғлари)

2411. Катта тухумми десам,
Тўни бордир беқасам,
Ўзи шириндир есам.

(Қовун)

2412. Ҳидли, ширин шар десам,
Тўни йўл-йўл беқасам.

2413. Ширинлиги тил ёрар,
Ҳиди ўткир, бўйи паст.
Пишганини кўрдиму,
Ейман дея қилдим қасд.

(Ҳандалак)

2414. Ётар юмшоқ кўрнада,
Қатор ўсар ҳар сафда.

Барглари ҳам ям-яшил,
Туси тилладан асил...

2415. Қирмизи юз қиз,
Ер остидасиз.
Сочлари ер устида,
Ранги осмон тусида.

(Сабзи)

2416. Қават-қават тўни бор,
Ҳар тўни худди қоғоз,
Ошхонада ўрни бор,
Ечинмайди қишу ёз.
2417. Қават-қават тўнини,
Доим кийиб ўлтирар.
Тўнини ечсанг агар,
Кўзингдан ёш келтирар.
2418. Қизил букач хумдонда,
Қокиллари майдонда.
Ўзидир катта сават,
Чопони қават-қават.
2419. Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават туни бор,
Қимки уни ечтирса,
Кўзларидан ёш оқар.
2420. Устидаги кўйлаги,
Худди қоғозга ўхшар,
Тўғрасанг жаҳли чиқиб,
Кўзингни дарров ёшлар.
2421. Қават-қават кўйлаги,
Тупроқ унинг юраги.
Баҳорда кўм-кўк бўлар,
Қузда ширага тўлар.
У билан овқат таъми —
Мазали. Топинг номин.
2422. Қават-қават тўни,
Феъли ёмондир унинг,

Ечсанг агар тўнини,
Йиғлатади, бил шуни.

2423. Чўзиб кўм-кўк найчасин,
Баҳраманд сув, ҳаводан.
Дум-думалоқ танини,
Семиртирар ҳаммадан.
Хоҳи суюқ, хоҳи қуюқ
Ошга беради (таъм)...

(Пиёз)

2424. Бир нечтадан кўзи бор,
Олма каби юзи бор.

Пишгач, ковлаб олинар,
Қоп-қанорга солинар.
Ундан рўзғор фаровон,
Колхоз ери бунга кон.

2425. Маконидир далалар,
Ер тагида болалар.

(Картошка)

2426. Қопток эмас думалоқ,
Тўнини ечса ичи оқ.
Қизил, сариқ тўни бор,
Сичқон каби думи бор.

2427. Юм-юмалоқ, ой эмас,
Сап-саригу — мой эмас,
Думи ҳам бор, той эмас.

2428. Думи бор, сичқон эмас,
Думалоққина, копток эмас.
Ранги сариқ, шафтолимас.
Қани, топинг-чи, бу нима? —

(Шолғом)

2429. Кўрсанг худди отқулоқ,
Чорвамизга ем-томоқ,

Илдизи бир пуд келар,
Ундан шакар, қанд қилар.

(Лавлаги)

2430. Лавлагидан катта эмас,
Сабзилардай ошга солмас.
Ош бўлмаса ейилмас,
Ошга қўшиб емай бўлмас.

(Турп)

2431. Қатор турар эгатда,
Саф тортиб кичик-катта.
Сер витамин, тўни қат-қат
Хомлигини ема фақат.

2432. Қават-қават кўйлаги бор,
Тугмаси йўқ.

2433. Яшаб етмиш етти кун,
Кияр етмиш етти тўн,
Кузда узиб олинар,
Овқатларга солинар.

2434. Айтай сизга топишмоқ:
Глобусдек юмалоқ,
Атир гулдек очилган,
Япроғи кенг, сочилган.
Қават-қават тўни бор,
Элда толган эътибор.

2435. Кўк тўни бор қават-қават.
Гоҳи бўлар боши сават.
Шўрвага у файздир ҳар он,
Топинг не у, Салим, Матчон?

(Карам)

2436. Пишмагани — маза,
Пишгани — бемаза.

2437. Эшиги, ойнаси йўқ,
Ҳужрада меҳмон тўлиқ.

2438. Эрта баҳор экамиз,
Ўзи кўм-кўк ҳам силлиқ,
Арчиб тузлаб есангиз,
Жуда муздек ҳам сувлик.

(Бодринг)

2439. Қизил рангда тугунча,
Ичи тўла кулчача.
2440. Мен кўрдим қизиқ олма,
Оқ эмас, қизил олма.
Дарахтда пишмас бироқ,
Ўзи олмадан юмшоқ.
Ичи тўла қизил сув,
Эгатларда пишар у.

2441. Кўчати кўм-кўк,
Гули сап-сариқ,
Меваси қип-қизил,
Одамга озиқ.

2442. Полизда яшил палак,
Меваси билқиллайди.
Мисли қизил анордек,
Қозонда қилпиллайди.

2443. Уни билмас киши йўқ,
Ҳамма кўришар баҳам.
Уйчалари берк, қатор.
На ҳандалак, на анор,
Пишса ранги қип-қизил,
Есанг роҳат топар дил...

(Помидор)

2444. Кўк халта,
Ичи пахта.
2445. Жигар эмас, жигарранг,
Бодринг сингари таранг.

(Бақлажон)

2446. Бағри ёнади лов-лов,
Ичида бордир олов.
Беролмайсан ҳеч бардош,
Кўзингдан чиқарар ёш.
Текизсанг тил учига,
Тан берасан кучига.
Гапни айтсанг очигин,
Чиқиб турар аччиғи...

2447. Ҳидлай десам гул эмас,
Ейишга овқат эмас.
Юзинг каби қип-қизил,
Ейман деб қилма ҳазил.

(Гармдори)

2448. Қуйганда жала,
Ердан бир гала —
Чиқар соявон,
Турар ёнма-ён.

2449. Ёмғирдан сўнг чиқади,
Чўтир қалпоқ княди.
Қуёшни ёқтирмайди,
Шамолни чақирмайди.

2450. Илдизи бор, шохи йўқ,
Пояси бор, барги йўқ,
Қалпоғи бор, қўли йўқ,
Меваси бор, дони йўқ,
Тузлаб, қовириб ейилар,
Оти недир, ким билар.

(Қўзиқорин)

ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР ҲАҚИДА

2451. Қор эмас-ку, қордай оқ,
Уйингда бор, кўриб боқ.

(Ун)

2452. Хом киради ичкарига,
Пишиб чиқар ташқарига,
Дастурхонни безаб, доим,
Дармон бўлар ёш, қарига.

(Нон)

2453. Узи қаттиқ, тош эмас,
Инсон усиз яшамас,
Лаззат берар таомга,
Овқат усиз татимас.

2454. Усиз овқат, овқат эмас.

2455. Шакар каби оқ майда,
Таъмини кўр, ширинмас.
У бор ҳар жой, ҳар уйда,
Усиз овқат қилинмас.

(Туз)

2456. Узи суюқ, ранги оқ,
Қилсанг бўлар тотли ёғ.

2457. Оппоқ бўлиб, қор эмас,
Суюқ бўлиб, сув эмас.
Ширин бўлиб, қанд эмас,
Қани топинг бу нима?

(Сут)

2458. Сариф-ку, олтин эмас,
Эрир, бироқ, қор эмас.

(Сариёғ).

2459. Қаттиқ, нордон, туси оқ,
Ёнғоқ каби юмалоқ,

(Сузмақурут)

2460. Қардай оппоқ,
Қаттиқ бироқ.
Чойга солса,
Эрир шу чоқ.

(Қанд)

2461. Узи оппоқ, қор эмас,
Нон бўлмайди, ун эмас.

(Шакар)

2462. Ечиб қоғоз пўстини,
Топдим болнинг дўстини.

(Конфет)

2463. Хўроз десам қанд,
Қанд десам хўроз.

(Хўрозқанд)

2464. Қайноқ сувга тушса у,
Езилади намланиб.
Хушбўй ҳидлар чиқарар,
Маза берар дамланиб.

2465. Аввал роса қайнайди,
Сўзлашгандек сайрайди.
Гоҳ совутиб, гоҳ иссиқ
Ичган киши яйрайди.

(Чой)

2466. Қордай оппоқ,
Тишласанг чиқар булоқ.

2467. Совуғи бор, эмас қор,
Оппоқ, ҳеч ким демас қор.

(Морожний)

КИЙИМ-КЕЧАК ВА ТИКИШ АСБОБЛАРИ ҲАҚИДА

2468. Юрсанг, юради,
Чопсанг, чопади.
Барчада бўлади,
Танни иситади.

(Кийим)

2469. Матода қўш тавақа,
Ажаб яшиқ ясарлар.
Олдига қўш қаторлаб
Суяк қулф осарлар.

(Пальто)

2470. Ярим дунё, ярим шар,
Гуллаб бошимда яшнар.

2471. Тўрт ёнида тўртта ой,
Бошимга берар чирой.

(Дўппи)

2472. Ўзи сомон, мол эмас,
Ҳеч буюмдан кам эмас.
Иссиқда берар соя,
Бир киши-чун кифоя.

(Шляпа)

2473. Бир туғишган икки йигит,
Бўйлари келар тиздан,
Қолмайди сиздан, биздан,
Сақлайди қордан, муздан.

(Этик)

2474. Боғлаб қўйсанг — юради,
Ечиб қўйсанг — туради.

2475. Биз худди туғишган ака-укадай,
Ҳамиша иккимиз бирга юрамиз.
Нонушта вақтида стол остида,
Каравот остида турамиз тунда.

(Ботинка)

2476. Тагида гиж-гиж тиши,
Устида оғзи.
Ичида қизил кўйлак,
Қоп-қора юзи.

(Калиш)

2477. Беш оғайни қўраси бир,
Хонаси бошқа.

2478. Беш бармоғи бор,
Тирноғи йўқ.

(Қўлқоп)

2479. Бўйи билан эни тенг,
Гули бор бир бурчакда.

2480. Тенгдир бўйи ва эни,
Тоза тутади сени.
Гули бор бир бурчида,
Бўлар ҳар, ўқувчида.
Унинг жойи-чи чўнтак,
Тозаликка у керак.

2481. Оппоқ ўзи, тўрт бурчак,
Тураб жойидир чўнтак.

(Дастрўмол)

2482. Бирлаштириб кийимни,
Иссиқ тугади бизни.

2483. Ўзи бўлар юмалоқ,
Ранги ҳар хил: қора, оқ...
Яқин дўсти ип-игна,
Ўқувчи бусиз юрма.

(Тугма)

2484. Вақти билан соч тишлар,
Ойнага қараб ишлар.

2485. Оғзи йўғу тиши бор,
Бошимизда иши бор.

2486. Оғзи йўқ, кўрсанг қатор,
Милки тўла тиши бор.
Ёнимизда юради,
Озодалик иши бор.

(Тароқ)

2487. Бармоқларга тармашган,
Емиши майин латта.
Тикиш, бичиш ишларда
Ҳисобсиз жуда катта.

2488. Бор эди икки пичоқ,
Бирга туришар ҳар чоқ,
Қилган ишлари яхши,
Агар юришса қарши —
Шундагина иш битар,
Бичиқчи кийим бичар...

(Қайчи)

2489. Ўзи пўлатдан, барчага керак,
Думининг узунлиги мисли терак.

2490. Жажжи солдатча ўзи,
Фақат биттадир кўзи.
Тикув ишига ярар,
Қатим-қатим ип ямлар.
2491. Орқага борар у, олға борар,
Кокили кетида судралиб юрар.
Ўзи ҳамма учун тикади кийим,
Яланғоч яшайди, либос кўрмайди.
2492. Дўстимнинг бўйи етган,
Ялқовдир ўта кетган.
Ишламас ўз-ўзидан,
Ип ўтказиб кўзидан,
Бошласангиз иш қилар,
Ўргатиб сизга ҳунар...

(Игна)

2493. Бир чуқурда минг чуқур,
Чуқурни игна чўқир.

(Ангишвона)

2494. Бувимда бор бир чироқ,
Ёниб турмайди бироқ,
Иш тикар бўлса бувим,
Тақиб олади ҳар чоқ.

(Кўзойнак)

2495. Бир тиши бор тишлайди,
Тишлаганда кицнайти.
Кишнаб, кишнаб ишлайди,
Ишлаб кўнглин хушлайди.
2496. Чеварларга керак доим,
Ишлатишар: опам, ойим.
Ипни сарфлаб, юрар «ғиз-ғиз»,
Йўлларида қолдирар из.
2497. Катта майдон четидан,
Аста яёв кетади.

Етиб борган манзилга,
Сизга кўйлак битади.

(Тиқиш машинаси)

2498. Юзта ака-ука,
Ҳаммаси баравар.
Қани ўйлаб топинг-чи,
Қим экан ўзи булар.

(Сантиметр)

2499. Ҳассали қалпоғим бор,
Ёмғир ёққанда даркор.

2500. Устунни бор, томи бор,
Уй эмас, айвон эмас.
Ёмғир ёғса, ёғса қор,
Ишлару ҳордим демас.

(Зонт)

2501. Минг тиши бор қайиқча,
Чанг-тўзонни ёқтирмас.
Қийимингда кўрса чанг,
Ишга тушар жим турмас.

2502. Сув, кўпиксиз тозалайман усти бошим,
Совун эмас, қўлимдаги нима, Ҳошим.

2503. Бир сирпаниб, кийимдан
Олиб кетади губор,
Ўзи кичик бўлса ҳам,
Юзлаб оёқлари бор.

(Чўтка)

**УЙ, ЖИҲОЗЛАР ВА ХУЖАЛИК АСБОБЛАРИ
ҲАҚИДА**

2504. Усти берк, таги берк, атрофи девор,
Қишда ҳам, ёзда ҳам одамни ютар.

(Уй)

2505. Қишин-ёзин бир йўлдан юргани-юрган,
Лекин хонага ҳатлаб кира олмайди.

2506. Қелсангиз ҳам, кетсангиз ҳам ҳар замонда
Қўл беришни, йўл беришни қилмас қанда.

(Эшик)

2507. Бир соқчи бор, туради остонада,
Бир қўли кўчада, бир қўли хонада.

(Эшик тутқичи)

2508. Узи бармоқдай чўпдир,
Аммо, ҳунари кўпдир...
Қулогини бурасанг,
Оёғи отланади.
Эшик табақалари,
Дарров боғланади.

(Калит)

2509. Қўлим бор катта-кичик,
Лекин у ҳамиша тик.

Ёгочдир қирғоқлари,
Қун нури — ирмоқлари.
Суви ҳеч чайқалмайди,
Тош қўйсангиз ботмайди.

(Дераза ойнаси, роми)

2510 Қумдан ясалган музим,
Уйимни иссиқ тутар.

2511. Қуёш ўтар бемалол,
Ой ҳам ўтар бемалол.
Сен билан мен ўтолмай,
Ҳайрон бўлиб қолдик лол.

(Дераза ойнаси)

2512. Ёзда қишлайди,
Қишда ишлайди.

2513. Баҳор, ёз, куз қишлайди,
Қиш пайтида ишлайди.

2514. Ҳарорат-ла ишлайди,
У фақат қишда.
Баҳор, ёз ва кузда-чи
Ҳордиқ олишда.

(Печка)

2515. Бир туйнук бор бут-бутун,
Қишда чиқар ундан тутун.

(Печка мўриси)

2516. Узи ориқ,
Қорни ёриқ.

(Тарнов)

2517. Уйингда доим соқчи,
Очмасдан кириб боқ-чи.

2518. Жони йўғу уй пойлар.

2519. Посбонидир у уйнинг,
Кўзи, тили йўқ унинг.

(Кулф)

2520. Михлаган қулоғидан,
Сув қуяр оёғидан.

(Умивальник)

2521. Бурасангиз қулоғин,
Кумуш каби дур сочар,
Тоза қилиб танангиз,
Баҳридилингиз очар.

2522. Истасангиз иссиқ ёмғир,
Истасангиз совуқ ёмғир,
Бир мурватни бурасангиз,
Тўхтаб қолар, қизиқ ёмғир.

(Душ)

2523. Оёқлари тўрттадан,
Доим турар ўртада.
Тутгани нозу неъмат,
Хизматкор у беминнат.

(Стол)

2524. Елкаси бор, боши йўқ.
Оёғи бор, қўли йўқ.

(Стул)

2525. Ҳилкиллайди, ҳилкиллайди,
Чиқиб ётсам, силкиллайди.

(Каравот)

2526. Мен бўлмасам, ўғил-қизлар
Кўролмасди ўз юзини.
Бошқаларни кўрган кўзлар,
Кўролмасди ўз-ўзини.

2526. Сувдай тиниқ,
Тошдай қаттиқ,
Яхдай сымлиқ,
Топсанг, агар,
Қилар қуллуқ.
2528. Қараганга қарайди
Худди ўзидай бўлиб.
Соч тараса тарайди,
Ким бўлса тақлид қилиб.
2529. Жуда тиниқ сув каби,
Ярақлайди кўзингга.
Қандай бўлса шу ҳолда,
Кўринасан кўзингга.
2530. Тиниқлиги сувга ўхшар,
Неки боқса, акси тушар,
Ўзи қаттиқ, темир эмас,
Кўзғатсангиз қимир этмас.

(Кўзгу)

2531. Юки бўлса юради,
Юки бўлмаса туради.
2532. Тили йўқ, оёғи йўқ,
Ҳисоблайди, юради.
Кеча-кундуз юрса ҳам,
У бир жойда туради.
2533. Икки жажжи тили бор,
Жони йўқ-ку, дили бор.
Бир ерда кулиб турар,
Тинмайин сада урар.
Қани топинг нима бу?
Бизга керак жуда у.
2534. Ўзи минг хил,
Сўзи бир хил.
2535. Сазовор зўр таърифга,
Номи жо тўрт ҳарфга:

Чўт қоқади эрта-кеч,
Ортга қараб юрмас ҳеч.

2536. Оёғи йўқ, аммо юради,
Оғзи йўқ, аммо айтади,
Қай вақтда ухлашни,
Қай вақтда туришни,
Қай вақтда ётишни.
2537. Суткамиз ҳисобчиси,
Дам олмоқни билмас ҳеч.
Токча, девор, қўлда у,
Чўт қоқади эрта-кеч.
2538. Токчада унинг жойи,
Мени уйғотар доим.
Юрса ҳамки, эрта-кеч,
Жойидан жилмайди ҳеч.
2539. Тик-тик уриб туради,
Бир меъёрда юради.
2540. Меҳнат қилиб толмайди,
Сира ором олмайди.
2541. Ҳамма вақт чиқ-чиқ дейди,
Иш вақтинг бўлди дейди.
2542. Қўл-оёғи йўқ, юради,
Уриб турар юраги.
Ҳар куни унинг қулоғин
Дадажоним бурайди.
- 2543-2544. Кетаверади, кетаверади,
Кеча-кундуз ухламайди.
Касал бўлса тўхтайди.

(Соат)

2545. Ер тагида йўли бор,
Устида пўлат тўни бор.
Шамолдан тез елади,
Бухородан келади.

2546. Ердан чиқиб пиликдай,
Бирам маза иликдай.
Ош пиширар сизларга,
Доно, Раъно қизларга.
Кули ҳам йўқ, ўтинсиз,
Сассиги йўқ, тутунсиз...

2547. Ёнса тутун чиқмайди,
Ҳеч ерга гард юқмайди,
Бас, гугурт чақсанг фақат,
Қайнар чой, пишар овқат.
Учгандан сўнг қолмас кул,
Топинг нима экан ул.

(Газ)

2548. Жисми пўлат, ярим шар,
Тагида олов ёнар.

(Қовон)

2549. Ажойиб бир қозонча,
Суйганига сут берар,
Еққанига ёғ берар.

(Сепаратор)

2550. Бир каттакон қушим бор,
Стол устида ўтирар.
Думини токка уланса,
Еқимли овоз чиқарар.

2551. Қорнида ўти,
Сайрайди худди тўти.
Ёзда иссиқдан сақлар,
Қишда совуқдан.

2552. Печка эмас, бордир чўғи,
Қуш эмас-ку, бор тумшуғи,
Унгда, чапда қулоғи бор,
Тўртта кичик оёғи бор.
Ичган одам кўп яйрайди...

2553. Катта кўлнинг ўртасида
Ўт ёнар.

2554. У биз билан ўтирса,
Ости пўлат кўрпача.
Юрагида ўт ёнар,
Тагин деманг печкача:
Меҳмон келса меҳмондўст,
Хизмат қилар пишиллаб.
Икки қўлу, тўрт оёқ;
Топинг-чи, чойдан хўплаб.

(Самовар)

2555. Совуқни совуқ сақлар,
Иссиқни иссиқ.

(Термос)

2556. Усти ялтирайди.
Ичи қалтирайди.

(Примус)

2557. Уч пиликли чироқмас,
Ош пиширар ўчоқмас.

(Керогаз)

2558. Қосага шўнғиб қайтади,
Оғизга бориб етади.

(Қошиқ)

2559. Узи ўткир, юзи бор,
Сопида юлдузи бор.

(Пичоқ)

2560. Катта халта ғалтакли,
Қалта халта катакли.

(Халтали,
ғилдиракли аравача)

2561. Қиздирсанг, ишлар,
Кийим текислар.

(Дазмол)

2562. Чўғни тишлайди,
Оғзи куймайди.

2563. Ут — оловни тишлайди,
Оғзи куйиб-пишмайди.

(Оташ қисқич)

2564. Оқ қушим бор, унда йўқ пар,
Тумшуғидан чиқар иссиқ пар,
Энгашиб у салом берар,
Ким уни тез ўйлаб топар.

2565. Ташналарга хизматда,
Чинни опам ҳамиша.
Ҳурмат учун мунчоқлар,
Тақдик биз қўша-қўша.

2566. Ҳаммоми бор ўртасида,
Бурнида бир тешикча.
Бошида бор тугмаси,
Бир қўли бор ёнбошда.

2567. Узи эрур улуғвор,
Жисмига хос бўйи бор.
Қибр билмас камтардир,
Пиёлага маҳталдир.

(Чойнак)

2568. Беихтиёр лаб ялар,
Қиши чанқоғи қонар.

(Пиёла)

2569. Узи бир кило,
Юки ўн кило.

(Пақир,
сув)

2570. Боришда қорни оч,
Қўшиқ айтар.
Келишда қорни тўқ,
Йиғлаб қайтар.

(Пақир)

2571. Икки опа-сингил,
Чўмилгунча енгил,
Чўмилиб чиқса ахир,
Бўлади анча оғир.

2572. Таги тор,
Усти кенг.
Сувга борар
Икки тенг.

2573. Кич-кичкина ой булоқ,
Бунда бор икки қулоқ.
Ҳар қулоқда ойболдоқ,
Сув келтирар зўр билак.

(Челак)

2574. Икки ўрам сочи бор,
Қотма, қинғир қаноти.
Юкни енгил қилар,
Елка миниш одати.

(Обкаш)

2575. Соци ўсган,
Бели боғланган,
Ифлосликка қарши
Доим чоғланган.

2576. Гул эмасу боғланган қилиб даста,
Ерни гул қилади бир нафасда.

2577. Бир боши бор, минг оёғи,
Тоза қилар ҳамма ёғни.

(Сунурги)

2578. Оз қўйсангиз сол дейди,
Кўп қўйсангиз ол дейди.

(Тарози)

2579. Кексага бўлиб ҳамдам,
Олдинга ташлар қадам.

2580. Узим силлиқ таёқман.
Кексаларга оёқман.

(Ҳасса)

2581. Жони борга ўхшар,
Иссиғингни ўлчар.

(Термометр)

2582. Жаҳжи ғиштчадир ўзи,
Соғлиқни кўзлар кўзи.
Сиз-бизга хизмат этар,
Ишласа озиб кетар.

2583. Таркибида ишқори,
Кир қўйлак вафодори.
Бордир шундай бир сири
Ишлар, тугар охири.

(Совун)

2584. Сув тегса, қочади,
Қўлда кўпик сочади...
Қизил, сариқ, пушти, кўк,
У кирмаган эшик йўқ...

(Атир совун)

2585. Ёғочдан қалъаси бор,
Элликта боласи бор.
Ёши ҳам, бўйи ҳам бир,
Оилага кўп у зарур.

2586. Узоқ жойда онаси,
Боғлам, боғлам донаси.

Оқ кўйлакли, қизил бош,
Буни тонинг қорақош.

2587. Аҳил бўлиб яшар доим эллик мард,
Тани ёниб, элга қилади хизмат.

2588. Жажжигина қутида,
Олтмиш икки паҳлавон.
Вазифаси бир хилдир,
Топ-чи, қани қаҳрамон.

2589. Жажжигина фанерь уй,
Яшикка ўшар айни.
Унинг ичида яшар,
Етмиш икки оғайни.

2590. Кичкина бир уйча бор,
Унинг ичида қатор —
Солдатлар туришар саф,
Қани (нима) ўйлаб топ?!

2591. Ёғоч уйда тенгқур ўртоқ,
Бизга доим кўксин очар.
Ишлатсангиз «лаббай», дея,
Қалпоғидан шуъла сочар.

(Гугурт)

2592. Оғзимда ўтхона,
Ёнбошимда дутхона.

(Папирос)

2593. Узи қора боқсангиз,
Оқаради ёқсангиз.

(Қўмир)

2594. Оғзи билан қорни йўқ,
Дарахт унинг овқати,
Биргина дарахт эмас,
Тирик жоннинг офати.

Озиқланса зўр ғайратга кўчар,
Сув берсанг, кул бўлар, ўчар.

(Олов)

2595. Бир жойдан чиқиб ўзи,
Чўзилиб кетар ўзи.

2596. Қаноти йўқ учади,
Шамолдан тез қочади.

2597. Оловга қўшила олмас,
Қочйшга излар чора.
Инсонга нафи тегмас,
Шул сабаб юзи қора.

(Тутун)

2598. Кеча-кундуз тинмайин,
Ғир-ғир этиб юради.
Ўзи тилла донни еб,
Бизга оқ ун беради.

(Тегирмон)

ҲАЗИЛ ВА УИИИ СУРОҚЛАР

2599. Нима соқоли билан туғилади?

(Эчки)

2600. Нима ҳамма тилда ҳам гапиради?

(Акс-садо)

2601. Нима доим ўз ўрнида туради?

(Соат)

2602. Ниманинг мўйлови оёғидан узун?

(Суварак)

2603. Ниманинг беш бармоғи бору,
Лекин бирорта ҳам тирноғи йўқ?

(Қўлқоп)

2604. Нимага одам орқага ўгирилиб қарайди?

(Орқасида кўзи йўқ)

2605. Одамзодда нима кўп?

(Умид, режа)

2606. Одамда нима бўлмаса, нимали бўлмаса,
нима қилмаса яшайолмайди?

*(Хунари, илми бўлмаса,
меҳнат қилмаса)*

2607. Дунёда нима чаққон?

(Фикр)

2608. Дунёда нима югурук?

(Уй)

2609. Дунёда нима қиммат?

(Тўғрилиқ, ростлик)

2610. Дунёда нима кўринмайди?

(Севги)

2611. Қиличдан ўткир нима?

(Кўз)

2612. Жонсиз тирик нима?

(Дарахт)

2613. Юқоридан пастга қараб ўсадиган нарса
нима?

(Сариқ сумалак)

2614. Типратикон қишда нима қилади?

(Ухлайди)

2615. Узоқни нима билан яқин қилиб кўриш
мумкин?

(Дурбин билан)

2616. Юмуқ күз билан нимани кўриш мумкин?
(Туш)
2617. Қирғоқ билан сув ўртасида нима бор?
(Билан)
2618. Кўприк устида кетаётган одам оёғининг тагида нима бор?
(Оёқ кийимининг чарми)
2619. Боши билан пастда юрадиган нарса нима?
(Юрак)
2620. Дунёда бир нарса борки, у бўлмаса ҳеч ким бир-бирини танймайди, у нима?
(Исм)
2621. Юки бўлса юради, юксиз тўхтайди. Нима экан у?
(Осма соат)
2622. Уйда якка ётганингда сени уйқудан уйғотган ошнанг кимлигини биласанми?
(Будильник)
2623. Ҳар ким тўяр, ким тўймас?
(Бахил, ҳасадчи)
2624. Қайси жойда дарёлар сувсиз, Шаҳарлар уйсиз бўлади?
(Харитада)
2625. Қайси ҳайвон бутун қиш бўйи бошини пастга қилиб ухлайди?
(Кўршапалак)

2626. Қайси жойда осмон пастда бўлади?
(*Сувда*)
2627. Қайси сўроққа ҳеч қачон «ҳа», деб тўғри жавоб бериш мумкин эмас?
(*Ухлаяпсанми деган сўроққа*)
2628. Қайси вақтда соатга қараш мумкин эмас?
(*Ухлаганда*)
2629. Кеча «эртага», эртага «кеча» бўладиган кун қайси?
(*Бугун*)
2630. Ҳайвонлар орасида энг сезгири қайси?
(*Ит*)
2631. Совуқ ва иссиқ шамоллар қайси томондан келади?
(*Шимол ва жануб*)
2632. Ҳайвонлардан бирининг номини икки томондан ўқилса ҳам ўзгармайди. Бу қайси ҳайвон?
(*Кийик*)
2633. Совуқда бир хил кийинган киши ва бола турибди, буларнинг қайси бири тезроқ совуқ ейди?
(*Иккови ҳам*)
2634. Қандай ўт бегонани куйдирмас?
(*Ишқ ўти*)

2635. Қандай идишни сира тўлдириб бўлмайди?
(Тешик идишни)
2636. Денгиз остида қандай тош бўлмайди?
(Қуруқ тош)
2637. Қандай соат бир суткада вақтни тўғри кўрсатади?
(Тўхтаган соат)
2638. Топишмоқ сўзини қандай ўқиш мумкин?
(Чандан ўннга)
2639. Уч оғайни қандай отни оқ далада елдиради?
(Уч бармоқнинг қалам ушлаб ёзиши)
2640. Ёмғир ёғиб турганда, қарға қандай дарахтга қўнади?
(Хўл дарахтга қўнади)
2641. Тушимда ёввойи ҳайвонлар мени талади, улардан қандай қилиб қутулиш мумкин?
(Уйғониб)
2642. Учта тракторчининг Аҳмад исмли акаси бор. Лекин Аҳмад аканинг укалари йўқ. Бу қандай бўлади?
(Тракторчилар — аёллар, Аҳмад аканинг сингиллари)
2643. Қора мушук қай вақтда уйга осонгина кира олади?
(Эшик очиқ бўлса)

2644. Сув қаерда устундек туради?

(Қудуқда)

2645. Аҳмоқ қачон оқил бўлур?

(Сўзламаса)

2646. Қачон учни кўриб ўн беш деймиз?

(Кундуз соат 3 да)

2647. Қачон биз икки рақамига қараймизу,
лекин «ўн» деймиз?

*(Бирор соатдан ўн минут ўтганлигини
кўрсатаётган соатга қараганда)*

2648. Оғзида тиши йўқ одам тиш оғриғини
қачон билади?

(Ит тишлаганда)

2649. Бир жойда ёниб турган саккиз
лампочкадан учтаси ўчса, нечта лампочка
қолади?

*(Саккизта қолади, чунки уч лампочка
сингани йўқ)*

2650. Сену, мену, ую, биз,
Нечта бўлдик ҳаммамиз.

(Учта)

2651. Наҳорга нечта тухум ейиш мумкин?

(Битта, қолганлари наҳор деб ҳисобланмайди)

2652. Сизга тегишли бўлган нимангизни сиздан
кўра бошқалар кўпроқ айтади?

(Киши номи)

2653. Олақарға ўзини «Мен қушман», деб айта оладими?

(Айта олмайди, чунки гапира олмайди)

2654. Бешта чўпнинг нечта учи бор, беш яримтасининг-чи?

(10 та ва 12 та)

2655. Осмон билан ернинг ораси қанча?

(Тўрт энлик)

2656. Отамнинг ўғли, лекин менинг акам ҳам эмас, укам ҳам эмас. Ким экан у?

(Менинг ўзим)

2657. Беш ҳарфдан иборат бўлган сичқон ушлайдиган қопқонни топа оласизми?

(Мушук)

2658. Бир оилада чолу кампир яшайди. Уларнинг икки ўғли бор. Ҳар бир ўглининг биттадан синглиси бор. Шў оилада нечта жон бор?

(Бешта: чолу кампир, икки ўғил, бир қиз)

2659. Бундан уч йил аввал отаси ўғлидан 4 маротаба катта эди. Яна тўрт йилдан кейин отаси ўғлидан уч маротаба катта бўлади. Булар нечага кирганлар?

(Ўғли 17 ёшда, отаси 56 да)

2660. Уйнинг ҳар бурчагида биттадан мушук ўлтирибди. Ҳар бир мушукнинг рўпарасида биттадан мушук ўлтирибди. Ҳаммаси қанча мушук?

(Тўрт мушук)

2661. Бир сўқир — кўр билан бир соғ қоқилишиб кетган экан. Соғ одам кўрга:
— Кўзингга қараб юрмайсанми, худди кўрдайсан-а?! — дебди. — Тўғри айтдингиз, мен-ку, кўрман, лекин сиз кўрдан ҳам кўрроқ экансиз, дебди сўқир — кўрга. Айтинг-чи, қайси бири кўр?

(Кўзи соғ одам)

2662. Бир киши ўзининг ўртоқларига бир боланинг суратини кўрсатиб шундай дебди: Менинг эр ҳам қиз туғишганларим йўқдир. Лекин бу боланинг отаси менинг отамнинг боласидир.

(Ўзининг сурати)

2663. Кунлардан бир кун чол ўғлига ўттиз тийин бериб шундай дебди:
— Ўғлим, шу пулга нарса олиб келгинки, биз ҳам, товугимиз ҳам, кўзимиз ҳам тўядиган бўлсин. Айтинглар-чи, бола нима олиб келиши керак?

(Қовун)

2664. Анҳор бўйида уч туп қарағай ўсади. Уларнинг ҳар бирида учтадан йўғон шохи бор, ҳар бир йўғон шохида бештадан новда бор. Ҳар бир новдада етти донадан олма бўлса, ҳаммаси бўлиб нечта дона олма бор?

(Битта ҳам олма йўқ, қарағайда олма бўлмайди)

СУНГ СУЗ

Топишмоқ асрлар давомида яратилиб, авлоддан-авладга ўтиб, сайқал топиб келаётган фольклорнинг мустақил жанридир. Топишмоқ жуда қадим замонларда вужудга келган. Баъзи топишмоқларнинг объекти, шакли ҳамда мазмуни қадимийлигини озми-кўпми аниқлашга имкон беради.

Топишмоқ қадимда табиат, табиат ҳодисалари ва нарсаларни бир-бирига таққослаш, ўхшатиш орқали борлиқни, ундаги мавжуд нарсаларнинг моҳиятини кўпроқ белгилашга катта ёрдам берган. Кишилар қадим замонлардан бошлаб ҳозиргача аста-секин табиат ва жамиятдаги инсон учун фойдали ва зарарли бўлган ҳодисалар, жонли, жонсиз предметлар, умуман ҳар хил объектларни ўз замони ва тушунчаси доирасида англаган ҳолда топишмоқ яратиб келганлар. Топишмоқ бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, балки кун-бакун янги-янги топишмоқлар яратилиб, оммалашиб бормоқда.

Маълумки, топишмоқ кўнгилхуши ёки фақат эрмак эмас, балки топишмоқ орқали атроф, муҳит, табиат яқиндан таништирилиши билан бирга ақл-заковат, зеҳн, фикр ўткирлигини синаш қуроли ҳамдир. Чунки у кишини ҳозиржавобликка ўргатади.

Топишмоқ халқ ижодининг бошқа жанрлари: дoston, эртақ, қўшиқ, мақол каби халқнинг маънавий бойлиги ва коллектив ижод маҳсулидир. У инсон, ижтимоий ҳаёт, табиат ҳодисаларининг мавжуд барча томонлари билан кенг боғланган бўлиб, ҳамма вақт реал заминга

асосланади. Унда атрофимизни қўраб турган реал, моддий дунёдаги турли объектлар акс этади. Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган му- тақил бир бутун бадиий асардир. Унда фалсафий, тари- хий, этнографик белгилар, тушунчалар, ҳодисаларнинг моҳияти гўзал образли ифодаларда акс этади.

Бу жанр икки киши ёки коллектив ўртасида берилган жумбоқли саволга жавоб қайтариш тарзида ижро эти- лади. Анъанавий топишмоқларнинг савол қисми таби- ат, табиат ҳодисалари ва нарсалари, умуман, ҳар хил объектларга поэтик тус берилган ҳолда образлашти- риш — таққослаш, ўхшатиш орқали жумбоқланади. Жа- воб қисми эса образлар орқали жумбоқланган объект — нарса ёки табиат ҳодисаларининг отини айтиб бериш, маъносини топиш, яшириган нарсани очиш, билишдан иборат. Шундай топишмоқлар борки, унинг жавобини топиш жуда қийин. Ундаги ўхшатиш, таққосланган нарсанинг ўхшатмаси, таққосланмасини топиш учун кўп ўйлаш, тинимсиз фикр юритиш орқали муайян белгила- рини аниқлашга, қидиришга тўғри келади.

Топишмоқда жумбоқланган, яширинган нарсанинг ўхшатмаси, таққосланмаси қанчалик қадимда ишлатил- ган ва ҳозирги кунда истеъмолдан чиққан нарса бўлса, унинг жавобини топиш шунча қийиндир.

Топишмоқнинг жавобини топиш учун айтилган текст- ни яхши ўйлаб, нимага ишора этилишини фаҳмлаш, то- пишмоқнинг асосий хусусияти ва белгилари қайси пред- метга қаратилганлигини аниқлаб ёки тахминлаб топиш- га интилиш керак бўлади.

Анъанавий топишмоқлар жуда кўп турга эга ва маз- муни, композицион кўриниши жиҳатдан ранг-баранг бў- либ, улар хилма-хил тартибда яратилган.

Фольклор асарлари орасида энг ихчам, энг оз сўзли жанрлардан бири топишмоқдир. Дарҳақиқат топишмоқ, ҳатто икки сўздан ҳам тузилиши мумкин. Масалан: «Боссанг, вақиллайди». (*Бақи*) каби. Анъанавий топиш- моқлар кўпинча бир мисрალი — наср шаклида ва икки, уч, тўрт ва ундан кўпроқ мисраларда назм шаклида ай- тилади. Кўпгина халқлар фольклорига бўлганидек ўз- бек халқ оғзаки ижодида ҳам бир, икки мисрალი топиш- моқлар кўп ўринни эгаллайди. Масалан, бир мисрალი топишмоқ: «Жар бошида жарти супра». (*Қулоқ*) ёки «Ер тагида олтин қозиқ». (*Сабзи*) ва ҳ. к.

Икки мисрали топишмоқ:

«Бир парча патир,
Оламга татир». (Ой)

ёки:

«Кичкина келинчак,
Бошида тугунчак». (Исирик)

Бундай топишмоқларда нарса бутун ҳолича метафорик йўл билан яратилади.

Нарсаларнинг сифати, белгилари, ўхшашлиги, майда деталлари батафсил айтиладиган бўлса, топишмоқлар уч, тўрт ва ундан кўпроқ мисраларда шаклланади. Топишмоқда кинояли сўзлар, метафорик образлар кўпайган сари мисралар миқдори оша бориши, шу билан бирга хилма-хил вазн, қофиялар яратилиши кўзга ташланади. Ўзбек топишмоқларида баъзан уч мисралилари ҳам учрайди, лекин улар у қадар кўп эмас.

Масалан:

«Узун эдим кесдилар,
Йўғон эдим, йўндилар,
Ишга лойиқ қилдилар». (Эгар)

ёки

«Сув ичар кўлдан,
Кўзлари нурдан,
Териси пулдан». (Балиқ)

Тўрт мисрали топишмоқ:

«Бели, бели беланг от,
Бели нозик куранг от,
Тоққа чиқса тоймас от,
Улат тегса ўлмас от». (Чумол)

Шундай топишмоқлар ҳам борки, улар оддий бир мисрали сўроқ шаклида бўлишларига қарамасдан, кўп предметли бўладилар. Масалан: «Дунёда тўртта нарса

йўқ?» каби. Бу савол топишмоқда тўрт предмет аниқ-ланиши лозим. Улар қуйидагилар:

Осмоннинг устуни йўқ,
Кўрпачанинг енги йўқ,
Ҳовузнинг қопқоғи йўқ,
Ошпичоқнинг қини йўқ.

Бу жавоб предметда маъжуд бўлмаган нарсани аниқ кўрсатиш билан характерланади. Натижада, сўроқ ва жавоб бир бутунликни ташкил этади. Юқоридаги топишмоқ шаклан савол характерида бўлса ҳам, бироқ у асосан, аниқ савол бўлмай, ўз заминида предметлар яширинган топишмоқ-саволдир.

Кўп сатрли ва кўп предметли топишмоқлар орасида шундайлари борки, улар предметнинг хусусиятларини характерлаш ҳисобига эмас, балки жумбоқланган нарсаларнинг ҳар бирини топиш ҳисобига катта ҳажмга эга бўладилар. Бу типдаги топишмоқлар асосан бир предметли топишмоқларнинг хусусиятларини ўзига жамлаб олиш натижасида юзага келган. Масалан:

«Узун-узун ҳамён,
Уни топинг, дилбарим.
Ундан узун ҳамён,
Уни топинг, дилбарим.
Йўл устида ит полвон,
Уни топинг, дилбарим.
Қамиш учи қалтироқ,
Уни топинг, дилбарим.
Игна учи ялтироқ,
Уни топинг, дилбарим».
«Узун-узун ҳамён,
Йўл дегани эмасми,
Ундан узун ҳамён,
Сув дегани эмасми,
Йўл устида ит полвон,
Бақа дегани эмасми,
Қамиш учи қалтироқ,
Шамол дегани эмасми,
Игна учи ялтироқ,
Уқ дегани эмасми!».

Яна шундай бир топишмоқ типн борки, унда маълум предметлар назарда тутилган ҳолда, бошқа нарсаларга ўхшатилмайдн, таққосланмайдн ва белгилари ҳам айтилмайдн, жумбоқда қанча предмет назарда тутилса, ўша сон бир жумбоқ ҳисобланади. Савол қисми саноқ сони билан айтилади. Масалан: «Бирдан ўн биргача сананг!» «Ўн бир қора бир жумбоқ?», яъни айтиладиган предметлар «бир қора» ҳаммаси бир топишмоқ маъносида. Бунда ҳар бир сонга бир предмет қўшилиб саналади. Ундаги ҳар бир соннинг бошланғич товушига кейинги предмет номининг биринчи товуши мос келиши — аллитерация юзага келиши шарт:

«Бирим — билагим,
 Экким — элагим, 16 1,5
 Учим — ичагим,
 Тўртим — тўшагим,
 Бешим — бешигим,
 Олтим — ошигим,
 Еттим — етовим,
 Саккизим — саркам,
 Тўққизим — тўққим,
 Ўним — ўймоғим».

Бундай саноқ сонли топишмоқ бошқа халқларда ҳам учрайди. Аммо бунга ўхшаш нарсалар уларда топишмоқ бўлмай, балки ўзини таркибига киради. Ўзбек халқида саволга жавоб бериш йўли билан айтилганлиги сабабли ҳам улар топишмоқ саналадилар.

Топишмоқ — дoston ва эртактлар ичида кўп учрайди. Бу нарса айниқса эртакка характерлидир. Бу жанрлар таркибидаги топишмоқ орқали эртак персонажларидаги ақл-заковат, фаросат, донолик, топқирлик, ҳозиржавоблик синалади. Топишмоқ аралашган эртактлар икки хил тузилишга эга; бири топишмоқли эртактлар. Бунда топишмоқ эртак ичида келади. Иккинчиси — эртак топишмоқ. Бундай эртак бутун сюжети билан топишмоқ асосига қурилади. Шунинг учун ҳам эртак топишмоқлар одатда қисқа шаклда айтилади. Эртак топишмоқлар бошидан охиригача эртак жанрига хос мазмун ва формани сақлаган ҳолда ҳамма вақт бирор топишмоқ асосида тузилган бўлади. Эртактдан топишмоқни олиб ташлаб бўлмайди. Топишмоқ олиб ташланса, эртакнинг ўзи ҳам

қолмайди. Мана шундай эртақ топишмоқлардан бир нечасини тўпلامга киритиш лозим тонулды.

Топишмоқлар нарсаларнинг ҳаракати, ҳаракатнинг тезлиги, сифати, бажарадиган вазифалари ва ҳар хил бошқа белгилар асосида жумбоқланадилар. Топишмоқда топилиши лозим нарсалар ҳаракатини кўриш мумкин. Баъзи бир топишмоқларда меҳнат процессидаги ҳаракат билдирилса, баъзиларида нарсалардаги оддий ҳаракатнинг даражаси билдирилади. Масалан: нарсаларнинг меҳнат процессидаги ҳаракатини билдирувчи топишмоқлар «Тор кўчада тойлоқ ўйнайди». (*Кува*), «Ғув-ғув этар, қорни тўйса юмалаб кетар», (*Урчуқ*) каби. Бундай топишмоқлар меҳнат жараёни натижасида юзага қелган. Баъзи топишмоқларда нарсанинг оддий ҳаракати ва унинг даражаси жумбоқланади.

«Оёғи йўқ, қочади, 18 2,5
Қаноти йўқ, учади». (*Булут*)

Топишмоқда ҳаракатнинг ўта тезлиги ҳам жумбоқланади: «Отаси арава қўшгунча, ўғли Қўқон борибди». (*Олов, тутун*)

Топишмоқларда нарсалардаги доимий сифатлар (эпитетлар) ни-айтиш орқали яшириниб ётган ўша нарсаларнинг ўзини аниқлаш муҳим роль ўйнайди. Бундай топишмоқларда объектнинг асосий сифатлари бериледи. Топишмоқда кўрсатилган сифатлар топишмоқ асосидаги нарсанинг шакли, туси-ранги, белгиси, қаттиқ-юмшоқлиги, қулоққа эшитилиши ва кўриш мумкинлигига қараб турли хил бўладилар. Масалан: топишмоқ асосидаги нарсанинг шаклий томони бошқа нарсаларга ўхшатилади.

«Паст-паст бўйи бор,
Қават-қават тўни бор». (*Пиёз*)

Нарсаларнинг ранги ва мазаси:

«Ости сариқ, усти сариқ, 18,1,5
Ширин-тотли ичи тариқ». (*Анжир*)

Нарсаларнинг қаттиқ-юмшоқлиги:

«Ости тош, усти тош,
Уртасида чандир бош». (Тошбақа)

Нарсаларнинг белгилари:

«Гулсиз бўлар меваси, 18 2
Ширин-шакар донаси». (Анжир)

Баъзи топишмоқлар қулоққа эшитилишига, товушига қараб яратилади:

«Топ-топ этади, 18 2
Тагидан карвон ўтади» (Элак).

Айримлари эса кўзга кўриниши орқали яратилади:

«Узоқдан ялдир-юлдур, 16 1
Яқинидан қулфи-калит». (Муз) кабилар.

Топишмоқларнинг бир хилларида топишмоқ асосига олинган объект — нарсанинг бажарадиган вазифаси айтилади: «Пакана хотин лой тепар.» (Чакич), «Кундузи иззатда, кечаси хизматда». (Кўрна). Биринчи топишмоқдаги нарсанинг вазифаси ёпишга тайёрланган ноннинг устини чакич билан чакичлаш, иккинчи топишмоқнинг вазифаси жой солингандаги хизмати.

Топишмоқлар мазмунан тасдиқ ҳолида тасдиқловчи инкор тарзида бўладилар. Тасдиқ тарзидаги топишмоқда жумбоқланган нарса билан, ҳолат жиҳатидан ўхшаш бўлган иккинчи бир нарсани тасдиқлаш орқали топилади.

«Оқ сигир туриб кетди,
Қора сигир ётиб қолди».

Бу топишмоқдаги оқ сигир — қор, қора сигир — ер. Қор эригандан кейин қора ернинг очилиб қолганлиги — ўхшаш икки образ орқали тасдиқланиб келган.

Инкор тарзидаги топишмоқда эса юқоридагининг аксини беради. Яъни жумбоқланган нарса билан, ҳолатни инкор қилиш орқали топилади.

«Сув эмас, суюқ,
Қор эмас, оқ». (Сут)

Топишмоқларда бирор предметнинг ўзи аниқ айтилмай, яширинган ҳолда, унинг сифати, белгилари, баъзи хусусиятлари билангина жумбоқланишини кўрамиз:

«Оёғи йўқ қочади,
Қаноти йўқ учади». (Тутун)

ёки:

«Учиб келар ғоз каби,
Урин олар муз каби,
Ғижирлар сахтиён каби,
Аячиқ бўлар туз каби». (Қор, аёз)

Топишмоқларни тўплам ҳолида нашр қилишда энг мураккаб томонларидан бири материални изчил илмий принциплар асосида тасниф қилиш ҳисобланади.

Топишмоқ турли халқларда турлича классификация қилинади ва материални жойлаштиришда турли усуллардан фойдаланадилар. Баъзи бир тўпламларда топишмоқнинг савол-жумбоқ қисмидан жавоби — очуви ажратилиб олинган ҳолда, яъни дастлаб топишмоқ, кейин унинг жавоби тўпламнинг охирида берилади ва савол қисмига ҳам, жавоб қисмига ҳам тартиб рақами қўйилади. Баъзи бир тўпламларда топишмоқлар алфавит тартибида жойлаштирилади. Материални алфавит тартибида жойлаштиришнинг бир ўнғайлик томони шундаки, бундай тўпламдан изланган топишмоқни тез топиб олиш мумкин. Бироқ топишмоқнинг негиз, ўзакларини қайси турга мансублигини, уларнинг (алфавит) табиатини очишда, ажратишда алфавит тартиби қийинчилик туғдиради. Топишмоқ билан жуда яқиндан таниш бўлмаган ўқувчилар учун уларнинг табиатини очиш ёки мазмунан ажратиш, айниқса қийин. Мана шунинг учун ҳам алфавит тартибида тузилган тўпламлар ҳеч қандай тематик принципга, системага солинмай тузилади.

Топишмоқларни тўпланда жойлаштиришнинг янги бир усули материални илмий принцип асосида тематик тасниф орқали тартиб бериш ҳисобланади. Кўпинча топишмоқ тўпламларини тузишда айниқса, кейинги йилларда тайёрланган бошқа халқларнинг топишмоқ тўпламларида, тематик принцип кенг қўлланилмоқда. Бу топишмоқларининг кўп қисмини ўз ичига олган Д. Н. Са

довниковнинг «Загадки русского народа»¹ номли катта ҳажмдаги топишмоқлар тўплами ва М. А. Рыбникова-нинг «Загадки»² номли тўплами бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Бу тўпламлар материалнинг илмий принциплар асосида изчил тематик қилиниши билан ҳам мукамал ҳисобланадилар.

Қўлингиздаги ушбу тўламда ўзбек топишмоқларини мукамал бир системага солишда, илмий жиҳатдан ҳозирги кун талабларига жавоб берувчи таснифни амалга оширишда, энг муҳими ўзбек топишмоқларининг табиатидан келиб чиқиб иш кўришга ҳаракат қилинди.

Топишмоқларни тематик принципда тасниф қилганда материални бир бутунликда, яъни савол қисмидан жавобини ажратмаган ҳолда бериш уларнинг асл маъносини яхшироқ тушунишга имкон беради. Топишмоқ тўпламлари тематик тасниф асосида тузилганда, материалнинг мазмуни, шакли ва табиатига қараб тартиб бермоқ лозим.

Мазкур тўламни тайёрлашда ўзбек топишмоқларининг турларини ҳар бир турнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсата оладиган даражада бўлишига, материални мазмуни билан табиатига қараб тематик асосда тартиблаштиришга ҳаракат қилинди.

Қўлингиздаги топишмоқ тўплами икки қисмдан иборат бўлиб, иккала қисми бир бутун бадий асар ҳисобланади. Образлар воситасида жумбоқланган объектнинг оти — жавоб. Жавоб топишмоқнинг асосий қисми бўлганлигидан топишмоқлар жавобига — очувига қараб классификация қилинади. Биринчи қисмга анъанавий топишмоқлар, иккинчи қисмга эса Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин совет даврида яратилган янги топишмоқлар киритилди.

Биринчи қисмдаги анъанавий топишмоқлар тўламда қуйидаги тартибда тасниф қилинди: табиат, табиат ҳодисалари, одам ва унинг аъзолари, ҳайвонлар, ҳайвон аъзолари, парранда ва қушлар, ҳашоратлар, дарахт ва мевалар, экин ва ўсимликлар, сабзавотлар, овқатлар, меҳнат қуроллари, уй хўжалик асбоблари, олов, тутун ва чироқ, кийим-кечак ва безаклар, тикиш-чатиш асбобла-

¹ Д. Н. Садовников. Загадки русского народа. Изд-во Московского университета, 1969 г.

² М. А. Рыбникова. «Загадки», М.—Л., 1932 г.

ри, ўқув қуроллари, турли хил ўйин ва спорт номлари, от асбоблари ва йўл, ҳарбий қурол-яроғга оид, кўп предметли ва ҳар турли топишмоқлар.

Топишмоқларнинг ҳар бир тематик гуруҳи ўз навбатида имкон доирасида маълум бир тартибда жойлаштирилди. Масалан: табиат ва табиат жисмлари гуруҳи қуйидагича тартибда берилди: осмон, қуёш, ой, юлдуз, ер — адир ер, шўр, ер, тоғ, сув, дарё, ариқ, булоқ ва ҳоказо. Бошқа бўлимларда ҳам мана шундай тартиб қўлланилди. Шу билан биргаликда у ёки бу тематик гуруҳда берилаётган объект бирор ҳодиса, одам, ҳайвон ёки нарса ҳақидаги топишмоқдан кейин ўша объектга тегишли, унга алоқадор нарсалар кетма-кет жойлаштирилди. Масалан, сигир ҳақидаги топишмоқдан кейин унинг аъзолари: тили, думи, териси ҳақидаги топишмоқлар кетма-кет жойлаштирилди.

Анъанавий топишмоқларнинг бундан кейин ҳам сақланиб қолишини эътиборда тутиб, қадимий даврлардан бизгача етиб келган ва истеъмолдан қолган нарсалар ҳақидаги айрим топишмоқлар ҳам тўпламга киритилди.

Маълумки, халқ оғзаки бадий ижодининг бошқа жанрлари каби топишмоқлар ҳам кенг вариантлашиш хусусиятига эгадирлар. Топишмоқлар борки, уларнинг ўндан ортиқ варианты мавжуд. Аммо барча вариант бирор нарса ҳақида бўлганлигидан жавоби бир хил бўлиб чиқаверади. Топишмоқлардаги вариантлашиш кўп ҳолларда локал сабаблар билан ҳам боғлиқ. Масалан, бир нарса ҳақидаги топишмоқ турли жойларда турлича ўзгаришлар билан айтилади. Масалан, *чакич* ҳақидаги топишмоқни кўринг:

«Қалта момом лой тепади.

Қалта хотин лой тепади.

Кичкина бобом лой тепади.

Пакана хотин лой тепади.

Пакана хотин ер тепади» ва ҳоказо.

Топишмоқ жуда қисқа, кичик бир-икки мисрали жанр бўлганлигидан бир, икки сўз ўзгариши билан янги вариант ҳосил бўлади. Вариантларнинг ҳар қайсиси эса бир-биридан ўзаро фарқ қилувчи хусусиятга эга бўлади. Лекин текширишлар шуни кўрсатадики, улардан бири асосий топишмоқ. Вариантлашиш натижасида то-

пишмоқнинг илгариги хусусияти тўла ўзгармайди, балки бир сўз ўрнига иккинчи бир сўзнинг қўшилиши ёки топишмоқнинг тузилиши бир оз ўзгариши билан унинг мазмуни, жавоби бутунлай ўзгармайди. Мана шунга қарамай, бундай вариантларнинг кўпчилиги тўпلامга киритилди. Бироқ шунда ҳам энг мукамал, бадний жиҳатдан яхши деб ҳисобланган вариант биринчи ўринда — бош топишмоқ сифатида берилиб, тартиб рақами қўйилди. Кейинги вариантлар бирин-кетин алфавит тартиби билан: а, б, в, г... ҳарфлари ёрдамида бош топишмоқдан кейин жойлаштирилди. Шундай топишмоқлар ҳам борки, улар ўзларининг шакли жиҳатидан вариантга ўхшайди-ю, лекин диққат билан ёндашса улар вариант эмас. Бундай топишмоқларда асосий объект нарсанинг таққосланмаси, ўхшатмаси бир-биридан тубдан фарқ қилади. Илон ҳақидаги бир топишмоқ бунга мисол бўла олади:

«Ер остида ёғли қайиш. 16 0,5

Ер остида ёғли ҳасиб.

Ер остида қизил қамчи.

Ер остида ҳўл гаврон.

Ер остида ёғли хивич» ва бошқалар.

Бу топишмоқларда илонга таққосланган предмет ҳар хил нарсалар қайиш, ҳасиб, қамчи, гаврон, хивич. Топишмоқдаги битта асосий сўзнинг ўзгариши ўзича мустақил топишмоқ вариантларини юзага келтирмоқда.

Икки предметли топишмоқлар ҳам сиртдан қараганда бир-бирига ўхшайди. Лекин улардаги асосий сўз ўзгариши билан уларнинг ҳар қайсиси ҳам мустақил топишмоққа айланадилар. Бундай топишмоқларнинг ҳар бири бош топишмоқ сифатида берилиб, уларнинг вариантлари шу бош топишмоқдан кейин бирин-кетин тартиб билан жойлаштирилди. Тасниф қилишда жойлаштириш қийин бўлган топишмоқлардан яна бир хили кўзга кўринмай, қўлга тутилмайдиган, ҳаво, ҳид, йил мавсуми, ўй-фикр, мақсад ва шунга ўхшаш мавҳум объектлар асосига қурилган топишмоқлар ҳисобланади. Бундай топишмоқлар қайси тематик гуруҳга бир оз алоқаси бўлса, улар ўша турнинг охирида берилди. Масалан, одам ҳақидаги қисмининг охирига: фикр, ўй, мақсад, салом ҳақидаги, табиат ҳодисалари бўлишига ҳаво, ҳид,

Йил мавсуми, вақт ва шу кабилар киритилди. Айрим топишмоқларда фақат бир предмет эмас, балки бир-биридан узоқ турган бир неча предмет биргаликда жумбоқланади:

«Сувда сулаймонни кўрдим, 18 2,5
Тоғда толаймонни кўрдим,
Тузсиз пишган ошни кўрдим,
Думалаб ётган тошни кўрдим».

Жавоби: балиқ, бўри, сумалак, тошбақа. Бу тўрт мисрала топишмоқнинг ҳар бир мисрасида, бир нарса жумбоқланган. Шундай бўлишига қарамай бу топишмоқ ҳамма вақт ва ҳамма жойда, баъзан бир оз ўзгаришлар билан тўрт мисра ҳолида тугал айтилади. Айрим жойларда унинг беш, олти мисра шаклидаги варианты ҳам учрайди. Шунга ўхшаш бир неча предметли топишмоқларни тематик таснифнинг бирор группасига жойлаштириш жуда қийин. Шу сабабли уларни танлаб алоҳида бир гуруҳ тарзида «кўп предметли топишмоқлар» номи билан анъанавий топишмоқларнинг энг охирига жойлаштириш маъқул топилди. Шундай кўп предметли топишмоқлар ҳам бёрки, улардаги жумбоқ бўлган объект — нарсаларнинг ҳаммаси бир-бирига яқиндан боғлиқдир:

«Отаси эгри-бугри, 16 1,5
Онаси силлиқ жувон,
Уғли қўшиқчи,
Қизи ўйинчи».

Жавоби: ариқ, сув, балиқ, бақа. Бу топишмоқ тематик таснифнинг «осмон, ер, сув» қисмига киритилди.

Топишмоқ айтилганда, кўпинча бир предмет кўзда тутилади. Аммо шу бир предметни айтиш учун иккинчи предмет, объект ҳам жуда яширинган ҳолда келади ва ҳар иккиси бир бутун кўриниш ҳосил қилади. Масалан: «Том устида қўш чироқ». Бу топишмоқдаги чироқ — кўз, том — бош. Топишмоқнинг жавоби — очуви бош билан кўз бўлишига қарамай, жавобда фақат кўз дейилади. Чунки асосий жумбоқ бўладиган объект кўздир. Ёки икки предмет бирликда жумбоқланиб, икки жавобга эга бўлган топишмоққа учинчи объект ўз-ўзидан яши-

ринган ҳолда аралашади: «Қоровой отдан тушди, болалари югуришди». Бу топишмоқнинг жавоби қозон, коса. Топишмоқдаги учинчи объект — от (*ўчоқ*), отдан тушди, ўчоқдан тушди. Шунга қарамай, бу топишмоқнинг жавоби фақат қозон, коса дейилади. Тасниф тартибида ҳам барча топишмоқда бир неча объект — нарса яширинган бўлишига қарамай, асосий жумбоқ қилинган предмет назарда тутилади.

Аслида мустақил бўлган, ҳатто бир-биридан жуда узоқ предметлар яширинган топишмоқлар ўзларининг тузилиши, оҳангдорлиги, поэтикаси жиҳатидан бир-бирига яқинлиги туфайли кейинчалик икки предметли топишмоқ сифатида айтиш шаклига келиб қолган. Масалан:

«Қоқирон ерда този ўйнайди,
Тақирон ерда қўзи ўйнайди...»

Бу топишмоқ оҳангдорлиги, шакли, поэтик жиҳатлари билан бир-бирига қўшилгандир. Тўпламда шунга ўхшаш топишмоқлар бир бутун топишмоқ сифатида берилди.

Айрим топишмоқнинг жавоби икки, уч хил бўлади. Бундай топишмоқлар жавобига қараб, ўзига алоқадор бўлган турли бўлимларга киритилди. Масалан: «Узун терак, сояси йўқ», топишмоғи тўрт хил жавобга эга: *милтиқ, мўри, кув, ариқ — сув*, ёки «ўзи битта, кўзи мингта». Жавоблари: *ёмғир кўпиги, тупук, элак, ангиш-вонадир*.

Топишмоқ тилида турли шеваларга хос фонетик хусусиятлар жуда кўп. Топишмоқнинг бадиийлигига зарар етмаслиги учун мумкин қадар талаффуз шаклини сақлашга ҳаракат қилинди. Масалан:

«Турса туядай,
Жатса жабадай».

Бу ўринда «жатса» сўзини «ётса» шаклида бериб бўлмайди, чунки топишмоқдаги аллитерация бузилади, яъни топишмоқнинг бадиийлигига путур етади. Шу сабабли бундай топишмоқлар талаффузда қандай бўлса, шундайлигича берилди.

Фольклор жанрларининг жумладан, топишмоқлар-

нинг лексикаси адабий тилни бойитувчи асосий манбалардан биридир. Топишмоқнинг луғат состави — жуда бой. Бундай бой ва серҳашам лексик хазина ҳозир нутқимизда кам қўлланилувчи, аммо қадимда кенг истеъмолда бўлган жуда кўп сўзларни изоҳлашда катта аҳамиятга эга.

Қадим замонларда халқ ўзининг кўз ўнгида бўлган предметлар, табиат ва табиат ҳодисаларини топишмоқда ниҳоят даражада чиройли бадий образлар орқали акс эттирганки, бунга жуда кўп топишмоқлар мисол бўла олади. Масалан: булут ҳақидаги тубандаги топишмоқни олайлик:

«Бешадан чиққан беш бия,
Бешови ҳам қулунли,
Қулунлари қўли ола,
Қуйруқлари газ ола».

Бу топишмоқдаги беша сўзи дара, тоғ оралиғи маъносида келган.

Навой асарлари луғатида бешанинг — ўрмон, чангалзор¹ маънолари қайд этилган. Бу топишмоқ Хатирчи районининг тоғ оралиғида жойлашган Ёнбош қишлоғидан ёзиб олинган. Бу ерлик одамлар беша сўзини дара, тоғ оралиғи деб изоҳлайдилар. Қашқадарё область Китоб районида ҳам мазкур сўз дара маъносида қўлланилган. Шу сабабли беша сўзини бу ўринда дара, тоғ оралиғи дейиш топишмоққа нисбатан тўғри келади. Энг муҳими шундаки, Навой асарларида беша сўзи ўрмон, чангалзор маъноларида экан, топишмоқда дара маъносида экан, демак беша сўзининг умумий маъноси ўринжойни англатишдан иборат. Демак, тоғ оралиғидан кўтарилиб келаётган булут топишмоқда образли қилиб қулунли бияларга ўхшатишмоқда. Яна бир мисол:

«Бир отим бор овушгина,
Пиёдага ковушгина».

Бу эшак ҳақидаги оддийгина бир топишмоқ, лекин бу топишмоқ ҳам изоҳ талаб қилади. Бу ердаги овуш сў-

¹ Навой асарлари луғати. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 114-бет.

зи — фольклорда бир жойдан иккинчи жойга ўтувчи, жой алмаштирувчи маъносида ишлатилади. Масалан, Фозил Йўлдош ўглининг «Тўлганой» достонида ҳам овуш сўзини учратамиз:

«Тўлганойим овуш-овуш,
Кийса ярашади ковуш,
Қичқирса етмайди товуш,
Шу йўлдан Тўлган ўтдим!»¹.

Баъзи бир истеъмолдан чиққан ёки шаҳар шароитида ишлатилмайдиган предметлар ҳақида жумбоқланган топишмоқларнинг жавобини топиш анча мураккабдир. Бундай жавоблар ҳам изоҳ талаб қилади. Масалан: «Томга чиқиб карнай чалдим, товуши Қўқонга етди», деган топишмоқнинг жавоби — Дут. Илгариги вақтларда тегирмонда тортадиган буғдой қолмагандан кейин, тегирмончи томига чиқиб чаладиган карнайга дут, дейилган. Мана шунга ўхшаш архаик деталлар изоҳланмаса, ўқувчи топишмоқнинг ечимини тушуниб ета олмайди. Шу сабабли тўплам сўнггида тушунилиши қийин бўлган сўзларга ҳамда юқоридагига ўхшаш тарихий ёки архаик деталларга изоҳли луғат берилди.

Топишмоқ тўпламининг иккинчи қисми — янги топишмоқлардан иборат бўлиб, уларнинг таснифи анъанавий топишмоқлар таснифидан фарқ қилади. Бунда Октябрь социалистик революциясидан кейин экономиканинг ўсиши, илм-фаннинг ривожланиши, маданиятнинг тез суръатлар билан равнақ топиши натижасида халқ онгида юз берган ўзгаришлар топишмоқ жанрида ҳам ўз аксини топди. Совет даврида яратилган топишмоқларда замонамизнинг илғор техникаси ва халқларимиз ҳаётида юз берган прогрессив ҳодисалар акс этади. Бошқача айтганда: топишмоқ жанри бойида, ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан янгиланди. Тўпламнинг иккинчи қисмидаги топишмоқларни тасниф қилишда мана шу янгилик ҳисобга олинди.

Бу қисмда биринчи тематик гуруҳ Ватанимиз — СССР дан бошланди. Шу билан бирга табиат, табиат ҳо-

¹ Фозил Йўлдош ўгли. «Тўлганой» достони. ЎзССР ФА А. С. Пушкин-номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инв. № 953, 62-бет.

дисалари, жонли ва жонсиз нарсалар ҳақидаги янги мазмун, янги шаклда яратилган топишмоқлар биринкетин тартиблаштирилди.

Янги топишмоқларнинг тасниф тартиби тубандагича: бизнинг Ватан, электротехника, радиотехника ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ҳарбий муҳофаа, қурилиш машиналари ва асбоблари, шаҳар ободонлиги, мактаб ва ўқув қуроллари, чолғу асбоблари, ўйинспорт, космогония, осмон, ер, сув, табиат ҳодисалари, одам ва унинг аъзолари, ҳайвонлар, парранда ва қушлар, ҳашаротлар, дарахт, мевали дарахтлар ва мевалар, экин ва ўсимликлар, сабзавотлар, таомлар (овқат) кийим-кечак ва тикиш асбоблари, уй жиҳозлари ва хўжалик асбоблари, ҳазил ва ўйин сўроқлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бутун мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда, халқ ижодини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш ишига жиддий эътибор берилди. Совет ҳокимияти йилларида атоқли олим, профессор Ҳоди Зариф ва унинг шогирдлари бошчилигида уюштирилган фольклор экспедициялари ва илмий сафарлар давомида халқ ижодчиларини Марказга таклиф қилиш йўли билан халқ ижодининг барча жанрларига оид хилма-хил характердаги жуда кўп материаллар тўпланди. Бу материалларга муайян бир тартиб берилди ва улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сақланмоқда.

Фольклор экспедициялари ва илмий сафарлар программасида топишмоқларни ҳам тўплаш муҳим ўрин тутиб келди ва шундай бўлиб қолади. Фольклор архивида жамланган топишмоқлар республикамизнинг деярли барча ерларидан ва ундан ташқаридаги ўзбеклар яшайдиган жойлардан турли ёш ва касбдаги юзлаб кишилардан ёзиб олинган. Бу материалларни ёзиб олишда ушбу сатрлар муаллифи узоқ йиллар давомида шахсан иштирок этди. Шунингдек, халқ топишмоқларини тўплашда Ҳоди Зариф, Б. Каримов, М. Афзалов, М. Алавия, Б. Саримсоқов, Т. Мирзаев, М. Саидов, О. Собиров, М. Муродов, А. Қаҳҳоров, Т. Очилов каби фольклоршунослар, Н. Собуров, С. Содиқов, Раҳматулла Юсуф ўғли, Ш. Хўжаева сингари фольклор тўпловчиларнинг ҳиссаси анча салмоқлидир.

Тўпламнинг биринчи қисмидаги анъанавий топиш-

моқлар асосан фольклор архивида сақланаётган материаллардан иборат. Аммо архив материаллари орасида бўлмаган ёки бор бўлса ҳам унга қараганда тўлароқ, тузилиши ва бадиийлиги жиҳатидан пухтароқ бўлган топишмоқлар илгари нашр этилган қуйидаги тўпламлардан олинди: Иброҳим Даврон, Маданий жумбоқлар, Тошкент, 1905, Жумбоқ мажмуаси, Қўқон, 1916-1917. Исмоил Орифий, Топишмоқлар, Самарқанд — Тошкент, 1929. Тўпламнинг иккинчи қисмидаги топишмоқларнинг муайян қисми турли районлардаги мактаб ўқувчиларидан ёзиб олинган. Қолганлари эса, болалар газета ва журналлари, ўқув китобларида («Ленин учқуни» газетаси, «Ёш куч», «Гунча», «Гулхан», «Пионер» журналлари, 1—2-синф ўқиш китоблари ва бошқалар) эълон қилинган топишмоқлардан танланди.

Ушбу тўплам илгари нашр этилган тўпламлардан ҳажм жиҳатидан анча катта ва ҳар хил турдаги кўпгина топишмоқларни ўз ичига олган бўлишига қарамай, тўпламни янада тўлдириш мумкинки, бу фольклоршunosлигимизнинг келгусидаги муҳим вазифаларидан бири саналади.

Зубайда Хусаинова
филология фанлари кандидати

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

А

- Абдал** — Исм; азиз. Топишмоқда пахта — **иззатли**, азиз, кекса бобо деб таърифланади.
- Аварак** — булоқи, сирға, бурунга тақиладиган **безак**.
- Адан** — Пойгақ (хонанинг эшик томонидаги қисми).
- Адрасман** — **исриқ**, ҳазарспан. Топишмоқда **исриқ** киприқларга тенгланади.
- Ажриқ** — бир хил ўт. Чейил (Хоразмда).
- Аланг** — кўриқ ер, ташландиқ ер, адир ер, текис ер.
- Албар-жалбар** — ўйноқи, ҳаракат қилиб турувчи, довдираб юрувчи.
- Анг** — ҳайвон, овланадиган ҳайвон. «Анг кетди» — овга кетди.
- Арақ-арақ** — бирор нарсани аниқроқ билиб олиш учун тикилиб-тикилиб қараш.
- Арвайтмоқ** — ёзмоқ, ёймоқ, кермоқ.
- Ариқ** — соф, тоза.

Б

- Барақи** — сержун ит ёки узун ёлли, узун думли от.
- Бахир** — бахтсиз, мискин, бечора.
- Беланг** — беланги, бели майиб. (Чумолининг бели ингичкалигига ишора)
- Белдов** — қора уй, ўтовнинг (ўртилган кийгизи устидан) белидан айлангириб боғланадиган жундан қилинган тасма.
- Беша** — дара, водий.
- Билтанг** — қимирлаб турувчи.
- Бов** — ип, ингичка арғамчи.
- Бошқур** — гилам.
- Боғлон қўзи** — боқилган, семиз ва ёш қўзи.
- Бувиш** — бувиш.
- Бужамоқ** — рижимламоқ, туғмоқ.
- Бук** — қочмоқ, яширинмоқ, паналанмоқ, «букка кирди», қочиб кирди. (Топишмоқда сич-

қоннинг қочиши, яшириниши ифодаланади.

- Бупоп** — буқурмоқ (туянинг офлаб бўкириши).
Бурж — туриб қолган, ҳидланган сув.
Бурмали — қат-қат тахланган, бурилган.
Буртоз — танглик, торлик (обдаста ва чилим жўмрагининг ингичкалиги, торлиги).
Бурувли — ёпувчи, бекитувчи.
Буртим-буртим — бўртган, қабаринқи.
Бурқилдоқ-варқилдоқ — вайсақи.
Бутов — бутуш, бўлинмаган, синмаган.
Буттатак — шохланмоқ, айрилмоқ.
Бушшали — безовта бўлмоқ, аччиқланмоқ.
Бўбак — чақалоқ, кичкинтой, ёш бола.
Бўз — кулранг, «бўз от» — кулранг от.
Бўм — жим, индамасдан ўтирмоқ.
Бўрбой — оёқнинг түпиқдан юқори, тизадан паст йўғон қисми.
Бўсаға — остона, маҳмадона.
Бўғжома — нарса ўралган тугун. Тахмонга тахлаб-уйиб қўйилган кўрпа-тўшакларнинг устини ўраб қўйиладиган, катта ва безакланган мато, кичик гиламча, тут қоққанда пастда тутни йиғиш учун тўрт томонидан тутиб туриладиган катта дастурхон.

В

- Войвож** — чиябўри, шақол.

Г

- Гавдан** — говға кўтарувчи, говгачи.
Гизланмоқ — яширинмоқ, бекинмоқ, ўртинмоқ, «Говачага гизландим» — пахтадан бўлган кийимга яшириниш маъносида.
Гуппи — кўтарилма, кўтаринки. «Бир гуппи» — бир ўрқачли туянинг ўрқачи.
Гуржи — кучук, кичкина, пакана ит.
Гўшак — хуржун ва қопларнинг оғзига ҳалқа қилиб тикилган болдоқлар.

Д

- Дакана** — дока рўмол,
Далва — телба, тентак.
Данг (и) — тенг, баробар, тўғри.
Дарича — дераза. Топишмоқда кўз — дарча, «Дарчадан узоқ» — кўздан узоқ. Шунингдек «кўз кўнгил дарчаси» (мақол).
Дароз — узун. «Поча дароз» — оёқлари узун.
Даройи — ипақдан юққа, нозик қилиб қўлда тўқилган бир хил мато.

Датти	— кичик.
Дигирчак-диқирчак	— ғилдиракча, ғилдировчи, думалаб кетувчи.
Диғириқ-тиқириқ	— ингичка, тор кўча, тор йўлак. «Тор диғириқда от ўйнар». (Қува).
Дол	— ўрталиқ жой. «Доконасин дол қўйиб»— доконасини ўрта жойига қўйиб, ўраб.
Дуз	— сахро, чўл, текислик жой.
Дут	— шохдан махсус ишланган тегирмон карнайи. (Тегирмонда тортиш учун буғдой, дон қолмаганда, тегирмон томига чиқиб чалинадиган карнай.)
Дўланмоқ	— айланмоқ, қайрилмоқ, тўлғанмоқ.
Дўрамоқ	— пайдо бўлмоқ, яратилмоқ.

Ж

Жаба	— қўй, эчкининг ёзда қирқилган жунидан бўлган, кенг қилиб тикилган уст кийими, жун чакмон.
Жалбироқ	— барг, япроқ, ўсимлик барги.
Жалоқ	— қораялоқ отнинг орқасида, одамнинг лабида бўладиган кичик яра.
Жана	— дўнг, тепа. Дўнгнинг, тепанинг қиялиги.
Жанда	— йиртиқ-ямоқли, қуроқ.
Жар қилич	— кескир, ўткир қилич, ёриб кетувчи қилич. (Жайранинг сихи, ўқи қиличга тенгланган.)
Жарғақ	— жунидан тозаланган тери, чарм.
Желак	— яктак, пакана, кичкина, «желакни тош»— кичкина, пакана, шолғомга айтилган.
Жинггила	— жингалак, бурушиқ.
Жир	— мой, ёғ; «жир моя»— семиз, ёғли ургочи туя.
Жиранда	— ёмғир ювиб кетган жарча, чуқурча.
Жиқир	— жиқ, кўп, жуда кўп, ниҳоятда. «Жиқир палов»— Кўп ёғли палов.
Жанамай	— дўнг ва тепалик жойларнинг қияси, ёни.
Жук	— чийилламоқ, чирилламоқ, «жукка кирдч»— чийиллашга бошлади, киришди.
Жўшан	— шuvoқ, пўта.

З

Зангор	— осмон, кўк.
Занги	— занг, токнинг асосий танаси.
Зархалак	— олтин, зар билан ҳал қилинган, сариқ, сарғиш, сарғиш ранг.
Зилча	— гилам.
Зинг	— овоз чиқиши, «зинг этди».
Зингимоқ	— тез кетмоқ, улоқиб кетмоқ.

И

Изарламоқ	— изламоқ, из топмоқ, қидирмоқ. «Изарласа изи йўқ»— изини қидирса изи йўқ.
-----------	--

Исфарақ	— ўрик хили.
Италғи, итлори	— олғир, йиртқич қуш.
Ичик	— нимча.
Ишиқ	— шишиқ, шишинқи, қабаринқи.
Ичқур —	— иштонбор.

И

Иитмоқ	— йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ.
--------	-------------------------------

К

Кавшамоқ	— кавш қайтармоқ.
Каллак	— учи, устки қисми қирқилган дарахт шохлари.
Калташма	— калтагина, калтача.
Канди	— ўткармоқ, қолдирмоқ.
Картик	— кертик, бирор нарсаданинг бир четини ўйиб, кесиб олинган жойи.
Керага	— ўтов ва қора уйнинг четансимон девор қисми.
Керки	— теша, чет.
Кишан	— тутов (отнинг олдинги икки оёғини боғлайдиган махсус ип, чилвир), «шилдиршилдир кишаным». Сувнинг шилдираб оқиши кишан (чилвир) шилдирашига ишора.
Кешта	— кечаси товуқлар тунаши учун махсус қўйилган узун ёғочлар.
Куван	— чилвир, ингичка ип, арқон. Икки қозиқ орасига тортилган арқонга ҳар ер, ҳар ердан боғлаб қўйилган чизимча. Унга қўй, эчкилар боғланади.
Кувача, кавача	— хурмача.
Кукун	— тўпа. Ўтин арралаганда орасидан тўкилган майда қишиқ.
Кўлола	— ғужанак бўлиб ётмоқ.
Кунда	— омоч тиши.
Купнажак	— тўнкача.
Кўпирик	— кўпиб, кўпчиб, қавариб турган нарса. «Кўпирик тагида тўртта қурт». (Сигир елини)
Кўтол	— баландлик, довон.
Кўшак	— бўта, бўталоқ (туянинг бир ёшлик боласи).

Л

Лагалак, лаглак	— лайлак.
Лайл	— тун, кечаси, оқшом, қоронғилик.
Лангар	— тегирмоннинг устига қўйилган тош, сопол лаган (топишмоқда анжир муболага билан тегирмон тошига ёки сопол лаганга таққосланган).
Ленг	— оёқ.
Ликинг-ликинг	— ўзини бир томондан иккинчи томонга ташлаб, қийшайиб юриш, югуриш.

Лўнғир

— қалтироқ, ларзон (томчининг юқоридан узилиб-узилиб, қимирлаб, қалтираб тушишга ишора).

Лўк

— эркак туя, бўйни ва оёғи узун бир ўрқачли туя.

М

Малики

— мулкдор бой.

Матал

— топишмоқ, жумбоқ.

Матба

— ош пиширадиган жой, ошхона.

Маян қашқа

— Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон территориясида тарқалган типратиконлар гавдасининг қорин томонидаги оқ ва майда юмшоқ жуни кўзда тутилган.

Мадпара

— ойпарча, ойдай гўзал.

Миннас

— чақа, майда чақа, танга.

Минтик

— зарар берувчи, зараркуйанда.

Мисирн

— ҳар нарсага қодир, ёрдам берувчи.

Мол

— мол (сигир энг маҳсулдор ҳайвонлардан бири. Шу сабабли қадимдаги халқлар мол (сигир) билан қуёшни тенглашган).

Мос

— хизматкор.

Моя

— ургочи туя.

Мумдаст

— мумсимон, қўлга олиб бўлмас, тутиш мумкин эмас.

Муррук

— бурушиқ, ғадир-будир.

Мўнди

— хурмача, дастасиз сопол кўза.

Мутти

— чаққон, эпчил.

Н

Нимчак(и)

— 200—250 граммга тенг оғирлик ўлчови.

Нос

— ифлос, чиркин, исқирт. «Наҳс»нинг бузилгани.

Нўл

— тумшуқ, қуш тумшуғи.

О

Оби

— ўчмас, зангламайдиган «оби қилич», зангламайдиган қилич. (Одам ўлса ҳам оти ўчмас маъносида.)

Овуш

— алмашини, силжиш.

Оёқ

— коса, ёғочдан қилинган идиш.

Ойдала

— чексиз, кенг дала, кенг саҳро

Ой қучоқ

— ўтов ва қора уйнинг четансимон девор қисмидаги узун ёғочлари.

Олтой, олтойи

— қизил тулки.

Опон

— қўпол, бесўнақай.

Осий

— гувоҳкор.

Оч.гази

— торда икки бир-бирига туташ ёйиқ дўнг оралиғи, газа — икки чўққи ораси.

Оқ

— Сут, қатиқ.

Оқмоқ

— аҳмоқ, аңқов.

Оқ қуврай — қир, адир, бұғдойзорда ұсадиган ва қур-
ғоқчиликка чидамли, пояси мустаҳкам, ўзи
оқиш-қўнғир рангли, гуллари майда, кўп
йиллик доривор ўсимлик.

П

Паж — пуч, ярамас.
Паранг-паран — қорамтир; учқур, учадиган, учувчи.
Пасак — паст томон, орқа томон.
Пасманда — ифлос, кир.
Попиш — туянинг товони.
Попишда попиш,
Деворга ёпиш. (Қор)
Паром — ёқимли, ширин.
Поча — ҳайвон оёқлари.
Поянтак — мустаҳкам, маҳкам, барқарор.
Пута — белбоғ, камар.

Р

Ресмон, рисмон — арқон, ин.
Рўян — илдизи йўғон, гули сариқ бир хил ўт.
Рўяндан қизил ранг олинади.

С

Савр — ҳўкиз.
Санчалак — санчучи, санчиладиган.
Сарпўш — қопқоқ, ўртик.
Сарракламоқ — сараламоқ.
Сахтиён — эчки терисидан қилинган юқори сифатли
чарм.
Сақтали — йиғувчи, тўпловчи, сақловчи.
Сер — зар, олтин.
Сийрақ — тизза билан тўпиқ ораси.
Суйри — баланд, баландлик, баланд тепа, чўққи,
чўққили.
Симян, зимян — зипиллаб югуриб ўтмоқ, кўзга кўринмай
ўтмоқ.
Сулаймон — гўшти майин, ранги қизғиш катта балиқ,
«лосось».
Сур — девор, қалъа.
Суру, сурук — гуруҳ, тўда, тўп.
Сусмарай — ярамас, ифлос.
Сўлпи, сўлб — қаттиқ, мустаҳкам.

Т

Габанақ, таванақ — паст, паст бўйли, пакана.
Габбах — ошпаз, овқат пиширувчи.
Гакаки — пиширилган тери, эчки, қўй чарми.
Гакия — ёстиқ, суянчиқ.
Галаймон — таловчи, талайдиган, босқинчи, ўғри.

Танобдай	— ингичка ипдай, ипни тортиб кўйгандай.
Тарам-тарам	— ҳар томонга айрилиб, тармоқланиб кетган.
Тақирвон	— бешик.
Тақирон ер	— тақир ер, текис ер.
Телачак	— телача, қабаринқи.
Тизарласа	— тиззаласа.
Тикраймоқ	— бақраймоқ, бақрайган кўзга ўхшаш.
Тингламоқ	— тингламоқ.
Тиртиш	— тиртиқ, йиртиқ.
Товур	— дуруст, яхши.
Товушқон	— қуён.
Тойлоқ	— бўталoқ, икки яшар туя.
Толма	— камқувват бўлиб, толиқиб қолган (дай).
Том	— уй, жой.
Тоқия	— дўппи, аёллар дўпписи.
Тузак	— туз ер.
Туйна	— шнш, молларда бўладиган тери шиши.
Тупчак	— бурчак.
Тута	— ғалтак.
Тутак	— жўмрак, эмчак.
Тучук	— чучук, мазалиқ, ширин. «Тучук дона» — мазалиқ, ширин дона.
Тўбалашмоқ	— азоб бериб уришмоқ.
Тўс	— ҳар тусли, ранг-баранг, текис. «Тўс мунчоқ» — ранг-баранг мунчоқ.
Тўқим	— терлик, от эгари тагига қўйиладиган на-мат.
Тўғай-тўғай	— айланма, буралиб-буралиб кетган, қайрил-ма (йўл).
Тўғалоқ	— юмалоқ, думалоқ. «Тўғалоқ қовоқ» (ён-гоқ).

У

Ува	— уя.
Увнуқ, увноқ	— увоқ, майда, кичик, ушоқ.
Уз	— узоқ, олис ер юзи. «Уз кетди» — узоқ кетди (сув), «уз кетди» — ер юзидан кетди (илон).
Уй	— мол-сигир, ҳўкиз, буқа.
Уламая-улама	— йўлнинг бир-бирига уланиб, туташиб ке-тиши.
Уламиқ-уламоқ	— тентираб, йўқолиб кетмоқ.
Улуч	— ўғилчам, қарағим (чил).
Урувли	— уруғли, қариндош-уруғи бор.
Учак	— том.
Учқу тортмоқ	— ўтиннинг писиллаб ёниб туриши.
Учқур	— иштонбоғ.
Ушук	— топишмоқ, жумбоқ.

Ф

Фил, фил(ди)	— оч кул ранг (ойнанинг ранги кўзда туги-лади).
Фона	— ёғочдан тарашланган қозик.

Х

Хам-хам	— топишмоқда оғиз маъносида.
Хачча	— тиргович, айри.
Химич	— хивич, химча, ингичка новда.
Худ	— ўзи; ёлғиз, биргина. «Худдибой чўлоқ Ер қазир». (Томчи)
Худтатак	— ўзи серҳаракат.
Хўппа	— семиз, йўғон, юмалоқ.

Ч

Чавайи	— ёғсиз, юпқа қилиб қозонда пишириладяган нон.
Чалмоқ	— йиқитмоқ, тагидан ағдармоқ, юлмоқ, узмоқ.
Чангароқ	— ўтов ва қора уй гумбазининг доирасимон тепа қисми.
Чел	— чет, чегара, қир (қирра)
Чилан-чиланг	— узук.
Чилбир	— ингичка ип, арқон.
Чилпоя	— хода.
Чимври	— серҳаракат, чаққон.
Чин	— шўх, ўйинқароқ, ўйноқи.
Чипоқ	— тирноқ (ҳайвонлар тирноғи), чўлтоқ.
Чирги	— тўқим, терлик (эгарнинг тагига қўйиладиган кигиз).
Чир-чир	— қўлига тушганини қолдирмай еювчи.
Чирмашоқ	— юқорига қараб чиқиб турувчи (тикюл-вигначаларининг юқорига қараб чиқиб тургани).
Чош-чош	— чоч-чоч, жуда кўп, ҳадсиз.
Чубатмоқ	— чувалтмоқ.
Чуймоқ	— ботиб, иргитиб юбормоқ, йўлламоқ.
Чулдирамоқ	— секин-аста, паст овоз чиқармоқ.
Чумбоқ	— тугун.
Чуя	— чув, ҳей (қўй ҳайдашда айтилади).
Чўлли	— хотинлар сочига тақиладиган кумуш безак.
Чўпкон	— кўп пичан, ўт, хашак.
Чўптара	— қамишдан қилинган уй.

Ш

Шибоқ	— бута, ўт, майса.
Шивиргон	— жой оти. (Ҳирот билан Балх орасидаги машҳур шаҳар.)
Шим-шим	— жуда секин, аста овоз чиқариш, миш-миш.
Ширдон	— янчилган сомонни кўмиш учун қазилган жой.
Шаҳмон	— шоҳсумон, шоҳга ўхшаган.
Шўра	— олабўта. Бир хил ярамас ўт

Э

Эломон	— қўриқчи, қорувчи, соқчи.
Эпак	— бузоқ, сигир.

Ю

Юлғун — бир хил ўт.

Ў

Уймоқ — ангишвона; уйилган жой, чуқур жой.
 Упқон — таги йўқ чуқурлик, жуда чуқур ўра.

Қ

Қалқаймоқ — қалқимоқ, қалиқмоқ, юқорига кўтарилиб турмоқ, тик турмоқ.
 Қанди — қонли, қонланган.
 Қант, кант — қишлоқ, аҳоли яшайдиган пункт, кичик шаҳар.
 Қапишмоқ — ёндошмоқ, жипслашмоқ.
 Қари — қўлнинг тирсақдан елкагача бўлган қисми.
 Қарқара — қилич (топишмоқда қора чироқнинг ёниб ёруғ бериб турган ўти ярақлаган қиличга тегилади). «Қарқарабоз ўйнайди».
 Қаса — туёқли ҳайвонларнинг тезаклайдиган органи.
 Қашамшам — ўжар, қайсар.
 Қашқалдоқ — ўрдақдан кичикроқ сув қуши «лысуха».
 Қизил — бугдой.
 Қийма — шод, қувноқ, ҳушчақчақ.
 Қитти — қитдай, кичик, жуда кичик; кам, оз, заррача.
 Қовуш — тарнов, таннов.
 Қорамуғ, қорамуқ — бугдой ва бошқа донлар орасида бўладиган бегона ўт.
 Қортоз — кенг, эркин, мечкай.
 Қув — қуруқ, «қув ёғоч» — қуруқ ёғоч.
 Қуймоқ — айтмоқ, топишмоқ айтмоқ. Ҳал қилиниши керак бўлган савол ёки гапни ўртага ташламоқ. Топишмоқда топилиши лозим бўлган жумбоқни ўртага ташлаш.
 Қулола — тўриқ от, жийрон от, ола от.
 Қулфи занжир — топишмоқда ердаги музнинг узоқдан ярақлаб кўрениши, яқинига келганда ярақлагани йўқолиши, қулфланган, занжирланган ифодаси билан жумбоқланган.
 Қулпи тўн — бир хил ипакли матодан тикилган тўн, кийим.
 Қулқулум, қулқудум — сопол хурмача.
 Қўқрон — қўқиб ётган ер, саҳро ер.

Ғ

Ғалтон — айланадиган, айланиб турадиган, айлантриладиган (нарса).
 Ғаров — 1. Қамиш. 2. Катта ип ғалтак.
 Ғовача — Ғўза.
 Ғовзан — ғовға кўтарувчи, ғовғачи.

Ҳ

Ҳовуз	— оғиз.
Ҳаятча	— боғча (ҳаят — ҳовлига туташ девор билан ўралган боғ).
Ҳалложи	— пахтани чигитидан тозалайдиган чиғириқ.
Ҳало	— ширин, тотли.
Ҳамён	— қопчиқ; камар, белбоғ.
Ҳачча	— тирговуч, айри.
Ҳели	— жувознинг айланадиган ўқи.
Ҳубби	— сув ҳомийси.

Ушбу луғат ва изоҳларни тузишда асосан топишмоқ ёзиб олинган пайтда топишмоқдаги аниқ бўлмаган сўзларни одамларнинг ўзидан сўраб, аниқланди. Шу билан биргаликда қуйидаги луғатлардан ҳам фойдаланилди: Ўзбек халқ шевалари луғати, Тошкент, 1971; Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, 1-китоб, Тошкент, 1964; В. В. Радлов, Опыт словаря тюркских наречий, СПб, 1893; Маҳмуд Қошғарий, Девону луғатит турк, Тошкент, 1960—1963; П. Шамсиев, С. Иброҳимов, Навоий асарлари луғати, Тошкент, 1972. Луғатда топишмоқдаги тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг луғавий маъноси эмас, балки уларнинг контекстдаги маъноси берилди.

МУНДАРИЖА

АНЪАНАВИЙ ТОПИШМОҚЛАР

Осмон ер, сув ҳақида	7
Табиат ҳодисалари, йил фасли ва мавсум ҳақида	16
Одам, унинг аъзолари ва хислатлари ҳақида	28
Ҳайвонот дунёси ҳақида	47
Парранда ва қушлар ҳақида	67
Ҳашаротлар ҳақида	74
Дарахт ва мевалар ҳақида	82
Экин ва ўсимликлар ҳақида	89
Полиз экинлари ва сабзавотлар ҳақида	97
Озиқ-овқатлар ҳақида	104
Меҳнат қуроллари ҳақида	109
Турар жой, уй, унга тегишли асбоблар ва жиҳозлар ҳақида	117
Уй хўжалик асбоблари ҳақида	129
Олов, тутун, чироқ ва ёқилғи ҳақида	144
Кийим-кечак, безак ва тикувчилик асбоблари ҳақида	149
Китоб, ёзув ва ўқув қуроллари ҳақида	157
Чолғу асбоблари ҳақида	160
Ўйинлар ва ўйинчоқлар ҳақида	162
От асбоблари, йўл ҳақида	164
Кема, қурол-яроқлар ҳақида	171
Қўп предметли ва ҳар турли топишмоқлар	174

ЯНГИ ТОПИШМОҚЛАР

Бизнинг Ватан	191
Электротехникага оид топишмоқлар	194
Радиотехника ва алоқага оид топишмоқлар	199
Қишлоқ хўжалигига оид топишмоқлар	204
Транспорт ҳақида	208
Қурилиш машиналари, асбоблари ва материаллари ҳақида	219
Шаҳар ободончилигига оид топишмоқлар	223
Ҳарбий-мудофаага оид топишмоқлар	225
Мактаб ва ўқув қуроллари ҳақида	227
Чолғу асбоблари ҳақида	238
Уйим-спортга оид топишмоқлар	241

Осмон, ер, сув ҳақида	245
Табиат ҳодисалари, йил фасллари ҳақида	253
Одам, унинг аъзолари, хислатлари ҳақида	263
Ҳайвонлар ҳақида	268
Парранда ва қушлар ҳақида	275
Ҳашаротлар ҳақида	280
Дарахт, мевали дарахтлар ва мевалар ҳақида	286
Экин ва ўсимликлар ҳақида	294
Поллиз экинлари ва сабзавотлар ҳақида	302
Озиқ-овқатлар ҳақида	309
Кийим-кечак ва тикиш асбоблари ҳақида	312
Уй, жиҳозлар ва хўжалик асбоблари ҳақида	317
Ҳазил ва ўйин сўроқлар	329
З. Ҳусайнова. Сўнг сўз	337
Изоҳли лугат	354

На узбекском языке

УЗБЕКСКОЕ НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО

ЗАГАДКИ

Редактор Х. Мансурова
Рассом М. Тахтаев
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор Е. Потапова
Корректор Ш. Соатова
ИБ № 1685

Босмахонага берилди 05.01.81. Босишга рухсат этилди 15.07.81. Р. 08997. Формати 21×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 19,32.+0,63 вкл. Нашр л. 15,04+0,35. Тиражи 60000. Заказ № 450. Баҳоси 1 с. 60 т.
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси Тошкент, Ҳамза кўчаси 21.

Ўзбек халқ ижоди: Кўп томлик.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

Сарл. олдида: ЎзССР ФА. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти. Топишмоқлар. (Редколл.: К. Яшин ва бошқ.); Тузувчи ва нашрга тайёрловчи З. Хусаннова. 368 б., расм.

Топишмоқлар . . . Уларни ҳақли равишда поэтик тафаккур дурдоналари дейишди.

Кулингиздаги ушбу китобда Ўзбек халқ ижодининг ана шундай дурдоналари жамланди. Топишмоқларни ўқир экансиз, ақл-закозатнинг, тафаккурнинг порлоқ тантанасини кўрасиз, бебаҳо маънавий озиқ olasиз.

Узбекское народное творчество

УзФ